

Книга должна быть возвращена
не позже указанного здесь срока

Количество предыдущих выдач _____

20 X 208	24/II-332
7 XI 208	23/VII-387
3/I-40	7-08-387
24/IV-462	15/X-25
20/III-462	4/III-237
22/VI-506	9/VIII-25
21/II-540	11/V-824
25/II-332	23/VI-1127
9/II-332	13/X-379

Т. 2 З. 1289-3000000-89 г.

Хожа
АБДУЛХОЛИҚ
ФИЖДУВОНИЙ

Сўз боши, таржима,
лугат ва изоҳлар муаллифи
Махмуд Ҳасаний

111186
ТОШКЕНТ
“ЎЗБЕКИСТОН”
2003

86.38
x59

Рисола Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган.

Масъул мұхаррир ва бош мақола муаллифи — ЎзФА
академиги М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ

Тақризчилар: С. КАРИМОВА, тарих фанлари доктори,
Б. МАННОНОВ, тарих фанлари номзоди.

Мұхаррир — Ш. МАНСУРОВ

Шарқшунос олим, юздан ортиқ мақола, олтмишдан ортиқ илмий, табдил ва таржима асарлар муаллифи М. Ҳасаний томонидан тайёрангган ушбу рисолада Шарқ маданияти тарихида үчмас из қолдирған ва бу йил 900 йиллик түйи нишонланаётған буюк ватандошимиз Жоғары Абдулхалиқ Фиждувонийнинг (1103—1179 йиллар) ҳаёти ва фаолияти ёритилған. Бу иирик олим, мұрасавиғ шоир ҳақида ёзилған «Маноқиб» ва «Мақомот» ўзбек тилига биринчи марта таржима қилиб берилмоқда. Бундан ташқары Фиждувоний қаламига мансуб асарлардан ҳам намуналар көлтирилған.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мүлжаллаңған.

X 0503020904-57 2003
M351 (04) 2003

ISBN 5-640-03038-0

© «Ўзбекистон» нашриёти, 2003

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДА

Мустақиллигимиз шарофати билан миллий-диний қадриятларимиз тиклана бошлади. Миллий қадриятларимиз тикланиши ташаббускори ва ҳомийси Президент И. Каримов эканлигини алоҳида қайд этиш зарур. «Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзга хослиги қайта тикланаётганилиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишида ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир»¹.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизни тиклаш, маънавий меросимизни ўрганиш йўлида самарали ишлар амалга оширилди. Ўтмишда яшаган, аниқ фанлар билан шуфулланган олимлар ҳамда диний арбобларнинг юбилейлари ўтказилди, уларнинг асарлари таржима ва тадқиқ қилинди. Бунга мисол қилиб Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Бурҳонуддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд борасида қилинган ишларни кўрсатиш мумкин.

Маълумки, Ислом оламида диний қадриятлар билан бирга тасаввуф ҳам ривожланишда бўлди. Ўрта Осиёнинг ўзида қубравия, яссавия, нақшбандия каби тариқатлар вужудга келди ва тараққийпарвар ғоялар билан комил инсонни тарбиялашда маданиятимиз тарихида муҳим рол ўйнади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида доно боболаримиз то-

¹ И. Каримов. Буюк келажак сари. Тошкент, 1998 й. 301-бет.

монидан ёзилган юз мингдан ортиқ асар сақланмоқда. Юқорида зикр қилинган барча олимларнинг ва диний арбобларнинг асарлари ҳам шу институт қўлёзмалар хазинасидан ўрин олган. Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили олим уламолардан, тасаввуф аҳлидан бўлган шайхларнинг юбилейи ўтказилар экан, уларнинг асарлари мазкур институт ходимлари томонидан ўрганилиши ва нашрга тайёрланиши муқаррардир. Шаҳарлар тарихи ҳақидаги манбалар ҳам шу институт олимлари томонидан тадқиқ этилади. Институт олимларининг Имом Бухорий, Бурҳонуддин Марғиноний, Абу Мансур Мотуридий ҳақидаги китоб ва рисолалари бунга ёрқин гувоҳдир.

Бу йил Шарқ маънавий оламида ўзидан катта изқолдирган ватандошимиз, йирик мутасаввиф олим Абдулхолик Фиждувонийнинг 900 йиллик тўйларига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Институт олимлари ҳам бу тўйга тўёна билан келишмоқда. Институтда олимнинг фаолиятига бағишлиланган катта илмий анжуман ўтказилди. Тадқиқотчилар қизиқарли маърузлари билан илмий жамоатчилик олдида чиқиш қилдилар. Уларнинг мақолалари матбуотда ҳам ўз акси ни топмоқда.

Таниқли шарқшунос олим М. Ҳасаний ҳамда олима М. Раззоқова ва Г. Музafferовалар иштироқида тайёрланган бу рисола ҳам ана шу йўлда қўйилган қадамлардан биридир. Унда Абдулхолик Фиждувонийнинг илмий фаолияти, у ҳақда ёзилган мақомотлардан намуналар, олимнинг ўзи ёзган асарлардан парчалар эълон қилинмоқда. Рисола Фиждувонийнинг 900 йиллик юбилейига муносиб тухфа бўлади, деган умиддамиз.

М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ
Ўзбекистон Фанлар академияси-
нинг академиги

ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ

Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний (1103—1179 йиллар) хожагон деб аталадиган тариқатнинг ривожига катта ҳисса қўшган зотлардан биридир. Маълумки, Ислом оламида Қодирия, Чиштия, Кубравия, Сухравардия, Яссавия каби ўнлаб тариқатлар мавжуд бўлган. Хожагон тариқатининг силсиласи Шайх Боязид Бистомийдан (вафоти 874 й.) бошланган бўлиб, бу тариқатга мустаҳкам асос қўйган зот Хожа Юсуф Ҳамадоний (вафоти 1140 й.) эди. Унинг изидан боргандар эса Хожалар деб аталган. Хожа Абдулхолиқнинг отаси Имом Молик авлодларидан, онаси эса Рум (ҳозирги Туркия) подшоси авлодларидан бўлган. Фиждувонийнинг отаси Абдулжамил замон ҳодисалари туфайли Фиждувонга келади ва бу ерда Абдулхолиқ Фиждувоний туғилади.

Фиждувоний мадраса илмларини Бухорода ўқиб ўрганди. Кейинчалик ўзи ёзган «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний» рисоласида айтишича, 22 ёшга тўлганда Юсуф Ҳамадоний билан учрашади ва унга мурид бўлади. Улуф шайх, олим ва шоир Ҳамадонийнинг тасаввуфга бағишлиланган «Рутбат ул-ҳаёт» («Ҳаёт мартабалари»), «Манозил ус-сойирин» («Сайр қилувчиларнинг манзиллари»), «Манозил ус-соликин» («Сулукдагиларнинг манзиллари») ҳамда бошқа асарлари маълум: Унинг минглаб шогирдлари бўлган. Шулардан тўрттаси — Хожа Ҳасан Андоқий, Абдуллоҳ Баракий, Аҳмад Яссавий ва Абдулхолиқ Фиждувоний унинг халифа (ўринбосар)лари бўлганлар. Бу ҳақда Фиждувонийнинг ўзи «Мақомот»да бундай ёзади: «Йигирма икки ёшга етганимда, Ҳазрати Хожа Хизр алайҳиссалом мени Шайх (Юсуф Ҳамадоний)

хузурларига олиб бордилар. Бузругвор шайх Хожа Хизр олдиларида менга зикр айтишни таълим бердилар. Хожа Ҳасан Андоқий ва Хожа Аҳмад Яссавий Шайх ҳузурига келдилар, уларга ҳам зикр айтишни таълим бердилар. Тўққиз ойдан сўнг Хожа Абдуллоҳ Баракий келдилар ва мурид бўлдилар. Самарқанд бу азизларнинг вақтида обод бўлди ва Амударё қирғоғидан тортиб то Хоразм ва Бадахшон вилоятигача бирорта бидъатчи қолмади».

Жомийнинг «Нафаҳот» ва Али Сафийнинг «Рашаҳот» китобларида ёзилишича, Юсуф Ҳамадоний Хуросонга кетгач, Фиждувоний қаттиқ риёзат чекиб, ҳол (авлиёлик) илмида юқори поғонага эришади. Шом (Сурия)да унинг хонақоҳи ва юзлаб мурилари пайдо бўлади. Манбаларда Фиждувоний дин поклиги учун қаттиқ курашганлиги натижасида Мовароуннаҳрда бидъат томири бутунлай кесилганлиги қайд этилган.

«Рашаҳот»да ёзилишича, Юсуф Ҳамадонийдан сўнг, Андоқий ва Баракийлар шайхлик қилганлар. Навбат Аҳмад Яссавийга етгач, файб ишорати билан Аҳмад Яссавий Туркистонга йўл олади ва толибларни Абдулхолик Фиждувонийга тобеъ бўлишга буюради.

Фиждувоний ҳаёти давомида ҳалқни илм-маърифатли, ҳалол ва ростгўй бўлишга, бидъатлардан қочишга, ҳалқни севишга ва ватанпарвар бўлишга ундади. Комил инсонлик ғоясини олдинга сурди. Унинг бу борадаги фикри маънавий фарзанди ва етук шогирди Хожа Авлиёйи Кабирга аatab ёзган «Васийятнома» («Насиҳатлар китоби»)да ўз ифодасини топган. Чунончи, ҳалол ва ҳаром ҳақида шундай ёзади: «Ҳалол егинки, ҳалоллик яхшиликларнинг калитидир. Ҳаромдан қочгилки, акс ҳолда Ҳақ таъюлодан узоқлашасан. Ҳалқ билан чиройли муомала қил. Доимо адабли бўл. Олий-ҳиммат бўл, Худойи таъоло сенга нимаки берган бўлса, Худонинг ҳалқига нисор эт. Бахиллик ва ҳасаддан узоқ бўлгинки, бахил ва ҳасадчи қиёмат куни дўзах оловида бўлади». Бошқа ерда: «Илм қидиришдан бир қадам ҳам узоқлашма», — деб ёзади у.

Фиждувоний ўз ватанини ҳаддан ортиқ севган ва уни ўз рубоийларида мақтаган. Тоҳир Эшоннинг «Газкираи нақшбандия» асарида унинг ватанпарварлик руҳидаги бир неча рубоийлари келтирилган. Бухоро ҳақидаги рубоийсида ёзишича, Фиждувоний оламни уч марта кезади, бироқ Бухородек чиройли жойни кўрамайди:

Мулке, ки заминаш ҳама анбарсорост,
На мамлакати Хисраву Кайхусраву Дорост.
Се бор бигаштим ҳама рўйи заминро,
Мулке, ки латиф асту шариф аст Бухорост.
(Заминидан анбар ҳиди анқиб турган бир
мамлакат бор,
Бундай мамлакат на Хисрав, на Кайхусрав, на
Дорода бор.
Уч марта ер юзини айланиб чиқиб билдимки,
Энг латиф ва шариф мамлакат Бухоро экан).

Номи келтирилмаган шоирлардан бири Фиждувон ва у ерда Фиждувонийнинг файзосор қабри ҳақида қўйидаги ажойиб рубоийни ёзади:

Ҳар кас ба диёри Фиждувон меояд
Гўйиё ба биҳишти жовидон меояд.
Бўйи шарафи Мадинаи Пайғамбар,
Аз равзай Хожай Жаҳон меояд.
(Кимки Фиждувон диёрига келса,
Боқий жаиннат сари келган бўлади.
Хожай Жаҳон (Абдулхолик) ининг қабридан,
Пайғамбар Мадинасининг ҳиди келади).

Фиждувоний ўзининг «Мақомот»ида ёзишича, устози Юсуф Ҳамадоний хожагон тариқатига оид амал қилиниши зарур бўлган қўйидаги тўртта қоидани баён қиласди:

1. Ҳуш дар дам (ҳар бир нафасда ҳушёрлик), яъни ҳар бир нафаснинг кириб чиқишида фафлатга йўл қўймаслик, ҳар бир нафас огоҳлик ва ҳузур юзасидан бўлиши керак. Абдураҳмон Жомийнинг пири Мавлоно Саъдуддин Кошфарий бу ҳақда шундай деган эди: «Ҳуш дар дам, яъни бир нафасдан иккинчи нафасга ўтиш ғофиллик юзидан бўлмай, ҳузур юза-

сидан бўлсин ва олинаётган ҳар бир нафас Ҳақ субҳонаҳудан холий ва ғофил бўлмасин». Баҳоуддин Нақшбанд ҳам нафаснинг кириши, чиқиши ва икки нафас ўртасини эҳтиёт қилиш керак, нафас фафлат билан кириб чиқмасин, деб буюради.

2. Назар дар қадам (оёққа назар солиш), яъни киши назари доимо оёқ панжалари устида бўлсин, токи унинг назари сочилмасин ва кераксиз жойга тушмасин.

Демак, бу ерда ҳар бир одам ўз қадамини ўйлаб ва фикрлаб босиши лозимлиги ҳақидаги ғоя илгари сурилади.

3. Сафар дар ватан (ватанда сафар қилиш). Маъноси шуки, инсон ўз вужудига назар солиши, одамийлик сифатидан фаришта сифатига, ёмонлик сифатидан яхшилик сифатига ўтиши керак. Иккинчи маъноси эса ўз юртида сафар қилиши, мамлакатидаги улуғ олимлар, шайхлар, сўфийлар билан мулоқотда бўлиши ва улардан тариқат сирларини ўрганиши зарур.

4. Хилват дар анжуман (одамлар орасида хилватда бўлиш). Бунинг маъносини Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуйидагича таърифлайди: «Хилват дар анжуман, яъни зоҳиран ҳалқ билан, ботинан Ҳақ билан бирга бўлиш». Демак, тариқатдаги ҳар бир киши зоҳиран ҳалқ билан турли муносабатда бўлса-да, қалбида ҳамиша Аллоҳ ёди бўлиши керак.

Фиждувоний устози Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг фикрларини ривожлантира бориб, ўзидан қуйидаги тўртта қоида ёки факра (иборат)ни қўшади:

1. Ёдкард (дилда такрорлаш). Бунинг маъноси мурид Аллоҳ исмини тил билан овоз чиқариб такрорламай, балки дилда такрорлашибдан иборат. Мавлоно Саъдуддин Кошфарийнинг айтишича, зикр айтuvчи бунда зикрни тили билан эмас, балки кўнгли билан айтади.

2. Бозгашт (қайтиш). Бунда зикр айтuvчи хоҳ, тилида, хоҳ, дилида қалимаи тайиба (ло илоҳа иллаллоҳни) айтганда, унинг орқасидан: «Худовандо, менинг мақсадим Сенсан», деган қалимани такрорлай-

ди. Бу бозгашт калимаси бўлиб, у одамдан чалфитувчи фикрларни ҳайдайди. Зикрни холис қиласи ва уни ўзга нарсалардан озод этади.

3. Нигоҳдошт (сақлаш). Бунинг маъноси шуки, калимаи тайиба бир нафасда қанча марта такрорланса ҳам, шу давр ичидага хаёлга чалфитувчи нарсалар келмаслиги керак. Мавлоно Саъдуддин Кошғарий бу ҳақда шундай дейди: «Бир соат, икки соат ёки ундан ҳам кўп вақт, имкони борича, ўзини хаёлу фикрлардан асрасин, шундан сўнггина бошқа нарса ҳақида фикрласин...» «Рашаҳот»да ёзилишича, Хожа Ахрорнинг мурилларидан Мавлоно Қосим нигоҳдоштда кун чиқишидан аввалдан чошгоҳгача кўнглини Аллоҳдан ўзга нарсаларнинг ўйи ва фикридан сақлай олиш малақасини ҳосил қилган экан.

4. Ёддошт (ёдда тутиш). Бунда мурид Ҳақ субҳонаҳу ва таолони доимо завқу шавқ билан ёдда тутиши ва огоҳ бўлиши керак. «Рашаҳот»да ёзилишича, баъзилар бу калимани «ғойиб бўлмайдиган ҳузур», деб ҳам атайдилар. Баъзиларнинг айтишича, бу шундай мушоҳадаки, Аллоҳнинг муҳаббати кўнгилни бутунлай чулғаб олади ва дилдан ҳеч қачон кўтарилимайди, бу эса ёдоштнинг ҳосил бўлганлигидир.

Абдулхолиқ Фиждувонийнинг таълимоти нақшбандия таълимотининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. «Мақомоти Хожа Баҳоуддин» китобида ёзилишича, Баҳоуддин уйку ва бедорлик орасида Фиждувоний руҳи билан мулоқотда бўлади. Фиждувоний Нақшбандга тариқатнинг бошланиши, ўртаси ва охири ҳақида кенг тушунтириш беради ва дейди: «Барча ҳолатда қадаминг амри маъруф ва наҳий мункар кўчасида бўлсин, суннатни ҳамиша жойига қўйишга интил, бидъатлардан узоқ бўл, Мустафо (с.а.в.) ҳадисларини ўзингга пешво қилиб ол, Расулуллоҳ (с.а.в.) ва унинг саҳобалари асарларини ва ҳабарларини изловчи ва ўрганувчи бўл!» (Қаранг: Баҳоуддин Балогардон. Тошкент. «Ёзувчи», 1993, 29-бет).

Баҳоуддин Нақшбанд Фиждувонийнинг айтганларига тўлиқ амал қилгани ҳолда, Юсуф Ҳамадоний ва Фиждувоний томонидан ижод қилинган саккизта қоидага қуйидаги учта қоидани қўшади:

1. Вуқуфи замоний (вақтдан воқиға бўлиш). Хожа Баҳоуддин Нақшбанд бунинг маъносини қўйидагича тушунтиради: «Вуқуфи замоний шундан иборатки, банда ўз ахволидан доимо воқиға бўлиши, ҳар бир лаҳзада ҳолатига назар солиши, шукрга лойиқми ёки узрга лойиқми, шундан огоҳ, бўлиши лозим».

«Рашаҳот»да келтирилишича, киши фамгинлик ва сиқилиш ҳолатида истиффор айтиши, шодлик ҳолатида эса шукр айтиши лозим. Мана шу нарсага риоя қилиш вуқуфи замонийдир. Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳақда яна қўйидагиларни айтган эди: «Мурид ишининг асоси вақт ва соатга боғлиқ қилиб қўйилган, у ҳар бир нафасдан огоҳ, бўлиши ва бу нафас ҳузур билан ўтмоқдами ёки фафлат билан ўтмоқдами, буни билиши зарур... Бизлар ўтказган ҳар бир соатимизни текширамиз, унда фафлат борми ёки ҳузурми, қараймиз. Агар ҳаммаси нуқсон билан ўтган бўлса, тавба қиласиз ва ҳақ йўлга қайтамиз, ишни яна бошкатдан бошлаймиз».

2. Вуқуфи ададий (саноқдан воқиға бўлиш), яъни зикр калимасини тоқ айтишга риоя қилиш. Бу ҳақда Баҳоуддин Нақшбанд: «Зикрда ададга (саноққа) риоя қилиш паришон хаёлларни қувиб, бир ерга жамлашдир», деб тушунтиради. Масалан, зикр айтувчи зикр калимасини бир нафасда уч марта, беш марта, етти марта, то йигирма бир марта гача такрорлайди ва бунда тоқ сонларга риоя қилиши керак.

3. Вуқуфи қалбий (қалбдан воқиға бўлиш). «Рашаҳот» китобида бу калима қўйидагича тушунтирилади: «Бу жумла икки маънони ўз ичига олади. Бири шуки, зикр айтувчининг дили Ҳақ субҳонаҳу ва таъюлдан доимо огоҳ бўлади». Хожа Ахрорнинг айтишича, вуқуфи қалбийда дил Аллоҳдан шу даражада огоҳ, бўлиши ва ҳозир туриши керакки, токи дилда Аллоҳдан ўзга ҳеч нарса қолмасин. Иккинчи маъноси эса зикр айтувчи ўз қалбидан доимо огоҳ, бўлиши керак. Бир парча гўшт ҳисобланган, санобар барги шаклидаги дилни зикр айтишга мажбур ва машғул қилмоқ керак.

Абдулхолиқ Фиждувоний ўз дўсти ва маслақдоши Аҳмад Яссавий билан доимо алоқада бўлиб турган.

Аҳмад Яссавийнинг Ҳаж сафарига кетаётиб, минглаб шогирдлари билан Фиждувонга келгани ва Абдулхолик билан учрашгани ҳақидағи маълумот Тоҳир Эшоннинг «Тазкираи нақшбандия» асарида батафсил ёзилган. Фиждувонийнинг ўзи ҳам минглаб шогирдлар тарбия-лаган, улардан Хожа Сулаймон, Хожа Аҳмад Сиддик, Хожа Авлиёйи Кабир ва Хожа Орифи Ревгариylар ўз даврида катта фаолият қўрсатиб, эл орасида илм ва маърифатни ёйишда буюк хизмат қилганлар.

Абдулхолик Фиждувоний тасаввуфда зикри **хуфия** (зикрни овоз чиқармай айтиш)ни жорий қилди. Фиждувонийгача бўлган тариқатларда зикр калимаси бўлган «Аллоҳ» ёки «ло илоҳа иллаллоҳ»ни овоз чиқариб айтар эдилар. Фиждувонийга Хизр алайҳис салом зикр калимасини овоз чиқармай айтишни буюради. Бунинг учун ҳовузга тушиб, сув ичига шўнғиб зикр айтишни тавсия қиласди. Натижада зикрни овоз чиқармай, хуфия ҳолда айтиш вужудга келади. Бу зикр нақшбандия тариқатида мустаҳкам ўрин туттди. Туркистонга йўл олган Аҳмад Яссавий эса **зикри жаҳрия** (зикрни овоз чиқариб айтиш)ни жорий қилди ва бу зикр турк машойихлари ўртасида кенг тарқалди.

Абдулхолик Фиждувоний ўз ғояларини оғзаки тарғиб қилибгина қолмай, уларни ўз асарлари ва шеърлари орқали ёйишга ҳам ҳаракат қиласди. Абдулхолик Фиждувонийдан бизгача бир қанча асарлар етиб келган. Шулардан бири «Одоби тариқат» («Тариқат одоби») ёки «Рисолаи васоё» («Насиҳатлар рисоласи») деб аталади. Бу рисола Фиждувонийнинг маънавий фарзанди ёки, бошқача айтганда, халифаларидан бири Хожа Авлиёйи Кабирга бағишлиланган. Фиждувоний мазкур рисолада ўз таълимотларининг асосини баён қиласди. Рисола хожагон тариқатидаги муридлар учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган. У қўлёзма ҳолида кенг тарқалган бўлиб, XVI асрда Фазлуллоҳ ибн Рӯзбеҳон томонидан «Маноқиби Хожа Абдулхолик Фиждувоний» номи остида кенг шарҳланган.

Фиждувонийдан бизгача етиб келган яна бир рисола «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний» («Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тутган ўрни») ёки «Рисолай соҳибийя» («Дўстлик ҳақида рисола») деб аталади. Рисола Фиждувонийнинг пири Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлиланган бўлиб, унда Ҳамадонийнинг туғилганидан то вафотигача бўлган барча воқеалар тасвирланган. Қўлёзма ҳолида кенг тарқалган рисола 1913 йилда эронлик олим Сайд Нафисийнинг саъии-ҳаракати ва сўзбошиси билан Техронда чоп қилинган.

Фиждувонийнинг яна бир асари «Аз гуфтори Хожа Абдулхолик Фиждувоний» («Абдулхолик Фиждувоний айтганларидан») деб аталади. Бу рисола савол-жавоб тарзида тузилган бўлиб, ўн учта бобни ўз ичига олади. Ҳар бир боб тасаввуфдаги маълум бир масала баёнига бағишлиланган. Бу рисола Абдулхолик Фиждувонийнинг тасаввуф борасидаги фикрларини ўрганишда, айни пайтда, нақшбандия тариқатининг асослари ва илдизларини тадқиқ этишда ҳам катта аҳамиятга эга.

Фиждувоний ҳақида ёзилган ўнлаб тазкираларда унинг вафот йили турлича кўрсатилган. Бироқ кейинги пайтда 1179 санаси қатъий қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, Хожа Абдулхолик Фиждувоний ўз фаолияти билан Ўрта Осиё халқлари маданияти тарихида ўчмас из қолдирди, илму маърифатни тарқатиша катта хизмат қилди.

*Махмуд ҲАСАНИЙ,
Мавжуда РАЗЗОҚОВА,
тарих фанлафи номзодлари*



Хожа
АБДУЛХОЛИҚ
ФИЖДУВОНИЙ
ҲАҚИДА

Маноқиб
Мақомот
Тазкира





ФАЗЛУЛЛОҲ ИБН РЎЗБЕҲОННИНГ «МАНОҚИБИ»

«Маноқиби Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний» («Абдулхолиқ Фиждувонийнинг ҳаёт йўли») номли аср Хожа Мавлоно Исфаҳоний лақаби билан машъур бўлган Фазуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг қаламига мансуб.

Фазуллоҳ ибн Рўзбеҳон 1457 йилда форс мамлакатига қарашли Луристон вилоятининг Хунжа шаҳрида таваллуд топган. Отаси Жамолиддин Рўзбеҳон ўз даврининг йирик уламоларидан бири бўлиб, «Самарат ул-ашжор» («Дараҳтларнинг меваси») номли асар муаллифиdir. Фазуллоҳнинг ёшлик йиллари Шероз ва Исфаҳонда ўтган. Кейинчалик у Макка, Мадина ва Мисрда таълим олишни давом эттирган.

«Хилл ут-тажоруд» («Дўстдан маҳрумлик»), «Таълимот бар «Муқолот» («Муқолот» асарига иловалар»), «Водиъ аз-замо фи Қиссат Ҳай ибн Яқзон» («Ҳай ибн Яқзон» қиссасининг ажойиботлари»), «Тарихи оламоройи Аминий» («Аминийнинг оламга оро берувчи тарихи»), «Шарҳи Қасидайи Бурда ал-Бусирин» («Ал-Бусирийнинг «Қасидайи Бурда» асарига шарҳ»), «Абтол наҳж ал-ботил» («Ботиллик йўлини нўқотига йўли»), «Рисолаи ҳарисия» («Ҳарисия рисоласи»), «Насабнома» («Насаб ҳақида китоб»), Сулюқ ал-мулук» («Подшоҳларнинг тутадиган йўли») ва бошқа асарлар муаллифиdir.

Иби Рўзбеҳон XVI аср бошларида Исломил Сафавий, Ҳусайн Бойқаро ва шаҳзодалар ўртасида бўлиб ўтган урушлардан кўп кулфатлар кўради. Охири бир йилча олим ва шоирлар қатори Мовароуннаҳрга, Шайбонийхон хузурига келади ва унинг муаррихига яйланади. Бу ерда у 1509 йилда «Меҳмонномайи Бу-

хоро» («Бухоролик меҳмоннинг китоби») номли асарини ёзади. Бу асар XV—XVI асрлардаги Ўрта Осиёда юз берган сиёсий, иқтисодий ва маданий воқеаларни ўрганишда катта аҳамиятга эга. У ўзбек олимаси Р.П. Жалилова томонидан тадқиқ этилиб, фото нусхаси билан нашр этилган¹.

Ибн Рўзбекон 1510 йилда Самарқандга келади. Кейинроқ Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахон таклифи билан Бухорога келади ва унга «Ҳисни ҳасин» («Енгилмас қалъа») номли китобдан дарс беради. Убайдуллахоннинг илтимоси билан «Сулук ал-мулук» («Подшоҳларнинг тутадиган йўли») номли китобини ёзади. Китобда давлат бошлиқларининг давлатни идора қилиш йўллари қизиқарли баён қилиб берилади. 1514 йили тугатилган бу асарнинг дастхат (автограф) нусхаси Санкт-Петербургда сақланмоқда.

Ибн Рўзбекон 1509 йилда Убайдуллахон лашкари билан душманга қарши юришда Фиждувонга келади. Хожа Абдулхолик Фиждувоний қабрини зиёрат қилади. Бу ҳақда «Меҳмонномайи Бухоро» ҳамда «Маноқиб»нинг муқаддимасида баён қилинган. Ибн Рўзбеконнинг ёзишича, унинг танишларидан бири шу зиёрат чоғида Абдулхолик Фиждувонийнинг «Рисолаи васоё» («Васиятлар рисоласи») ёки «Одоби тариқат» («Тариқат одоби») рисоласини ўзи билан олиб келган бўлиб, Ибн Рўзбекондан шу рисолага шарҳ ёзиб беришни сўрайди.

Маълумки, Хожа Абдулхолик Фиждувонийнинг «Одоби тариқат» асарида тариқатда мурид амал қилиши зарур бўлган қоидалар баён қилинган. Бироқ васиятлар ғоят қисқа, лўнда ва сермаъно бўлиб, унинг баъзи жойларини шарҳлаб, кенгайтиришга эҳтиёж пайдо бўлган. Ибн Рўзбекон рисолани уч кун ичида шарҳлаб беради. Қуйида ана шу шарҳнинг қисқартирилган нусхаси берилмоқда.

¹ Фазлаллах ибн Рузбихан Исфахани. Михман-номайи Бухара (Записки Бухарского гостя). Перевод, предисловие и примечания Р.П. Джалиловой. Издательство «Наука», Москва — 1976. Мазкур мақола шу асар асосида тайёрланди.

Маноқиби Хожа Абдулхолиқ

ФИЖДУВОНИЙ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

... Қирқ кундан сўнг Бухородан бу муқаддас мөжриниг тавофи учун Фиждувонга йўл олдим ва шаввол ойининг ўрталарида бу олий марқаднинг зиёратига етишдим. Ишончли дўст ва содик ҳамдам бўлган азиз асҳоблардан бири бу фақир билан зиёратга қадам қўйган бўлиб, бу саодатга мушарраф бўлган эди. У Ҳазрати Хожанинг насиҳатларини ўз ичига олган рисолани ўзи билан бирга олиб келган эди. Ҳазрати Хожа қаддасаллоҳу руҳаҳу ўз асҳобларига ва ўз авлодларига бу насиҳатларни баён қилган бўлиб, у тариқат асосларини ўз ичига олган эди. Насиҳатларининг батъи жойларида мушкилликлар бўлиб, шарҳ ва баёнга муҳтождир. Агар бу зиёрат айёмида Онҳазратнинг муқаддас руҳига яқинлик тилаб, унга шарҳ битилса, бу мушкилотлар муридларга равshan бўлиб, Онҳазратга эса яқинлик ва восиллик ҳосил бўлган бўлар ҳамда фойдалари кўпчиликка етган бўлур эди. Бу жонажон дўстнинг сўзлари бу жонажон бандага мақбул бўлди. Фаҳм ва идрок доирасида вақт тифизлигига қарамай, хотирага суянган ҳолда, китобларга ружуъ қилмасдан ёзилди. Умид шулки, бу рисола Онҳазрат наздида бу фақирнинг яқинлиги ва бу ҳақириканинг тухфасига айлангай. Муридларга эса ундан фойдалар ҳосил бўлгай. Муваффақият ва мадад Аллоҳу таъолодан.

Васиятларни шарҳлашдан аввал, хоҳиш шундай бўлдики, у уч фаслдан иборат бўлса. Биринчи фасл Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ ҳолининг бошланиши ва уларнинг сулукни бошлашлари баёнида. Иккинчи фасл машойихларининг силсилалари баёнида. Учинчи фасл ҳалифаларининг баёнида бўлиб, аввало Хожа Ориф ҳолининг бошланиши ҳақида.

Биринчи фасл

ҲАЗРАТИ ЭШОННИНГ ИБТИДОИЙ ҲОЛЛАРИ ҲАҚИДА

Орифлар шайхи ва бу силсиланинг халифалари дан бири Шайх Саъдуддин «Маслак» китобида ёзишича, соликларнинг шайх уш-шуйухи (шайхларнинг шайхи), мужтаҳидларнинг раиси, қутби Раббоний ва муҳаққиқи Самадоний Хожа Абдулхолиқи Фиждувонийнинг айтганлари тариқатда хужжат ва барчагурӯҳларга мақбулдир. Улар шариат, тариқат, ҳақиқатда фоятда камол соҳиби эдилар.

Уларда ҳолнинг бошланиши шундай юз берган эди. Хожа Абдулхолиқнинг боғи бор эди, жума куни бир пир (қария) боғ эшиги олдига келдилар. Хожа эса боғ эшиги олдида ўтирган бўлиб, ўрнидан турдилар ва пирга таъзим қилдилар. Қария унга:

— Эй йигит, сенда улуғ ишларни кўряпман, сен бирорта пирга қўл берганмисан? — дедилар.

Хожа:

— Анчадан буён шунга толиб бўлиб юрибман, — дедилар.

Ҳазрати Хожа Хизр (қария Хизр эди) унга:

— Эй йигит, биз сени фарзандликкә қабул қилдик, сенга таълим берамиз, сен бу таълимга амал қилурсан, шундай қилсанг, кўп күшоддиклар топурсан, — дедилар.

Ҳазрати Хожа:

— Фармонбардорман! — дедилар.

Хожа Хизр Хожага:

— Ҳовузга шўнғи ва дилда «ло илоҳа иллаллоҳу Мұхаммадун Расулуллоҳ»ни айт, — деб буюрдилар.

Хожа шундай қилдилар, бу сабоқни олиб, унга амал қилдилар. Ногоҳ Шайх Юсуф Ҳамадоний Бухорога келиб қолдилар ва Хожа Шайхнинг сұҳбатини топдилар, олган сабоқни давом эттиридилар. Шайх Юсуф Ҳамадоний Бухорода қанча муддат бўлсалар,

оға уларнинг сухбатида бўлдилар. Шайхнинг сухбатидан Хожага кўп фойдалар ҳосил бўлди. Хожа Абдулхолиққа сабоқ пири бўлса, Шайх Юсуф иродат сухбати ва хирқа пири эдилар. Биринчидан муддатдан сўнг, Ҳазрати Хожа Шайх Юсуф иродат сухбати ва риёзат ҳамда мужоҳадага машҳур бўлдилар. Барчадан ўзларини пинҳон тутдилар оға ким уларнинг қандай иш билан банд эканини ишқиф бўлмаслигига ҳаракат қилдилар.

Сейбатда уларнинг авлиёлик ҳоли шу даражага иштеп, бир онда намоз учун Каъбага бориб, қайтиб улардилар. Шомда кўп одамлар уларга мурид бўлдилар ва Шомда хонақоҳлари пайдо бўлди. Бироқ Хожа Юсуф Биждувонда бўлардилар ва бу ернинг халқи билмас эдилар. Чунки Хожа ўзларини уларга кўрсатмас эдилар, чунки бу ерда уларга лойик субботдош йўқ эди. Уларнинг ибтидоий ҳоллари шу гаришда бўлган эди. Валлоҳу аъلام.

Иккинчи фасл

МАШОЙИХЛАРИ БАЁНИДА

Юқорида айтиб ўтилдики, Хожа Абдулхолиқнинг сабоқ пири Хожа Хизр алайҳиссалом ва иродат ҳамда сирдиши пири Хожа Юсуф Ҳамадоний эдилар. Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг хирқа ва сухбат пири Шайх Абулҳасан Ҳарақоний бўлган. Уларнинг шайхи эса ширинча восита орқали Боязиդ Бистомий эди. Шайх Боязид Бистомий Имоми Жаъфари Содикдан тарийхни сирларини олган. Улар эса ўз оталари Имом Муҳаммад Бокирдан, улар ўз оталари Имом Али Зайн Обидиндан, улар ўз оталари амир ул-мўъминийн Кусайндан, улар ўз оталари амир ул-мўъминийн Али Нургазо разийаллоҳу анхудан олганлар. Улар Пайғамбор саллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳақойиқ илмларини ўргангандар. Хожанинг машойихлари силсиласи шундан иборат.

Учинчи фасл

ҲАЗРАТИ ХОЖА АБДУЛХОЛИҚНИНГ ХАЛИФАЛАРИ ЗИКРИДА

«Маслак» китобида ёзилишича, Хожа Абдулхолик Ҳақ висолига ноил бўлгач, улардан сўнг ўринлариги Хожа Аҳмад Сиддиқ қуддиса сирруҳу ўтиридан тутдилар ва халқни Ҳаққа даъват қилиш билан машғул бўлдилар. Токи улар тирик эканлар, Хожа Авлиё ва Хожа Ориф адаб тариқида сулук тутдилар ва Хожа Аҳмад Сиддиқ билан келишиб иш тутдилар, ваҳоланки, улар ҳам Хожа Абдулхоликдан (пирликка) ижозат олган бўлсалар ҳам, ўзларидан муқаддам бўлган дўст олдида адаб сақладилар.

Хожа Аҳмад Сиддиқ ҳам Ҳақ раҳматига восил бўлгач, Хожа Абдулхолик ижозати бўйича Бухоро шаҳрида Хожа Авлиё халқни ҳаққа даъват қилиш билан машғул бўлдилар. Хожа Ориф Ревгари ҳам Хожа Абдулхоликдан ижозат олганлари туфайли халқни ҳаққа даъват қилиш билан машғул бўлдилар. Хожа Абдулхоликнинг халифалари бўлган бу икки мард узоқ вақт халқни роҳи ростга ва тўғри йўлга чақирдилар.

Хожа Ориф дунёдан ўтиш олдидан Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийни ўринларига қолдирдилар ва халқни ҳаққа даъват қилишга ижозат бердилар. Бу силсилада зикри жаҳрни бошлиған биринчи киши Хожа Маҳмуд эди. Хожа Ориф ва Хожа Абдулхолик зикрни овоз чиқариб айтмас эдилар. Хожа Авлиё қаддасаллоҳу руҳаҳу Бухорода Хожа Маҳмудга эътиroz билдиридалар. Улар айтдилар: «Пир менга охирги нафасларида ижозат бердилар ва зикри жаҳр айт, деб буюрдилар».

Хожа Маҳмуд оламдан ўтгач, Шайх Али Ромитаний ва Амир Ҳасайн Вобканийлар Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий йўлидан кетдилар.

Хожа Авлиёйи Кабир Бухорода вафот топгач, улардан тўртта ёр қолди. Биринчисини Хожа Дехқон Қалтий дейдилар. Иккинчиси Хожа Фариб бўлиб, уни Хожа Авлиёйи Фариб дейдилар. Учинчиси —

Сўкмон ва тўртингиси — Хожа Сулаймондир. Бу турт ёр Хожа Авлиёи Кабирнинг тариқи ва суннатидан эдилар.

Хожа Дехқон вафот этгач, Хожа Фарид унинг ринига ўтириди. Хожа Фариддан сўнг Хожа Сулаймон Аслият қилиш билан машғул бўлдилар. Хожа Сулаймондан сўнг Хожаларнинг иршод ва мақоми «Маслихатни китобининг муаллифи Шайх Саъдуддин билан шундай бўлди. Ҳазрати Хожа Абдулхолик қаддасаллоҳу руҳаҳу-л-азиз халифаларининг зикри шундан иборатидир. Халифалар зикридан сўнг, васиятлар шархи-га киришгаймиз, иншоаллоҳу таъоло.

ВАСИЯТЛАР ШАРҲИ

Аш-Шайх ул-Имом, Шайх ул-машойих, орифлар сultonи, муҳаққиқлар бурҳони, авлиёлар қутби, олий мақомотлар ва лойиқ кароматлар, файбий нурлар ва мудсий қашфлар соҳиби Хожа Абдулхолик Фиждувоний қаддасаллоҳу руҳаҳу-л-азиз ва анола руҳаҳу-р ғизрон шундай дедилар:

— Ё, бунайя, мен сенга васийят қиласманки, тақвони ўзингга шиор қил!

«Ё бунайя»нинг маъноси форс тилида эй, писарак» (эй, ўғилчам)дир. Бу сўзни «тасири шафқат» (мехрибонлик юзасидан кичрайтириб айтиш) дейилади. Қуръони каримда ҳам келтирилганки, Ҳазрати Яъқуб салавотуллоҳи алайҳ ўз фарзанди Юсуф алайҳис саломни шу сўз билан тасфир қилган. Ҳақ таъло буюради: «Ё, бунайя, ло тақсус руъёка ала ихватика» (Эй ўғилчам, тушингни акаларингга айтма)...

Васийят — насиҳатдан иборат бўлиб, уни шаригатда ишлатилса, насиҳат бўлади. Ўлимдан сўнг амал қилиш зарур бўлган кўрсатма васийят дейилади. Машойихлар муридларга берадиган кўрсатмалари шу сабабданки, улар шайхнинг вафотидан сўнг ёки йўқ вақтида амал қиласидилар ва буни васийят дейдилар.

«Тақво» луғатда парҳезгарлиқдир ва унинг асли эса номуносиб нарсалардан қўрқиб қочишидир. Чунончи, араблар тақво сўзини ўзларини ёмонлиқдан

асраш лозим бўлган ерда ишлатадилар. Шунинг учун айтадилар: тақводор шундай кишики, ўзини ёқимсиз нарсалардан ва маъсият ишлардан гўё тиканзорга кириб қолиб, ўз бадани ва лиbosларини тикандардан асрой оладиган одамга ўхшаган кишиидир.

«**Тақвони ўзингга шиор қил**», дейдилар Шайх Абдулхолиқ. Шиор деб араб тилида баданга ёпишиб туродиган кийимга айтилади. Бундан мурод, тақвони ўзингга либос қил, уни зотингга ва борлифингга ёпишиб турувчига айлантири, демакдир. Бунинг заминида яна тақвони ёпинчиқ ва ўраб турувчи қил ва ундан ҳеч қачон жудо бўлма, токи риё сенинг тақвонингга йўл топмасин, деган сўзга ишорат бордур.

Рубоий:

Эй толиби Ҳақ, ба дўст пардоз мудом,
Дарроҳи сафо алам барафрор мудом.
Хоҳи, ки аз асҳоби шуъурат хонанд
Тақво ҳадди шуъури худ соз мудом.
(Эй Ҳақни қидиравчи, доимо Ҳаққа етишни ўила,
Софлик йўлида доимо байроқни юқори кўтар.
Сени шуъур аҳлидан санаашларини хоҳласанг,
Тақвони сен ўз шиорингга айлантири).

«**Ибодат вазифаларига мулозамат кўрсат**», деб буюрадилар Шайх.

«Ибодат» сўзи бандаликнинг бир ҳиссаси бўлиб, обид (ибодат қилувчи) ўз нафси учун маълум вақтни ўзига таъян қилган бўлади. Эҳтимолки, вазифалардан муайян вақтлардаги фарз ибодатлар муроддир ёинки солик банданинг вазифаларни ўқиш учун ўзига ажратган таъйинли вақтдир. Лугатда ибодатнинг асл ҳақиқати зорлик ва хорликнинг олий мартағасидир, шариатда эса банданинг Ҳақ таъоло ҳузурида қалб ва бошқа аъзоларининг амалларида ўзни зор ва хор тутишидир...

Рубоий:

Хоҳи, ки зи арбоби саодат боший,
Дар зумурраи асҳоби иродат боший.

Боид, ки зи бандагий набоший ғофил,
Қойим ба вазифаи ибодат боший.
(Сен саодат арбларидан бўлиб,
Продат аҳли соҳиблари қаторида бўлишни хоҳласанг,
Бандалиқдан ғофил бўлмаслигинг,
Ибодат вазифаларини бажариша қойим бўлишинг керак).

«Ўз аҳволингга муроқабат қилувчи бўл», деб буюрадилар Шайх.

«Муроқабат» (кузатиш)дан мурод сўфийлар истилоҳида ўз ҳолати ва нафасини мулоҳаза ва муҳосаба (ҳисоб) қилишдир ва бу тариқат аҳлидан бўлган соликларнинг муроқабасидир. Восиллар (Ҳаққа отишганлар)нинг муроқабаси эса Ҳақни мушоҳада қилишдир...

Хожа (Абдулхолик) бу уч факра (ибора)да Ҳақ пўлидаги сулукка ишорат қиладилар. Биринчи факрада маъсият ва ёмон хулқларнинг барчасидан қутулишга ишорат бўлиб, у тавбани ўз ичига олади ва бу тариқатнинг асл ўзагидир. Иккинчи факрада иродат, риёзат ва амалларда доимий барқарорликни ўз ичига оловучи умумий феълларга ишора қиладилар. Учинчи факрада эса муҳосаба ва муроқабанинг мартабаларига ишорат қиладиларки, бу соликлар ва восилларнинг мақомотлари ва уларнинг аҳволларидағи воқеаларни ўз ичига олади.

Рубоий:

Онҳо, ки ба Ҳақ мусоҳабат ёфтаанд,
Аз хеш баду муносабат ёфтаанд.
Мебош муроқиб, ки бузургони жаҳон,
Ин мартаба аз муроқабат ёфтаанд.
(Ўзидан Унга муносабат топган кишилар,
Ҳақ билан сұхбатдошлиқ топганлар.
Ҳаққа муроқиб бўлгинки, жаҳон улуғлари,
Бу мартағани муроқабатдан топганлар).

Яна буюредилар: «Ҳақдан доимо қўрқувда бўл».

Бу хавф мақомига ишора бўлиб, тариқнинг сармоясидир ва тақвонинг ҳақиқати у билан ҳосил бўлади...

Рубоий:

Эй солик, агар зи роҳ тарсон боший,
Дар зоҳиру ботин ҳамиша яксон боший.
Эмин нашавий зи макри Шайтон зинҳор,
Боядки зи Ҳақ ҳамиша тарсон боший.
(Эй мурид, агар йўлда қўрқувда бўлсанг,
Зоҳирда ҳам, ботинда ҳам доимо бир хилда бўл.
Шайтоннинг макридан зинҳор омонда эмассан,
Ҳақ (азобидан)дан ҳамиша қўрқувда бўл).

Яна буюрдилар: «Худонинг ҳақини ва Расулнинг ҳақини адо қил».

Бу факра (ибора) шариат, тариқат ва ҳақиқатнинг барча асосларини ўз ичига оловчиидир. Аллоҳ ҳақини адо қилиш диний эътиқодни ва шариат амалларини пок ва соф тутиш асосида бўлади. Расул ҳақини адо қилиш пайғамбарликка тааллуқли бўлган барча эътиқодларга асосланиш ва Онҳазрат (с.а.в.), аҳли байт ва саҳобаларини улуғ тутиш зимнида бўлади. Шунингдек, Аллоҳ ҳақи ва Расул ҳақининг адоси шариатнинг мағзи ҳисобланган мақомот ва ҳол сулуки зимнида бўлади. Бас, бу усул тариқатни ўз ичига оловчиидир. Шунингдек, Аллоҳ ҳақи ва Расулуллоҳ ҳақининг адоси ҳақиқатдан иборат бўлган амаллар ва аҳволларнинг масалалари зимнида бўлади.

Рубоий:

Эй банда, ба аҳди Ҳақ вафо кун охир,
Аъмол дарин раҳ, басазо кун охир.
Радди ҳакқи Худову Пайғамбарро,
З-ин сон, ки сазо бувад адо кун охир.
(Эй банд, Ҳақ аҳдига вафо қил охир,
Бу йўлда амалларни чиройли қил охир.
Худо ва Пайғамбарнинг ҳақини адо қилиб,
Лойик бўлган ишларни адо қил охир).

Яна буюрдилар: «Ота ва онанинг ҳақини адо қил».

Бу Қуръондаги: «Ва вассайна-л-инсона ли-воли дайҳи ҳасанан» (Биз одамларга ота-онасига яхши

Илишини насиҳат қилдик) деган оятга ишора-
ти. Ота-онага яхшилик ҳақидағи насиҳатнинг сири
шунинг, улар зоҳирий ҳаётнинг сабабчилариdir ва
шунинг, нулидаги сулук (йўл) зоҳир ҳаётга боғлиқdir.
Она, улар ҳақиқий ҳаётнинг сабабчилари бўлиб,
оша Ҳаққа етишишнинг воситасидир. Шундай экан,
менинг ҳақларини адо этиш вожибdir.

Рубой:

Аввал карами довари худро бишинос,
Ва дигар раҳи Пайғамбари худро бишинос.
Чун Ҳаққи Ҳудову Пайғамбар доностий,
Ҳаққи падару модари худро бишинос.
(Аввало Ҳудонинг карамини танувчи бўл,
Сўнгра Пайғамбарингнинг йўлини билувчи бўл.
Худо ва Пайғамбар ҳақини танигач,
Ота ва онангнинг ҳақини танувчи бўл).

Ша буюрдилар: «Бу хислатлар билан Ҳақ таъо-
нинг ризосига мушарраф бўлғунгдир».

Бу шунга ишораки, мазкур хислатлар тақвога ет-
тилади, ибодатга мулоғим қиласи, Расул ҳақининг
хоси ва Ҳақ таъоло ризосининг ҳосил бўлишига
сабоб бўлади. Чунки Ҳақ таъоло ризосининг ҳақиқати
она да ўз феъллари билан ҳақ таъология манзур бўлиш
ни тикишидан иборатдир. Бу хислатлар орқали ўша
гуруллик ҳосил бўлади. Бу насиҳатларнинг барча
мавжуддир...

Рубой:

Покиза хисол бош андар ҳама ҳол,
Каз хислати покиза шавий аҳли камол.
Беҳтар зи ризои Ҳақ чи ёбад баңда,
Розист Худо аз марди покиза хисол.
(Барча ҳолатда ҳам чиройли хислат эгаси бўл,
Чиройли хислатдан комиллик соҳиби бўласан.
Баңда Ҳудонинг розилитидан яхшироқ нима топади,
Худо чиройли хислат эгасидан розидир).

Ша буюрдилар: «Худойи таъолонинг фармони-
ни бажар, у ҳам сени сақловчи бўлади».

Бу шунга ишораки, Ҳақ таъоло ҳар бир итоатли бандани дунё ва охиратнинг ёмонликларидан асрайди...

Рубоий:

Хоҳи, ки Худо ба лутф ёри ту шавад,
В-аз ҳар ғаму ранж ғамгусори ту шавад.
Фармони Худойро нигаҳдорий кун,
То лутфи Худо нигаҳдори ту шавад.
(Худо меҳрибонлик билан мададкоринг бўлишини,
Ғам ва ранжда ғамгузоринг бўлишини хоҳласанг.
Худойи таъолонинг фармонини маҳкам сақла,
Худо ҳам сени сақловчинг бўлади).

Яна буюрдилар: «Қуръон ўқиши, ҳоҳ зоҳир бўлсин, ҳоҳ Қуръондан бўлсин, ошкору пинҳонда ўзингга лозим тут».

Бу Қуръонни доимо тиловат қилишга ишорадир ва бу аксар уламоларнинг ижмоъи бўйича ибодатларнинг афзалидир. Зоҳир тиловатдан мурод қалбдан ўқишидир, чунончи, ҳофизлар ўқигани каби, Қуръонга қараб ўқиш афзалдир, негаки бунда ибодат бор, биринчиси унга қарашиб, иккинчиси қироат Баъзи уламоларнинг айтишларича, қорининг хотир жамлити ёдан ўқишида бўлса, ёдан ўқигани афзалдир, аксинча бўлса, Қуръонга қараб ўқигани афзал Ошкору пинҳондан мурод ичида ёки ташида ўқиши бўлиши мумкин ёки одамларнинг ичида ёки хилватда ҳам бўлмоғи мумкин. Доимий ўқишидан ғараз шуки, Қуръон қироати мўминларнинг қалбини ёруғ қилувчи ва кўкракларга шифо берувчиидир.

Байт:

Эй толиби дўст, ру басуи роҳ, кун,
Дилро зи насойиҳи набий огоҳ, кун.
Авқоти азизи хешро фошу ниҳон,
Масруфи тиловати Китобуллоҳ, кун.
(Эй толиб дўст, юзингни йўлга қарат,
Дилингни набий насиҳатларидан огоҳ, қил.
Азиз вақтларингни ошкору пинҳонда,
Аллоҳ, китобининг тиловатига сарф эт).

Иш буюрдилар: «Қуръонни тафаккур, тадаббур, ҳазинлик ва йиғи билан ўқи».

Қуръонни тафаккур ва тадаббур билан ўқимоқ шундайки, оятларнинг маъносига ва уларнинг нузулиғи фикр югуртиради, қироат асносида маъноларининг позик томонларига диққат қиласи. Ҳазинлик шундайки, ҳар жойда Қиёмат қўрқинчи буда. Ҳақ таъоло хавфидан ғамгин бўлади. Ўтмишлар қиссаси ва собиқдаги умматларнинг тортсан убуватларига етганда маҳзун бўлади ва йифлайло. Бироқ Қуръони тажвид қоидасини бузадиган арзакада овоз чиқариб йифламайди, балки овозсиз бўлжади.

Рубоний:

Ту Қуръонро ба фикру имъон бархон,
Бархон бар тарзи... итқон бархон.
Хоҳий, ки барий завқи тиловат зи китоб,
Бо гиряву сўзу ҳузн Қуръон бархон.
(Қуръонни фикр ва диққат билан ўйлаб ўқи,
Китобдан тиловат завқини олай десанг,
Қуръонни йиғи, куйиниш ва ҳазинлик билан ўқи).

Иш буюрдилар: «Илм қидиришдан бир қадам ҳам узоқ бўлма».

Бу илм қидиришда доимий бўлишга ишорадир. Учопочи: «Ман ағбарат қадамоҳу фи сабилилаҳи ғаримаҳаллоҳу ала-и-нор» (Кимки қадамини Аллоҳ, умиди чанг қиласа, Аллоҳ уни дўзах учун ҳаром қиласи) деган ҳадиси шариф ворид бўлган. Бу ердаги сабилилаҳдан мурод илм қидиришdir. Илм қидиришди бир қадам ҳам узоқ бўлма, деб буюришдан муҳим ҳар доим илм қидиришни ўзингга лозим тут, сонадир...

Рубоний:

Ой толиби Ҳақ, зи илм маҳжур мабош,
Аз баҳри жаҳон хаставу ранжур мабош.
Хоҳий, ки ба қасри хулд наздик боший,
Аз жустани илм як қадам дур мабош.

(Эй Ҳақ толиби, илмдан узоқ бўлма,
Дунё учун хаста ва ранжур бўлма.
Агар боқий қаср (жанннат)га яқин бўлишни хоҳласанг,
Илм қидиришдан бир қадам ҳам узоқ бўлма).

Яна буодилар: «Нодон сўфийлардан эҳтиёт бўлва уларнинг омийларидан узоқ бўлки, улар дин йўлининг ўғрилари ва мусулмонларни йўлдан урувчиidlар».

Сўфий шундай кишики, шариат асосларини мустаҳкам қиласди, тариқат одобларини маҳкам тутади, ҳақиқат йўлига ўзини тикади... Ҳазрати Ҳожа (Абдулхолик) назарда тутган сўфийлардан мурод савғ (жун)дан кийим кийган, ўзларини ҳақиқий сўфийларга ўхшатиб олган жамоатдир. «Нодон сўфийлардан эҳтиёт бўл» дедилар, зероки амалнинг асоси имдир. Сўфий амалга машғул бўлсаю, бироқ унда илм бўлмаса, унинг амали нуқсонли бўлади. Улар билан ўтирган ва уларнинг изидан юрган кишининг ҳам амали ноқис бўлади. Демак, улардан эҳтиёт бўлиш лозим. «Уларнинг омийларидан узоқ бўл», дегандан мурод зоҳирда ўзларини сўфийларга ўхшатганлар бўлиб, сўфийлар шаклига кириб, уларнинг хирқала рини кийганлардир. Уларда на илм ва на амал бор, улардан узоқ бўлмоқ керак, зеро улар диннинг қароқ чилариidlар. Улар одамларнинг қобилият матоси ни қўкка совурадилар, бироқ буни сезмайдилар. Демак, улар ўғрилардир. «Мусулмонларни йўлдан урувчилардан» дедилар, чунки мусулмонлар уларнинг зоҳирига қараб, яқин бўлишни истайдилар, ваҳолани, улар мусулмонларни йўлдан урадилар, демак, улар йўлдан урувчилардир.

Рубоий:

Ин сўфийгон дар саф бешанд ҳама,
Дўздони роҳи миллат кешанд ҳама.
Зинҳор к-аз эшон баҳазар бош мудом,
Гўрганд, ки дар либоси мешанд ҳама.
(Бу сафда турган сўфийларнинг барчаси,
Миллат йўлининг ўғрилариidlар.

Улардан доимо эҳтиётда бўлгинки,
Улар қўй либосидаги бўридиirlар).

**Ина буюрдилар: «Суннатга ва жамоатга мулозим
нужда уламолар мазҳабида бўлгинки, ҳар қандай
хадис (бидъат) гумроҳликдир».**

Хона (Абдулхолик) бу фақра (ибора)да бидъат-
и ҷудида ишорат қилмоқдалар. Суннат ва жамоат-
ни мулозимлик умматдан бўлган жамоат мулозим-
либ бўлиб, Ҳазрати Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи
ассалламдан қолган машҳур йўлга тобе бўлишидир
бу аҳли Ҳақ мазҳабидир. Ҳазрати Пайғамбар
айтган эдиларки, менинг умматим мендан сўнг
уч фирмага бўлинадилар, шулардан битта фирмага
жамната, қолганлари дўзахга киради, ўша аҳли
бўлиб фирмага аҳли суннат ва жамоат фирмага
бўлиб, Ислом мамлакатларида оммаи мусулмон-
доридир. Бошқа фирмалар эса бидъат аҳллариdir.
Бидъат эса янги пайдо қилинган ишдир. Бу ердаги
сўзи янги пайдо қилинган маъносидадир. Чу-
нинчи, ҳадисда: «Ҳар бир бидъат залолатдир», дейи-
ди. Залолатга кетган фирмалар равофизлар, хаво-
риклар, мужассамалар, муржийалар, мўтазилалар-
кор. Буларнинг тафсилоти Калом ҳақидаги китобларда
шер қилинган.

Рубой:

Бар роҳи салаф бош гарат огоҳист,
Он кас, ки савобро гузорад соҳист.
Зинҳор зи суннату жамоат магзор,
Ҳар чиз, ки бидъат бувад он гумроҳист.
(Агар сенда огоҳлик бўлса, салафлар йўлида бўл,
Ҳар ким тўғри йўлни қўйса, у енгилтақдир.
Ҳеч қачон суннат ва жамоатдан кечма,
Бидъат бўлган ҳар бир нарса гумроҳликдир).

**Ина буюрдилар: «Ёшлиар, аёллар, бидъатчилар ва
войлар билан сухбат қурмагилки, дийнингни кет-
ишадилар».**

Хожа (Абдулхолик) бу фақрада амрад ёшлар номаҳрам аёлларга аралашувни тарк этишни буюрадилар.

Амрад деб араб лугатида йигитлик даражасын етиб, мўйловлари сабза урган, бироқ ҳали соқолчиқмаган навжувонга айтилади. Амрадга шаҳват зари билан қарамоқ ҳаромдир. Шунингдек, аҳли тириқат ва тақво аҳлига ҳам, фитна хавфи борлиги учун улар билан ҳамсухбат бўлишдан қочиш вожибди. Яна номаҳрам аёлларга беҳожат (шаҳват ҳисси билан) назар солиш ҳам ҳаром ҳисобланади, чунки бу ҳам фитна туғдиради. Аҳли суннат ва жамоатдан бўлмаган бидъат аҳли билан безарурат ҳамсухбат бўлмоқ ҳам ҳаромдир. Яна хасис давлатманд одамлар билан тариқат аҳлининг суҳбатдош бўлишини манъ қиласидилар, зероки улар билан бўлган суҳбатдан аҳли сулуқларда дунёга муҳаббат ғолиб бўлади. Чунончи: «Дийнингни кетказади», дейдилар. Динни кетказиш шундайки, ақоид қоидаларига амал қилиши да сустлик пайдо қиласиди, гўё бу билан кишининг дийни кетади.

Рубоий:

Метарс, ки абллаҳон қафият бибаранд,
Донойи ақлу хурданат бибаранд.
Бо мубтадиъу тавонгару амраду зан,
Суҳбат на равост з-он, ки дийнат бибаранд.
(Кўрққинки, абллаҳлар обрўйингни кетказадилар,
Ақлингни ва хирадингни кетказадилар.
Бидъатчилар, (хасис) бойлар, бесоқоллар ва (номаҳрам)
аёллар билан
Суҳбат нораводирки, дийнингни кетказадилар).

«Икки қўрс (нон)га рози бўл», дейдилар яна. Бу ерда қаноатга ҳамда топгани билан кифояланишга ишора қиласидилар. Бунда ғолиб мазмун нафсни молу дунё толишга ҳарис қилмаслик ҳамда озгина емиш билан кифояланишдир, токи кишининг дийни саломат қолсин.

Рубоий:

Саргашта мабош дар пайи нону намак,
Нури ҳаёти хеш ҳамчу малак.
Гар чун маҳу хуршиди жаҳонгир шавий,
Боин ба ду қўрс бош аз чархи фалак.
Нону тузнинг кетидан саргардон бўлма,
Хаёт нури ила гўё фариштадек ҳаёт кечир.
Чунёда Ой ёки оламни эгалловчи Қуёш бўлсанг ҳам,
Бу чархи фалакдан иккита нонга рози бўл).

Ина буюрдилар: «Агар сухбат қурсанг, оддий фарорлар билан сухбат қур ва хилватни ўзингга муаммим тут».

Соликники, соликнинг асл иши шуки, зарурат бўлса, хилватдан чиқмайди. Ногаҳон сухбат қуриш бўлса ва бунга унда майл пайдо бўлса, факирлар билан сухбат қуради, токи бойликка назар союз уни фақр йўлидан узоқлаштирмасин. Ҳадиси Ҳадисида айтилади: «Эй Аҳмад, мен дарвиш (факир) бори дўст тутаман, бас, мажлисингни уларга яқин бўл, мен ҳам сенга раҳматим билан яқин бўламан».

Рубоий:

Эй соликирох, мулоzими хилват бош,
Рав, унс бижуй, холий аз ваҳшат бош.
Гар з-он, ки ба сухбат гаҳе майл бувад,
Бо аҳли фанову фақр ҳамсуҳбат бош.
(Эй тариқат йўлининг юрувчиси, хилватга
мулоzим бўл,
Дўстликка интил, даҳшатдан холий бўл).

Агар сухбатга гоҳида майл пайдо бўлса,
Фано ва фақр аҳли билан ҳамсуҳбат бўл).

Ина буюрдилар: «Ҳалол егинки, ҳалол яхшилик-марнинг қалитидир. Ҳаромдан қочгинки, Ҳақ таълодан узоқ тушмайсан».

Бу фақрада шунга ишорат қиласидиларки, тариқат иҳли доимо ҳалолдан ейиши керак, ҳалол шундай нарсаки, шариат уни далалардан топиладиган ёки ҳалол касбдан келадиган мубоҳ нарсадир. Шариатда

мубоҳ нарса шуки, бирор нарсани қилишдан савоб ҳосил бўлмайди, қиласликтан эса гуноҳ содир бўлмайди.

«Ҳалол яхшиликларнинг калитидир», яъни Ҳақ таъюлонинг хайрот ва файзлари луқмаси ҳалол бўлган кишининг дилига қуйилади. Демак, ҳалол хайрият калитидир, зероки калит эшикнинг очилиши сабаби бўлганидек, ҳалол ҳам дил эшигининг очилиш сабабидир.

«Ҳаромдан қочиш керак», чунки бу Ҳақдан узоқлашиш сабабидир, ҳаромдан дил зулмати пайдо бўлади. Зулмат пайдо бўлса, Ҳақ нури зойил бўлади, демак, банда Ҳақдан узоқлашади, дўзахга яқин бўлади. Ҳадисда келади: «Ҳаромдан ўсган ҳар бир аъзога оташ яқиндир», яъни оловда куяжак.

Рубоий:

Зинҳор, ки дур бош аз ризқи ҳаром,
Ту дур наяфти зи Худованди жаҳон.
Рўзийи ҳалол қуфли дил бикушояд,
Мифтоҳи ҳаммаи чиз ҳалол аст мудом.
(Худодан узоқ тушмаслик учун,
Ҳаром ризқдан доимо узоқ бўл.
Ҳалол ризқ дил қулфини очади,
Чунки барча нарсаларнинг калити ҳалолдир).

Яна буюрдилар: «Эртага дўзах олови куйдирмайдиган ишни қил ва ибодатдан ҳаловат топиш учун ҳалолдан кийин».

Бу фақрада шу нарсага ишорат қиласлиларки, сўфийнинг либоси ҳалол нарсадан топилган бўлиши керак, чунки кийим баданни ўраб турувчи ажзолардан ҳамда авратни ёпиб турувчидир. Авратни ёпувчи нарса ҳаромдан бўлса, намоз шартларида нуқсон пайдо бўлади, бу эса ибодат ҳаловатини йўқотади ва шартларда нуқсон юз беради. Ҳадисларда келишича, бир одам қиммати ўн дирҳамли кийим кийган бўлса ва ундан бир дираами ҳаром бўлса, худойи таборак ва таъоло унинг фарз намозини ҳам, нафл намозини ҳам қабул қиласлийди.

Рубоий:

Бояд, ки зи деги хеш рўзи нўший,
Метарс, ки дар оташи дўзах жўший.
Онгоҳ ҳаловати ибодат расадат,
К-аз важҳи ҳалол жома бир тан пўший.
(Сен ўз қозонингдан ризқингни ич ва е,
Дўзах оловида қайнаб тошишдан қўрқ.
Ҳалол ризқдан либос кийганингдагина,
Ибодат ҳаловатини топасан).

**Яна буюрдилар: «Доимо Ҳақ таъолодан қўрқув-
ди бўл ва ёдингда бўлсинки, бир куни қилмишинг-
ди ҳисобга тутиласан».**

Бу фақрада қўрқув мақомига ишорат қиласилар, қўрқув эса соликлар мақомининг муҳим асосларидан биридир. Қўрқув икки хил бўлади. Бири Илохий ҳалолдан қўрқув бўлиб, қаҳр сифатларини мулоҳаза қилишга олиб боради ва ҳалолнинг сифатлари шудир. Иккинчиси ўз нафсиning заарларидан қўрқув бўлиб, ҳисоб ва муроқабадан пайдо бўлади ва бу қўрқув Қиёмат ҳисоб-китобидир. Бу фақрада мана шу икки қўрқувга ишорат қиласилар...

Рубоий:

Дилро ба ҳавои худ ҳамоғўш макун,
Жуз паҳди Худойи хештан гўш макун.
Тарсон зи жалоли Ҳақ таъоло мебош,
Рав рўзи ҳисобро фаромуш макун.
(Дилингни ҳаво билан ҳамоғуш қилма,
Ўз Парвардигорингнинг пандидан бошқага
қулоқ солма).
Ҳақ таъоло улуғлигидан қўрқувда бўл,
Ҳисоб-китоб кунини унутма).

**Яна буюрдилар: «Тунда намозни кўп ўқи, жамо-
тни тарқ этма, имомлик ёки муazzинлик қилма».**

Бу фақрада дин устуни ҳисобланган намозни доимо ўқишига ишорат қиласилар... Ҳадисда келади: «Ёқимсиз нарсалардан бирор нарса ҳар вақт Расул

(с.а.в.) га дуч келса, намозга юз буриб, то ўша нарса кўтарилгунча намозни кўп ўқир эдилар».

Жамоат намози суннати муаккада бўлиб, тасаввух ахли учун уни ўташда катта тарғиб бор. Ҳадисдан келишича, жамоат намози гўёки бир дарёдир, эши олдидан ўтади, бир кеча-кундузда беш марта унга чўмилинади, шу туфайли баданда ҳеч кир қолмайди.

«Имом ёки муаззин бўлма», дейишдан мурод имом ва муаззин маош оладилар, гарчи бу ишда шухрат ва кибр бўлмаса ҳам. Аслида имомлик буларсиз суннатdir. Муаззинликнинг ҳам савоби кўпдир, шаръий томондин унга ҳақ олиш жоиз, бироқ солик сўфий бундан қочиши керак. Айтадиларки, ҳақ олинадиган ибодат сўфиийга жоиз эмас.

Рубоий:

Бисёр намоз кун, ки мўъмин боший,
Дар раҳи Худо обиду мувқин боший.
Бояд, ки жамоат накуни вақте тарк,
Беон, ки имом ё муаззин боший.
(Мўъмин бўлиш учун кўп намоз ўқи,
Шунда Худо йўлида обид ва эътиқод соҳиби бўласан.
Имом ёки муаззин бўлмаган ҳолда,
Жамоат намозини тарк қилма).

Яна буюрдилар: «Ном чиқармасликка интилгинги ки, динни барбод қиласан».

Бу факрада гўмномлик ва беҳуда шухратга интилмасликка ишора қиладилар, чунки шухрат нафсада манманликни пайдо қиласи ва вақтларни паришон қиласи, амалларда эса риё пайдо бўлади. Буларнинг ҳаммаси нафсга эрк беради, нафсга эрк берилиш эса динни барбод қиласи.

Рубоий:

Аз шухрати хеш нафсро дод мадих,
Худро шухрати миёни мардумон ёд мадих.
Гўмному нишон бош дарин дайри кўҳан,
Зинҳор, ки дини хеш барбод мадих.

(Ўз шуҳратингдан нафста эрк берма,
Одамларнинг ичида ўзингни ёдга солувчи бўлма.
Бу кўҳна дунёда ному нишонсиз бўл,
Ўн динингни зинҳор бодга берма).

Яна буюрдилар: «Сафар қилишни ўзингга лозим тутки, нафсинг хор бўлади».

Бу фақрада сўфийнинг сафар қилишига ишорат пор, чунки сафар мاشаққат тортишга сабабdir, ма-шакқат эса нафсни хор қилади. Нафснинг хор бўлиши эса қалбнинг ислоҳга келишига сабабdir...

Рубоий:

Хоҳи, ки шавий бадру нишони анвор,
Монаиди ҳилол шав, дарин роҳи низор.
Беқатъи манозил натавон комил шуд,
Бисёр сафар кун, ки шавад нафси ту хор.
(Агар тўлин ой ҳамда нурлар нишони бўлай десанг,
Бу нозик йўлда ҳилолга ўхшаган бўл.
Манзилларни босиб ўтмай комил бўлиш мумкин эмас,
Кўп сафар қил, нафсинг хор бўлади).

Яна буюрдилар: «Бироннинг мақтовига учма, бирор сени ёмонласа хафа бўлма, халқнинг мақтову ёмонлаши сен учун бир хилда бўлсин».

Бу фақрада солик мақталиш ва ёмонланиш ҳолатида ҳам унинг ахволида ўзгариш бўлмаслиги лозимлигига ишоратдур. Чунки, агар мақтовга шод бўлса, ўзининг вужудидан қониқиши ва фахрланиш туйфуси пайдо бўлади, ваҳоланки, сулукнинг асли худбинликни тарқ этишдир. Агар ёмонланишга замгин бўлса, бу ҳам ўз вужудининг боқийлигига далолат қилади, бу ҳам сулук қоидасига хилофдир. Мақтов ва ёмонлашга нисбатан бир хилда тuriш ўз нафсини ҳимоя қилишдан ва ўз вужудига бино қўйишдан озод қилали. Чунончи айтадилар, байт:

Мадҳу заммат гар тафовут мекунад,
Кофирий бошад, ки у бут мекунад.
Бояд, ки мусовий бувадат мадҳату замм,
К-аз халқи жаҳон боз ин-берун нашавий.

(Мақтову ёмонланиш бир-биридан фарқ қиласа,
Бу бут ясовчи коғирлик бўлади.
Мақтову ёмонланиш сен учун бир хилда бўлсин,
Халқ билан муомалада шу икки нарсадан ташқари бўлма).

**Яна буюрдилар: «Халқ билан чиройли муомала
қилишга ишоратдириш».**

Бу фақрада халқ билан ҳусни хулқда муомала қилишга ишоратдир. Ҳусни хулқ халқ иборасидан сўзда ва амалда қўполлик қилмай, мулоийимлик юза сидан тил топишиш ва чиройли муомалада бўлишдан иборатдир. Чунончи, ҳадисда келади: «Сизлар нинг яхшиларингиз хулқ жиҳатидан яхшиларингиз дир». Чиройли хулқда бўлиш тасаввухнинг асосларидан бири бўлиб, унга амал қилиш лозим ишлар дандир.

Рубоий:

Саттори ҳамаи уйуб бояд будан,
Фамхори ғами қулуб бояд будан.
Гар дар талаби ризои холиқ боший,
Бо халқ баҳулқи хўб бояд будан.
(Барча айбларни ёпувчи бўлмоқ керак,
Барча дилларнинг ғамини еювчи бўлмоқ керак.
Яратувчининг розилигини қидирувчи бўлсанг,
Халқ билан чиройли хулқда бўлмоғинг керак).

**Яна буюрдилар: «Яхши ёки ёмон ҳолатларнинг
барчасида одобли бўл ва барча халқقا марҳамат-
ли бўл».**

Бу фақрада адабга ишорат қиласидар. Адаб чиройли муомалада ўз нафсини барқарор тутишдан иборат бўлиб, одамлар билан аралашиб юришда уни зиёда қилишдир. Яхшилар билан бўладиган адаб ўзаро келишув ва чирои риоя сабабидир... Марҳаматли бўлиш, хоҳ, у коғир бўлсин, хоҳ мўъмин бўлсин, раҳмоний хулқقا эга бўлиш, хайриҳоҳлик сифатини топиш ва ўз жисмида яхшиликни касб этишдир. Коғирга марҳаматли бўлиш ҳидоят талабида бўлмоқдир, мўъминга нисбатан эса ҳурмат ва созгорлик

либ, мўъмин бу ишнинг адосида маҳкам турувчи-
лар:

Рубоий:

Аз хислати бад гар музажаб боший,
Бо ҳалқи жаҳон ҳама муаддаб боший.
Бо неку бади жаҳон ба раҳмат мебош,
То назди Худо абди муқарраб боший.
(Агар сен ёмон хислатдан покланган бўлсанг,
Жаҳон ҳалқи билан адабда бўл.
Худо олдида унга яқин банд бўлмоқ учун,
Жаҳоннинг яхши-ёмон (одамлар)ига
мехрибонлик билан қара).

Ша буюрдилар: «Қаҳ-қаҳ уриб кулмагинки, қаҳ-
қаҳ уриб кулиш фафлатданdir ва у дилни ўлдира-
ти. Мустафо (с.а.в.) буюрадиларки, агар мен бил-
ди нарсани сизлар ҳам билганингизда эди, оз ку-
либ, кўп йиғлаган бўлар эдингиз».

Бу факрада ишорат шунгаки, солик фафлатдан
шага йўл бермаслиги, балки қўрқувни ўзига лозим
туниши керак. Чунки қаҳ-қаҳ, уриб кулиш фафлат-
дан иборатдир. Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ
ибнида намозда қаҳқаҳа юз берса, таҳоратни син-
тириди, чунки бу фафлатнинг камолга етганидир. На-
шлида фафлатнинг камолга этиши эса таҳоратнинг
бўлишига сабабдир. Демак, бу нарсадан эҳти-
ти бўлиш лозим... Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) нинг
қондолари табассумдан иборат эди. Табассумнинг до-
нинлиги шодлик ва очиқ юзлиликнинг белгисидир
бу хислат маҳбуб ҳамда ориф ҳақиқатгўйлар
нишида марғубдир.

Рубоий:

Ин хандайи қаҳқаҳа на аз кор бувад,
К-аңдар ақабаш гиря бисёр бувад.
Чун хандайи қаҳқаҳа бимиронад дил,
Бояд, ки табассуми шакарбор бувад.
(Қаҳқаҳа кулгиси яхши ишлардан эмас,

Унинг орқасида беҳисоб йифиси бор.
Қаҳқаҳа кулгиси дилни ўлдиради,
Демак, ширин табассумни ишга солмоқ керак).

**Яна буюрдилар: «Ҳар ким раёсат талабида бўлса
у тариқат солики бўлишга нолойиқдир».**

Бу фақрада шунга ишорат бордурки, тариқат йўлини
даги солик раёсатга интилмаслиги лозим, раёсатни
сардорлик ва улуғлиқдир. Халқ тилида раёсатга тоғи
либлик дунё раёсатини билдириса-да, Ҳазрати Ҳожа
иборати дунё раёсати ва тариқат раёсатини ўз ичина
олади. Тариқат раёсати пир бўлиш ва ўзини барча
дан улуф ва пешво тутишдир. Буюрадиларки, солик
дунё раёсатига интилувчи бўлмаслиги керак, чунки
раёсатга интилиш нафснинг кучайиб кетишидан
ҳосил бўлади. Бу эса сулукка қарама-қаршидир
Шунингдек, солик тариқатда пир ва раисликка ин-
тилмаслиги лозимки, бу Шайтоннинг васвасалари иш-
кибру ҳаво талабларидандир. Орифлар айтадилар
«Сиддиқлар бошидан чиқадиган охирги нарса бу
амалга муҳаббатдир».

Рубоий:

Гар дар талаби ҳукму сиёсат боший,
Кай соҳиби донишу каёсат боший.
Ҳаргиз натавон солики роҳат гўфтган,
Гар з-он, ки талаби кори раёсат боший.
(Агар сен ҳукм ва амал талабида бўлсанг,
Сени қандай қилиб илм ва донолик соҳиби
дейиш мумкин?
Агар раёсат ишларига интилувчи бўлсанг,
Сени ҳеч қачон тариқат йўлининг солики деб бўлмайди).

**Яна буюрдилар: «Сен доимо рўзада бўлмовинг
керакки, рўза нафсни хорлаб туради».**

Бу фақрада Ҳожа шунга ишорат қиласиларки, рўзада
нафсни эзib турувчиидир, шунга асосан, унинг хо-
ҳишлари кесилади ва йўқ бўлади. Бу ерда Ҳожанинг
ишорати «савми даҳр» (доимий рўза)га нисбатан
бўлиб, ҳадиси шарифда келади: «Ҳар ким савми даҳр-
ни тутса, Шайтон унинг қон томирларига асло йўл

...найди...» Бироқ қувватига заифлик етказувчи
шарларга савми даҳр мустаҳаб эмас, балки афзали
бүркүй рўза тутиб, иккинчи куни тутмаслиқдир.
Шарларга рўзада бўлишдан Ҳазрати Хожанинг
шарслари шаҳватнинг кучини кесишдан иборат
бўлб, бу хусусан ёшлик айёмларига таалуқлидир.

Ина буюрдилар: «**Нодон сўфийлардан эҳтиёт бўл,**
шароитхларга ҳам танинг билан, ҳам молинг би-
то, ҳам жонинг билан хизмат қил, уларнинг
шарини авайла, уларга иқтидо қил».

Бу факрада, юқорида ҳам айтилгандек, нодон
сўфийлардан парҳез қилишни буюрадилар. Бунинг
шарорига сабаб шуки, бирида шариат илмига нис-
бати подоплик назарда тутилса, бирида тариқат сир-
орига нисбатан нодонлик назарда тутилади.

Ина насиҳатларида буюрадиларки, ходимнинг хиз-
мати на мартабаси жуда баланддир. Сўфийлар хиз-
матини олий мартабалардан, деб биладилар. Хизмат-
тини уч мартабаси бор. Бири — молни сарфлаш, яна
бири — баданни сарфлаш ва ҳақини адо қилиш, яна
бири — рухни сарфлаш. Ҳазрати Хожанинг сўзла-
рида мана шу уч мартабага ишорат воқеъ бўлган.

Рубой:

Мебош зи сўфиёни жоҳил баҳазар,
Сарфи раҳи шайх соз жону сару зар.
Дар хизмати у бош нигаҳдори дилаш,
Аз шевай иқтидо бадишон магузар.
(Нодон сўфийлардан эҳтиёт бўл.
Жонингни, бошингни ва зарингни шайх йўлида
фидо қил.

Унинг хизматида бўлганда кўнглини авайлагин,
Уларга эргашиб йўлидан асло кечмагин).

Ина буюрдилар: «**Одамлардан нарса сўрама ва**
унинг бирор нарсани захийра қилма».

Хожа бу каломда соликларнинг усулларидан икки
усулга ишорат қиласидилар: бири — тиламчиликни тарк
тиш ва бу сўфийларнинг қатъий ишларидан бири.
Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) буюрадилар: «Ҳар ким

тиlamчилик учун бир эшик очса, Худойи таъоло кам бағаллиқдан унга етмиш эшикни очади». Куръондайтилади: «Одамлардан бирор нарсани қистаб ол масинлар».

Иккинчиси — захира таркини буюрадилар ва бу машойихлар одобидандир, зероки захира қилиб, ииғиб қўйиш таваккулни тарк этиш, тирикчилик сабабларига ишонч қўйишдир. Бу эса сулукка қарама-қарши ишдир.

Байт:

Аз ҳеч каси то битвои ҳеч маҳоҳ,
Дарроҳи таваккул ойу магузар зи роҳ.
Чизе накуний захира то битвоний,
Ин аст тариқи равиши аҳдуллоҳ.
(Иложи борича бирордан нарса сўрама,
Таваккул йўлида бўл, бу йўлни қўйма.
Қўлингдан келганча бирор нарсани йигиб қўйма,
Бу авлиёларнинг одату расмидир).

Яна буюрдилар: «**Билгинки, ризқ мақсумдир**», яъни Худойи таъоло азалда ризқни бандалари учун тақсимлаб қўйганки, ҳеч ким ҳеч кимнинг ризқини емайди ва ея олмайди. Чунончи, айтилади: «Сизнинг ризқингиз осмондадир, сизларга нимаики ваъда қилинибди, Еру Осмоннинг Парвардигорига қасамки, у сизнинг сўзингизга ўхшагандир ва, ризқ ҳақдир, яъни бирорта одам оғзидағи сўзни бошқа одам тортиб олмагани каби, бир одамнинг ризқини бошқаси ея олмайди, ризқ тақсимланган», — деган маъно шудир.

Рубоий:

Рўзийи касон назди Худо маълум аст,
Андешаи ризқ фикрати мавҳум аст.
Чун қисми ту мерасад марав дар пайи ризқ,
Рўзийи касон рўзи азал мақсум аст.
(Одамларнинг ризқи Худо қошида маълумдир,
Ризқни ўйлаш бу — мавҳум фикрдир.
Сенинг тегишинг сенга етади, ризқ кетидан чопма,
Одамларнинг ризқи азалда тақсимлаб қўйилган).

Шна буюрдилар: «Жувонмард бўл ва Худойи таъ-
ло сенга нимаки берса, ўзгаларга ато қил».

Хожа бу фақрада тасаввуфда самоҳат (олижаноб-
ши, таховат) деб аталувчи жувонмардлик мақомига
ишорат қиласидар. Самоҳат шундайки, киши ўз
бинонни биродарларининг ҳақидан устун қўймайди,
бабуринг адолат талаб қилмайди ва бу олий мақом-
дор, унинг шартларидан бири эса Аллоҳ, йўлида ато
билишдир. Шунинг учун буюрадилар: «Худо сенга
нимаки берса, уни одамларга ато қил, то жувон-
мард бўлгайсан».

Рубоий:

Он кас, ки зи асбоби жаҳон фард бувад,
Бо ҳиммати у рўйи замин гард бувад.
Ҳар чиз, ки Ҳақ диҳад ато соз ба халқ,
Он кас, ки кунад базл жувонмард бувад.
(Ҳар кимки жаҳоннинг нарсаларида ўзини озод
қилган бўлса,

Унинг ҳимматидан ер юзининг нарсалари
арзимас чангдек бўлади.

Худо нимаки сенга берса уни халққа ато қил,
Ҳар ким (халққа) ато қилса, жувонмард бўлади).

Яна буюрдилар: «Бахиллик ва ҳасаддан узоқ
пўлгинги, бахил ва ҳасадчи дўзах оловида бўлади».

Хожа бу фақрада бахиллик ва ҳасаддан қочиши
кераклигига ишорат қиласидар. Бахиллик ато қилиши
ни тарқ этишдан иборатдир. Ҳасад неъматнинг за-
пол топишини орзу қилишдан иборат. Буларнинг ҳар
шккови ҳам ёмон хулқлардан ҳисобланади. Худойи
таъоло Қуръонда бахилликни ёмонлайди, шунингдек
ҳасадни ҳам қоралайди ва бу ҳолнинг жазоси учун
дўзах ва азобни яратган.

Назм:

Аз бухл бижуй дурий, эй марди Худо,
В-аз хулқи бади ҳасад ҳамебош жудо.
Бояд на бахил боший ва на ҳосид,
Ки ҳар ду раванд суйи дўзах фардо.

(Эй марди Худо, баҳилликдан узоқ бўлишни қидир,
Ёмон хулқ бўлган ҳасаддан ўзингни жудо қил.
Бахил ҳам бўлма, ҳасадчи ҳам бўлмагинки,
Бу ҳар икковининг жойи эртага дўзах бўлади).

Яна буюрдилар: «**Зоҳирингга оро бермагинки зоҳирга оро бериш ботинни хароб қилади**».

Ҳар ким зоҳирига оро бериш билан машғул бўлса унинг назари ҳалқни мушоҳада қилишдан нуқсон топади. Охири Ҳақ таълонинг назари тушадиган жон ҳисобланган ботин (яъни қалб) хароб бўлади, Ҳақ таълони қалб орқали қидиришдан ғофил қолади шундай хароблик унга таъсир қилади, чунки Ҳақнинг нафси ундан узилади.

Рубоий:

Дар роҳи талаб бош, баҳар жой мабош,
Як рой гузин, дар пайи ҳар рой мабош.
Орайиши зоҳир чу харобийи дил аст,
Аз баҳри Худой зоҳир орой мабош.
(Ҳақ талаби йўлида бўл, ҳар хил йўлда бўлма,
Битта фикрли бўл, ҳар хил фикр пайида бўлма.
Зоҳирга оро бериш дилпинг хароблигидир,
Худо йўлида зоҳирга оро берувчи бўлма).

Яна буюрдилар: «**Сен ўз нафсингни мулозаматни да бўл, токи уни ислоҳга келтиргайсан ва нафсингни азиз тут**».

Хожа бу фақрада нафсни ислоҳ қилишга ишорати қиладилар.

Нафснинг ҳожатини бериш ва кераксиз нарсалардан озод қилишни буюрадилар ҳамда нафснинг ислоҳ, тадорукини кўргил ва ислоҳ қилишга зарур нарсаларни қидиргин, деб амр қиладилар Нафснинг азиз тутиш шундайки, ўзингни одамлар олдида душни ҳожатлари учун хор қилмайсан, шунда икки олам азизи бўлгайсан.

Рубоий:

Дар ҳожату кори нафси худ бош мудом,
То аҳли салоҳ гардийу неку ном.

Дар пеши касон меҳмон машав зи хорий,
Рав, иззати нафси хешро соз тамом.
Доимо ўз нафсингни ҳожати ва тадоруки пайида бўл,
То солиқ, аҳдлидан ҳамда яхши ном олувчилардан
бўлгайсан.
Одамлар олдида хорлик тортиб, меҳмон бўлма,
У нафсингни азизу мукаррам тут).

Ишбу буюрдилар: **«Зарурат бўлмагунча оғзингни**
табор».

Хожа бу факрада тилни тийишга ишорат қиласди-
лар. Бу эса тариқатнинг муҳим ишларидан ҳисобла-
боди. Токи зарурат юз бермагунча солик сўз айт-
тилиги керак. Ҳадиси шарифда келади: «Мин ҳус-
нуда исломил маръи тарку моло йаъниҳи», яъни
халифнинг чиройли исломи корга ярамайдиган нар-
саларни тарк қилишидир. Рубоий:

Ля бехудагўй қадами худ баркаш,
Лавҳи рақами ҳирза ва рой сар каш.
Дар гўфт маё, токи зарурат набувад,
Ля ҳар чи гуриз бошадат дам дар каш.
(Веҳуда сўзлашдан қадамингни торт,
Ҳирзагўйлиқдан ўзингни узоқ тут.
Зарурат бўлмагунча сўзга киришма,
Керак бўлмаган пайтда тилингни тий).

Ишбу буюрдилар: **«Халқقا доимо насиҳат қилгай-**
сан».

Бу мусулмонларга яхшилик етказадиган насиҳат-
ларга ишоратdir. Ҳадисда келадики, насиҳат қил-
моқ, иймон аҳдлиридан бўлиб, заруратdir. Чунки
хорида «зарурат бўлмаганда оғзингни очма» деб
буюрган эдилар. Рубоий:

Ҳақгўй шаву рўй ба раҳи иймон кун,
Асрори худ аз ҳалқи жаҳон пинҳон кун.
Некуст забон нигаҳдоштан, лекин
Пайваста насиҳати мусулмонон кун.

(Ҳақгўй бўл, иймон йўлига юз қўй,
Замона одамларидан сирингни пинҳон тут.

Тилни доимо сақлаш яхшидир,
Бироқ мусулмонлар учун доимо насиҳат қил).

Яна буюрдилар: «Таому шаробни кам қил, яъни оз е, кам ухла ва кам гапир».

Хожа бу фақрада тариқат асосларининг муҳим масалаларига ишорат қиласди, булар тўрттадир: иътизол (айрилиш, узлат), самт (гапирмаслик), жувъ (очлик) ва саҳар (бедорлик). Чунончи, айтадилар:

Жувъ самту саҳару узлату зикри бадавом,
Нотавонони жаҳонро бикунад кори тамом.
(Очлик, жимлик, бедорлик, узлат ва доимий зикр
Оlamдаги нотавонларнинг ишини мукаммал қиласди).
Рубоий:

Кам нуш таому, кам биёшом шароб,
Кам соз сухан гуфтани кам гардон хоб.
Рав аз ҳамаи халқ гўша гиру нишип,
Ин чор сифат бувад туро роҳи савоб.
(Таомни кам е ва шароб (сув)ни кам ич,
Сўзни кам қил ва уйқуни камайтири.
Одамлардан нари юру четда ўтири,
Бу тўрт нарса сен учун тўғри йўлдир).

Яна буюрдилар: «Муҳтоҷ бўлмагунингча таомема, зарур бўлмагунча сўз дема, уйқу ғалаба қилмагунча ухлама, бир оз ухла, сўнг тезда тур».

Хожа бу ерда учта нарсанинг чегараси ҳақида буюрадилар.

Биринчиси — то муҳтоҷ бўлмагунча таомдан ўзни тийишдир. Сўфийлар орасида таомга эҳтиёж ҳақида ҳар хиллик бор. Кўплари шундай фикрдаки, таомга эҳтиёж пайдо бўлганда бадан кувватида заифлик юз беради ва бадан нуқсонга юз тутади. Баъзиларнинг айтишича, очликнинг чегараси оғиз сувида ҳеч қандай ёғ ва таом ҳиди қолмаслигиdir. Сўзлашнинг чегараси шуки, сўзлашга эҳтиёж пайдо бўлади ва имоишора билан тушунтиришнинг имкони қолмайди. Уйқунинг чегараси унинг ғалаба қилишидир. Ғалаба бартараф бўлгач, яна бедор бўлади. Рубоий:

Бисёр махур варна кудурат бошад,
ОНгоҳ сухан гўй, ки зарурат бошад.

Чун хоб кунад зўр них сар ба замин,
Биншав, ки тўро маънийи суврат бошад.
(Кўп емагинки, ундан зарар юз беради,
Зарурат бўлгандагина сўз сўзла.
Уйқу ғалаба қиласа ерга бош қўй,
Ошиттиники, булар сен учун маънавий қувват беради).

Яна буюрдилар: «Симоъда кўп ўтирмагинки, симоъни нифоқ пайдо қиласи, кўп симоъ дилни ўлдиради».

Хожа бу ерда сўфийларнинг симоъига ишора қиласидар. Бу эса байт ёки вақтни хуш қиласидан нарсани эшишидир. Айтадиларки, симоъ дилда нифоқни ўстиради, чунки у шаҳватни ҳаяжонга солувчиидир ва дилда шаҳватни ҳаяжонга келтиради... Унинг кўни эса дилни ўлдиради, чунки шаҳват унинг кўпидин ғалаба қиласи ва дил Ҳақнинг мушоҳадасидан узоқлашади, бу эса дилнинг ўлишига сабаб бўлади. Рубоий:

Эй сўфий софий, чи куний майли симоъ,
Ҳосил зи симоъ чун нифоқ асту низоъ.
Ё тарки симоъ кун, ки софий гардий,
Ё он, ки ҳаёти дили худ соз видоъ.

(Эй мусаффо сўфий, симоъга нечун майл қиласан,
Симоъдан нифоқу низоъ ҳосил бўлади.
Ё симоъни тарк этгилки, софу мусаффо бўласан,
Ёки дил ҳаёти билан видолаш).

Яна буюрдилар: «Симоъни инкор қилмагинки, симоъ асҳоблари кўпdir. Симоъ дили тирик, тани ўлик бўлган кишиларга раво бўлади. Ҳар кимда бу ҳолат бўлмаса намозу рўзага машвул бўлгани авлодир».

Хожа бу ерда симоъни инкор қилмасликка ишора қилмоқдадир. Сўфийлар орасида симоъни инкор ша қабулида ихтилоф кўпdir. Бир гуруҳ мутлақо тавсия қиласи ва уни риёзат воситаларидан ҳисоблайди. Бир гуруҳ рад қиласи ва уни нифоқнинг мояси, деб ҳисоблайди. Бир гуруҳ тафсил қилиб айтадики, агар нафс орзулари риёзат билан ўлган бўлса, си-

МОЪНИНГ ҳаяжонга солувчи қуввати бўлмайди. Бундай симоъ мақбулдир. Агар нафс орзулари боқий бўлса унда рўза ва намозга машғул бўлмоқ авлодир. Хадиси тафсилини ихтиёр қилганлар. Рубоий:

Инкор макун симоъу мақбул мадор,
Илло зи каси, ки зиндадил бошад ёр.
Гар нафси ту мурда нест аз шаҳвату оз,
Бо савму салот бошу дигар магузор.
(Симоъни инкор ҳам қилма, мақбул ҳам ҳисоблама,
Бироқ дили тирик одамга уни мақбул деб бил.
Агар нафсинг шаҳват ва очкӯзлиқдан ўлмаган бўлса,
Рўза ва намозга машғул бўл ва буни тарк қилма).

Яна буюрдилар: «Дилинг доим андуҳли, баданинг намозли, амалинг хос бўлсин. Дуойинг мушиҳада, либосинг кўхна, дўстларинг дарвишлар бўлсин».

Хожа бу фақрада орифларнинг сифатини бодди қиласидилар. Бу Дилни ҳазин тутиш бўлиб, у шаҳвони сўндириш сабабидир. Баданин намозга машғул қилиш бу ибодатларнинг ва амалларнинг хайрлиси дир. Амални Ҳаққа хос қилмоқ раёсатга интилмасликка олиб келади... Рубоий:

Бояд дили ту пурғаму рав тан ба намоз,
Бояд амалат хосу дуоят ба ниёз.
Ҳам жомайи ту кўхна, рафиқон дарвиш,
Инҳо чи бувад орифию соҳиби роз.
(Дилинг ғамгин ва баданинг намозда бўлсин,
Амалинг хос ва дуойинг ниёзмаандлик юзидан бўлсин.
Либосинг кўхна, дўстларинг дарвишлар бўлсин,
Бу орифлар ва сир соҳибларининг йўлидир).

Яна буюрдилар: «Сенинг уйинг масжид ва молинг фиқҳ китоблари, зийнатинг зуҳд ва мунисини Худойи азза ва жалла бўлиши лозим».

Хожа бу фақрада обидларнинг сифатларига ишорат қиласидиларки, улар масжидни ўз уйларига айлантиришлари, яъни доимо масжида бўлишлари лозим. Ҳадиси шарифда келадики, мўъминнинг масжида бўлиши гўё балиқнинг денгизда бўлиши қабидир.

Ларнииг фиқҳ, китобларидан бошқа моллари
лоғим, токи улардан фойда олмасинлар
түлларини тўғри йўлга қўйсинар, мусулмонларга
бўлишилар. Дунёни тарк этишдан иборат бўлган
(юхидлик)ни ўзларига зийнат қилишлари ло-
рубойй:

Боғд, ки туро сарой масжид бошад,
Молат кутуби фиқҳи муаййид бошад.
Саройини ту зуҳду Худоят мунис,
Ши шевай мўъмини мұқаллид бошад.
Он учун уй бу — масжид бўлиши,
Молинг эса ёрдам берувчи фиқҳ, китоблари
бўлиши керак.

Зийнатинг зуҳд ва мунисинг Худо бўлиши лозим.
(у муқаллид мўъминнинг йўлидир).

Иш буюрдилар: «Мана бу беш хислатни кўрмайди, ҳеч кимни ўзингга дўсту биродар қилма. Бишени — фақирликни бойлиқдан устун қўймаса. Чинчи — илмни дунё амалидан юқори қўймаса. Чинчи — хорликни дунё иззатидан устун қўймайди. Тўртингчи — ошкорава пинҳон нарсаларни би-
ничи бўлмаса. Бешинчи — ўлимга тайёр бўлмаса».

Хазрати Хожа бу факрада ҳақиқат ахлининг шешини ҳисобланган Аллоҳ, йўлидаги дўстликка ишора намоқдалар. Сўзниинг асоси шуки, Аллоҳ, йўлидаги дўстликни шундай одам билан қилиш керакки, бу им Ҳақнинг ёдини халққа нисбатан афзал билади, шуки Аллоҳ, йўлидаги дўстликнинг фойдаси шуки, ишни биродар бу одамни Ҳаққа мойил қиласди... Бундай биродар, аввало, бойлиқдан кўра фақирликни иштиёр қиласди. Иккинчи — дунё амалидан кўра илмни иштиёр қиласди. Учинчи — такаббурлик ва мансанилик сабаби бўлмиш дунё иззатига нисбатан нафси синдирадиган хорликни иштиёр қиласди. Яна динни биродар кўрувчи ва хабар топувчи бўлиши керак ва ошкораву пинҳон амалларнинг билимига басират ўзи билан боқувчи бўлиши лозим. Бохабар шундай қишики, у ўлимга доимо шай бўлади. Агар бу сифатлар бир одамда бўлса, у Аллоҳ, йўлидаги дўстликка лойикдир...

Хожа Авлиёйи Калон Ҳазрати Хожа (Абдулхолиқ) нинг улуғ халифаларидан эдилар, шундай дейдилар «Хожа Абдулхолик Фиждувоний қаддасаллоҳу рухи» ул-азиз бу васиятларни менга қилган бўлиб, бу пайтади Шайхнинг кафтлари менинг кафтиимда эди. Васиятларининг ҳаммаси тугагач, Шайх уни қуидаги сўз билан яқунладилар: «Сен то тирик экансан, доимо масжидимга мулозим бўл...»

Фақири ҳақир, гарibu мусоғир, Раббоний файдаларнинг толиби Фазлуллоҳ ибн Рӯзбекон ал-муштиҳир Хожа Мавлоно Исфаҳоний (Аллоҳ уни улуғ омонликларга етказсин) айтадики, Субҳоний тавғиқлар ва ниҳоний лутфлар билан Ҳазрати Ҳақ таъоло бизга мӯваффақият ато этиб, қутби Раббоний ва Субҳоний сирларининг воқифи Хожа Абдулхолик Фиждувонийнинг ўлганларига уч юз бир йил бўлган ва вафотлари эса олти юз ўн еттида юз берган бўлиб, мазкур тарихда уларнинг муқаддас мозорларини зиборат қилдик. Ҳақ таъоло Онҳазратнинг муқаддас ботинларидаги олий файзлардан бизнинг кўнглимини оқувчи ва этиб турувчи қиласин. Онҳазратнинг васиятларини уч кун ичида шарҳ қилдик.

«МАҚОМОТИ ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ» ҲАҚИДА

Фазлуллоҳ ибн Рӯзбеҳоннинг «Маноқиб»идан ташқари, форс тилида ёзилган, муаллифи номаълум «Мақомоти Хожа Абдулхолик Фиждувоний» («Хожа Абдулхолик Фиждувонийнинг ҳаёт йўли») номли асар им бор. «Мақомот» Хожа Абдулхолик Фиждувонийнида ёзилган турли манбалар ҳамда Фиждувонийнинг ўзи ёзган рисолалар асосида бунёд этилган. «Мақомот» Фиждувонийнинг ота-онаси ҳақидағи маълумот ва Шайхнинг туғилиши баёни билан бошланади.

«Мақомот»дан Фиждувонийнинг қароматлари ҳам урин олган. Бундан ташқари унда Шайхнинг халифлари ва улар томонидан амалга оширилган ишлар тасвиirlанган. Унда яна Фиждувонийнинг бир неча рубоийсини ўқиш мумкин.

«Мақомот»нинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Қўллётмалар хазинасида сақланмоқда. Бу сүлбозма 1817 йили Мир Саййид Қори ибн Мирактужа Бухорий томонидан кўчирилган. «Мақомот»нинг қачон ва ким томонидан ёзилгани номаълум. Рисола анъанага зид ҳолда Аллоҳ ҳамди ва Расул шартисиз бошланади. Бундан эса у бошланиш қисми пўқолган нусхадан кўчирилган бўлса керак, деган улоса чиқади.

Биз «Мақомот»нинг таржимаси устида ишлаётиб, тароннинг машҳур олимни Саъид Нафисийнинг бир адқиқотига дуч келиб қолдик. Олим Абдулхолик Фиждувонийнинг «Рисолай соҳибийя» («Дўстлик ҳақида рисола») ёки бошқача «Мақомоти Хожа Юсуф Амадоний» асарини нашрга тайёрлаган ва унга му-

қаддима ёзган экан.¹ Саъид Нафисий бугун биз тил га олаётган «Мақомот»нинг бир нусхасига эга бўлган. Бироқ унинг нусхасида ҳам муаллиф ўз номини кўрсатмаган. Саъид Нафисий бу «Мақомот»ни «Мақомоти Хожа Абдулхолик Фиждувоний ва Хожа Орифи Ревгари» («Хожа Абдулхолик Фиждувоний ва Хожа Ориф Ревгари мақомоти») деб атайди. Ҳақиқатан, «Мақомот»да Фиждувонийнинг халифа си Хожа Ориф Ревгари ҳақида ҳам ҳикоятлар бўлиб, бироқ сўз асосан Фиждувоний ҳақида кетади.

«Мақомоти Хожа Абдулхолик Фиждувоний» рисоласи Фиждувоний ва унинг ҳаётини ўрганишда ва ёритишда шубҳасиз катта қимматга эга.

¹Рисолаи Соҳибийя бо муқаддима ва тасҳиҳи Саъид Нафисий. Фарҳанги Эронзамин, жилди аввал, соли 1332.

Мақомоти Хожа Абдулхолик ФИЖДУВОНИЙ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Шайхи Раббоний, муршиди Самадоний, Шайх Абу Йусуф ибн Яъқуб Ҳамадоний, Аллоҳ ул зотнинг руҳини муқаддас қиссин, «Мақомот»ларида мазкурдирли, улар билан бирга ўн бир киши келган эдилар. Улардан биринчиси Абу Мусо Ҳодим, иккинчиси ғондаи заиф Абдулхолик, учинчиси имом Яхё Фодварий, тўртинчиси Хожа Исҳоқ, бешинчиси Хожа Раббот, олтинчиси Хожа Закариёнинг биродарзодаси, еттинчиси Хожа Одам Нишоварий, саккизинчи-си Хожа Муҳаммад Ҳаким Балхий, тўққизинчиси Хожа Жаҳандо, ўнинчиси Хожа Қурайш, ўн бирин-чиси Бобо Салмон Орифи турк эди.

Шайхимиз Шайх Юсуфнинг, сирлари муқаддас бўлсин, Самарқанд вилоятига келишларининг сабаби шу эдики, Хожа Ҳамидудин Тамнонний вилоятга кетган ва бундан олти йил ўтган эди. Ҳазрати Хожа Ҳизр, унга саломлар бўлсин, Малотия вилоятида эдилар. Бу ерда Имоми Молик, унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, наслидан бўлган бир киши бор эди. Оти Абдулжамил эди. Ёши эса бир юз ўн учга борган эди. Аллоҳдан фарзанд тилар эди.

Алқисса, Малотия подшосига қарши бир душман пайдо бўлди. Уни мамлакатдан қувиб чиқарди ва юргни олди. Малотия подшоси дашту тоғ ва саҳроларда кезиб юрарди. Соқол ва қошлигини қириб юборган эди. Тасодифдан бўлиб, подшо ўша Абдулжамилнинг уйига келиб қолди. Подшо бир неча кундан бўён туз тотимаган эди. Шу хона соҳибидан таом сўрайман, деб хаёл қилди у.

Подшо уй эшигига яқинлашганда ичкаридан чиқаётган таом хиди димогига урилди. У бир кекса кишини кўрди ва румий тилида унга салом берди. Сўнг:

— Шу вилоят лашкаридан бўламан, бир неча кундан бўён таом еганим йўқ! — деди.

— Ичкарига кир! — дедилар Хожа Абдулжамил.

Подшо ичкарига кирди. Унга таъзим қилиб, ўтиришга буюрдилар. Сўнг дедилар:

— Таҳорат қил!

Подшо таҳорат қилгандан сўнг унга:

— Шукри вузувни бажо қил! — дедилар.

Подшо шукри вузувни адо қилиб бўлгач, Хожа неъматга тўла бир хонни келтириб, подшонинг олдига қўйдилар. Подшо неъматлардан кўнгли тусага ника тановул қилди. Шундан сўнг Хожа подшонин либосларини ювдилар, сочу соқолларини тарошладилар ва уйқуга ётқиздилар.

Подшо уйқудан тургач, йифи тутди ва узоқ йиғлади. Хожа Абдулжамил ундан:

— Йигининг сабаби нима? — деб сўрадилар.

— Айта олмайман! — деди подшо.

Хожа Абдулжамил қасамёд қилиб:

— Айтавер, уялма! — дедилар.

Подшо ундан илтифотлар кўргани учун лутф қилган ҳолда:

— Мени танийсанми? — деди.

— Ҳа, — дедилар Хожа. Сўнг Хожа Абдулжамил ундан:

— Вилоятни қўлга олишни хоҳдайсанми? — деб сўрадилар.

— Нега хоҳламай, — деди подшо, — аёлим ва болаларим номаҳрамларнинг қўлида қолган.

Хожа Абдулжамил:

— Агар вилоятни қўлга олсанг, қизингни менга берасанми? — дедилар.

Подшо қабул қилди. Шунда Хожа унга:

— Сен отам Имоми Молик, Аллоҳ унга раҳматини сочсин, қабрлари қошида арбаъин (қирқ кунлик чилла) ўтиришинг керак, — дедилар.

Подшо қабул қилди. Бориб, Имоми Молик, Аллоҳ унга раҳматини сочсин, қабрлари қошида арбаъин ўтириди. Малотияни тортиб олган подшо зулм қўли-

ни одамлар ва уларнинг молига чўзган эди ва халқ-нинг фарёдини кўкка чиқарган эди. Халқ, начор ахволда қолиб, ўзларининг аввалги подшоларини қидирап, бироқ тополмас эдилар.

Халқнинг улуғлари Хожа Абдулжамил ҳузурига олиб, ахволларини арз қилдилар. Шунда Хожа Абдулжамил уларга дедилар:

— Бошида мен сизларга подшо билан бирга пўлинглар, жангга киришинглар, деган эдим. Сизлар қулоқ солмадингизлар. Энди жазоларингизни тортиб ётаверинглар!

Улуғлар фарёд чекиб:

— Бизга аввалги подшомиз керак! — дедилар.

Хожа уларга:

— Тун кириши билан совут кийиб, жанг қуролла-рингизни ҳозирланглар. Подшонинг ухлайдиган хонасига кириб, дарҳол ўлдиринглар, амирларни эса бандга олинглар. Шунда мен бориб, подшоҳингизни олиб келаман! — дедилар.

Хожа халқни жўнатиб юбориб, ўзи Имоми Молик зиёратига отландилар. У ерда озиб-тўзиб кетган подшони қўрдилар. Подшонинг назари Хожага тушиши билан дарҳол ўрнидан турди ва таъзим бажо қиласди. Ундан мамлакатнинг ахволи ҳақида савол қиласди. Хожа дедилар:

— Вилоятни сенга таслим қилдик, ўрнингдан турна отга мин!

Подшо бу хушхабарни эшиттач:

— Менинг қизимни қабул қилинг! — деди.

Хожа Абдулжамил вилоят азизларини йифиб, подшонинг қизини никоҳига олдилар, сўнг Рум томонга юз қўйдилар. Румнинг улуғлари, бойу камбағаллари Хожанинг истиқболига чиқдилар. Улар Хожанинг айттанини амалга оширган ва подшонинг хабарига мунтазир бўлиб турган эдилар. Подшо келгач, барчалари чиқиб, подшони тахтга ўтқиздилар. Унинг душманларини бирма-бир ҳалок қилдилар. Кўпларининг оёғига оғир занжирлар уриб, подшо ҳузурига келтирдилар. Подшо уларнинг барчасини қатл этишга буюрди.

Шундан сўнг, подшо Рум шаҳрини безатишга бу юрди ва қизини Хожага топшириди. Худойи таъюл о Хожага подшо қизидан бир ўғил ато қилди. Отиш Абдулхолик қўйди. Бу номни эса Хожа Хизр, унга саломлар бўлсин, ихтиёр қилган эдилар. Фарзанд йигирма икки ёшта тўлгач, Ҳазрати Хожа Хизр уларни Хожа Юсуф Ҳамадоний, унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, ҳузурига олиб бордилар. Бузругвор Шайх Хожа Хизр, унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, ҳузур ларида Хожа Абдулхоликқа зикри дил талқинини таълим бердилар. Хожа Хизр уларни Хожа Юсуф Ҳамадонийга, Аллоҳ, унга раҳматини сочсин, топширидилар.

Ҳазрати Хожа Абдулхолик, айтган рубоийлардан бир нечтаси мазкур саҳифага ёзилди. Рубоий:

Жоно, лабам аз зикри ту хомуш мабод,
Ёди ту зи хотирам фаромуш мабод.
Ҳар жо зи шамойилат ҳадисе гўянд,
Зарроти вужуди ман бажузи гўш мабод.

(Эй жонон, менинг лабим сенинг зикрингдан тўхтамасин,
Сенинг ёдинг хотирамдан асло ўчмасин.
Қаердаки сенинг шамойилинг ҳақида сўзласалар,
Вужудимнинг зарралари қулоқдан ўзга бўлмасин).

Рубоий:

Они ту, ки аз номи ту борад ишқ,
Аз номаву пайғому ту борад ишқ.
Ошиқ шавад он кас, ки ба кўят бигзарад,
Гўё зи дару боми ту борад ишқ.
(Сен шундай Зотсанки, номингдан ишқ ёғади,
Нома ва пайғомингдан ишқ ёғади.
Кўчангдан ўтган ҳар бир киши Сенга ошиқ бўлади,
Гўёки эшигу томингдан ишқ ёғади).

Рубоий:

Жоно, зи ту то бачанд андуҳ, кашам,
Ин бори ғами гарон чун куҳ, кашам.
Дилдор агар туйи, дилдода манам,
Андуҳ, кашам аз туву анбуҳ, кашам.

— Жи он, сендан қачонгача андуҳ тортаман,
Токайгача бу тоғдек оғир юкни тортаман.
— Ош күнгил олувчи бўлсанг, мен сенга кўнгил берувчиман,
Сендан андуҳ тортаман, андуҳни ғоят кўп тортаман).

Рубоий:

З-ин гуна, ки жилва он диловез кунад,
Ошиқ аз бало чигуна парҳез кунад.
Бод аст маломати касон дар гўшам,
Лекин боди, ки оташам тез кунад.

(Ши дилни тортувчи бу тариқа жилва қилса,
Шиқ балодан қандай қутулсин?
Шамларнинг маломати қулоғимга шамол бўлиб тегади,
Широқ бу шамол оловимни кучайтиради).

Нақл қилинишича, Хожай Бузруг (Хожа Абдулхолик) қаддасаллоҳу таъоло руҳаҳу тариқат асҳоблари билан ўтириб, илми ладунний музокараси билан машгул эдилар. Мубоҳаса асносида Хожа Абдулхолик, ўнга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, тафаккурга чўмдизар ва хаёлни сир ҳамда хуфялар оламига юбордизар. Асҳобларнинг барчаси Хожанинг жонпарвар ӯзларини эшитиш учун хушёрик қулоғини тутиб турадилар. Шунда Хожа дедилар:

— Эй фарзандларим, ҳозир бўлингки, бир марди наидон, яъни Яссавий Ато давлатининг байроғи ва қадатининг ноғораси навозишга кирди. Аллоҳ таъоло тавфиқи билан тез орада бу содик дарвиш етиб келур. Кўплар сухбат шарафига ноил бўлурлар!

Бу сўзларни айтиб туриб, сўрадилар:

— Ичингизда ким бордурки, мусоғирларга хизмат камарини боғлагай?

Ўтирганлардан ҳеч ким жавоб бермади. Хожай Бузрук (Абдулхолик)нинг зоҳир ва ботин назарлари Хожа Сиддикқа тушди. Шу онда у ўрнидан турди ва деди:

— Агар Хожа ижозат берсалар, бу бандайи заиф уша соҳиб давлатларнинг хизматлари шарафига қиём үргузса!

Хожа (Абдулхолик) раҳматуллоҳи алайҳ, унга кўп ауойи хайр қилдилар ва дедилар:

— Эй фарзанд, керакли нарсалардан эҳтиёжга яраша ол!

У ўша онда амрга амал қилди. Керакли бойликдан айтилганини жамоат ҳузурида олди.

Шу пайт хабарчи келиб, мусофиirlар етиб келгани ҳақидаги муждани етказди. Хожа Абдулхолик Хожа Сиддиқни истиқбол учун чиқарди. Уларни машойихлар орасида одат бўлган эъзозу икром билан авлиёларнинг такягоҳи бўлган бизнинг хонақоҳга туширдилар ва Илоҳий мамлакат тахти узра асҳоблар музокара ва мунозарага мушарраф бўлдилар.

Бир неча кунни шу тариқа сухбатда ўтказдилар. Биз шикаста дил тариқат асҳобларгаким, сийналаримиз хазинаси Аллоҳ, таълононинг раҳмат ганжинаси эрди, дуру жавоҳирлардан тўлифу мукаммал нисор қилдилар.

Сафар муддати поёнига етгач, мусофиirlар қайтдилар. Хожа Сиддиқ алайҳир-раҳма керакли молни нуқсонсиз Хожа ҳузурига келтирдилар. Хожаи Бузрут алайҳир-раҳма кулбадагиларга насибасига яраша инъом қилдилар. Барчалари қабул қилдилар. Навбат Хожа Сиддиққа етгач, у қабул қилмади. Хожа Калон алайҳир-раҳма қанчалик зўрламасинлар, барибир ижобат қилмади. Шундан сўнг Хожа Калон Хожа Аҳмад Сиддиқ ҳақларига чексиз сано ва беҳад мақтовлар айтдилар ва дедилар:

— Эй фарзанд, сен тарки дунё (бойликни тарк) қилганинг учун арвоҳлар олами сенга насиб бўлди. Сен мусофиirlар хизматини ўзингга лозим тут, токи икки жаҳон саодати ва боқий давлат сенга муяссар бўлгай!

Бул бузругворнинг шу назарлари туфайли у тариқат асҳобларининг пешвоси ва ҳақиқат арбобларининг қибласига айланди.

Нақл қилинишича, тариқат асҳобларидан бири Хожа Абдулхоликни зиёфатга таклиф этган эди. Хожа зиёфатда ҳозир бўлдилар ва ҳеч нарса емадилар. Зиёфат соҳиби ейишни ўтиниб сўради. Хожа дедилар:

— Хамир қорған киши бетаҳорат бўлган экан, биз учун бу таомдан емоқ жоиз эмаски, ундан еб вақтимизни форат қилмагаймиз!

Суриштириб кўришса, ахвол Хожа айтгандек бўлган экан.

Нақл қилинишича, Ҳазрати Хожа Абдулхолик алайҳир-раҳма шундай деганлар:

— Агар биздан ёки бизнинг қабримиздан бир пашша учиб чиқиб, бирорвга қўнса, Худойи таъоло қиёмат куни уни дўзах оловидан асрамаса, ҳаргиз ором олмагайман!

Ҳазрати Хожа Орифи Ревгарий равваҳаллоҳу руҳҳау «Мақомот»ида ёзиладики, у авлиёлар қутби, мусаффолар пешвоси, хомушлик анҳорининг сокиши, висол Каъбасининг восили, фазилатлар зулолининг азизи, руҳоний саробининг зийнаткаши, Ҳазрати Яздонийнинг муқарраби, маъно тариқатининг голики, Хожа Орифи Ревгарий, қуддиса сирруҳу, шлигидан Ҳазрати Хожа Хизр алайҳис-саломнинг иноятларини топган эдилар. Бу воқеа шундай юз берган эди: Хожа Ориф алайҳир-раҳма Хожа Абдулхолик, мактабининг шогирдларидан эдилар. Ҳазрати Хожа Хизр алайҳис-салом Ҳазрати Хожа Абдулхолик ҳузурларига боргандарида, Хожа Ориф алайҳир-раҳма ухлаб қолмаслик учун кўзларини тузга тўлдириб олган эдилар. Ҳазрати Хожа Хизр алайҳис-салом бу ҳолни мушоҳада қилиб, шафқат қўлларини Хожа Орифнинг бошларига қўйдилар. Хожа Ориф Ҳазрати Хожа Хизр алайҳис-саломнинг нафаслари баракати билан шундай улуғ даража топдилар. Байт:

Ориф зи ҳазор подшоҳ, афзун аст,
Доим ба ҳузури Ҳазрати бечун аст.
Ту кай дони, ки ҳоли Ориф чун аст,
Бо ту ба жаҳону аз жаҳон берун аст.

(Ориф Ревгарий минглаб подшоҳдан ҳам ортиқроқдур.
У доимо Ҳазрати Ҳақ ёди билан ҳозирдир.
Сен Орифнинг ҳоли қандай эканини қаёқдан биласан,
У оламда сен билан бўлса ҳам, бироқ оламдан ташқаридадир).

Билгинки, Худойи таъоло дўстларининг назарла-рида улуф таъсиirlар бор.

Нақл қилинишича, султон ул-машойих Абу Саъид Абулхайр қуддиса сирруху Ҳазрати Хожа Ориф ҳақида шундай илтифот қилиб: «Хожа Ориф хона-дони доимо маъмур бўлсин!» — деган эдилар. Бу дуонинг сабаби қуйидагича эди: Ҳазрати Хожа Ориф-нинг ходимларидан бўлган Мухаммад Ходим бир куни Ҳазрати Хожа Орифдан Шайх Абу Саъид хизматига бориш учун ижозат сўради. «Боришнинг сабаби нима?» деб сўрадилар Хожа. Ходим деди: «Ҳар ким Шайх Абу Саъид ҳузурларига борса, учта қафо (шапалоқ) ер экан. Шоядки, шайхнинг қўллари менинг бошимга етса, бунинг баракатидан Худойи таъоло менга раҳмат қилса».

Ҳазрати Хожа Ориф Ходимга рухсат бердилар. Ходим кетди ва Шайх ҳузурига етди. Шайх хонақоҳга киришга рухсат бердилар. Ходим хонақоҳга Шайхдан аввал кирди. Дастурхон ҳозир қилинди. Шайхнинг ўзлари Мухаммад Ходимнинг қўлига сув қўйдилар. Мухаммад Ходим қўлинни артмади. Шундан сўнг Ходим чап томони билан таом ейишга бошлиди. Шайх ундан: «Исминг нима?» деб сўрадилар. Ходим эса: «Маъзур тутсинглар, оғзимнинг ўнг томони шамоллаб шишган» деб жавоб берди. Шайхнинг асҳоблари табассум қилдилар. Шунда Шайх: «Ҳақ таъоло сенинг шайхингнинг хонадонини маъмур қилсан!»—деб дуо қилдилар.

Нақл қилинишича, каромат аҳлидан бўлган бир жамоат ҳавога учдилар ва Хожаи Жаҳон (Абдулхолик) хоналарига тушдилар. Ҳазрати Хожа Абдулхолик Ходимга:

— Бу жамоатни хонадан ҳайдаб чиқарингки, шариатга хилоф иш тутдилар!—деб айтдилар.

Нақл қилинишича, Хожа Абдулхолик алайҳир-раҳма бир куни толиб дўстларга дарс айтиш билан машгул эдилар. Ярамас кишилардан бир жамоат уларнинг ёнларида зиёфат ўюнтириб, фасод ишлар билан шуғуллана бошладилар. Баланд қасрнинг устига

чикиб, ароқ ичардилар. Бу фосиқларнинг ўйин-кул-гилари толибларниң қулоқларига киради ва Раббоний қалималарни тўлиқ эшитишларида нуқсон пайдо қилас эди. Ҳазрати Хожа Ориф алайҳир-раҳма уларни бу ҳолдан манъ қилдилар. Сўнг барча дўстлари билан ташқари чиқиб, намоз ўқиладиган хонақоҳ олдига келдилар ва Ҳазрати Рабб ул-Арбобга юзландилар. Раббоний боргоҳнинг пири Хожа Ориф бу Шайтоний сифат тулкиларга ҳайбат назари билан бокдилар. Шу пайт улардан бири бошқаси билан жанжал бошлади ва унга тифурди. Бошқаси эса унинг ёқасидан тутди ва ҳар иккови қаср устидан ерга қулақ тушиб, ҳалок бўлдилар. Сал ўтмай, уларнинг орасига фитна олови тушди. Жанжал бошладилар ва улардан тўрттаси ўлдирилди. Асҳоблардан бири хонақоҳга кириб, можаро ҳақида Хожа Абдулхолик алайҳир-раҳмага хабар қилди. Ҳазрати Хожа: — Орифни қидириб топинглар! — деб буюрдилар.

Ташқари чиқдилар ва Хожа Орифни намоз ўқиётган ҳолда топдилар. Бу ҳақда Хожа Абдулхоликқа хабар бердилар. Ҳазрати Хожа муборак қадамларини ташқарига қўйдилар ва Хожа Орифнинг қўлларидан тутиб дедилар:

— Эй фарзанд, тарбият ҳайбат ва ҳалокат учун мас, хизмат ва марҳамат учундир!

Нақл қилинишича, Ҳазрати Хожа Абдулхолик қудиса сирруҳу ўтирган эдилар ва уларнинг мулозаматларида Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиё ва Хожа Гарив раҳимаҳумуллоҳлар бор эди. Бу соҳиб давлатларнинг ҳар бири кўнгилларида: «Хожа Ориф биздан ёши улуғ ва қуввати кам, бироқ Хожа Абдулхоликнинг иноят назарлари унга кўпроқ, нега шундай?» — деган фикр мавжуд эди. Ҳазрати Хожа Калон каромат нури билан уларнинг фикридан огох бўлиб:

— Эй фарзандларим, Орифни қидириб топинглар! — дедилар.

Хожанинг ҳукмлари бўйича уларнинг ҳар бирлари Хожа Орифни қидиришга чиқиб кетдилар ва

уларни вайрона масжиддан топдиларки, гавҳардек нур сочиб турадилар, бошларига эса Каъба соя со либ турганини очиқ ва равшан қўрдилар. Асҳоблар нинг барчаси Хожа Орифнинг оёғига йиқилдилар ва Хожа Калоннинг бу зоҳир кароматига оғарин ўқидилар.

Нақл қилинишича, она Бухорода бир дилкуш манзил ва бир руҳафзо мавзе бўлиб, у Ниёзобод номи билан машҳур эди. Бу мақомда сафо аҳли ва сафо арбоблари бўлиб, уларнинг барчалари Ҳақ та лаби билан машғул ва ҳаммаси машойихлар ирода ти билан мавсуф эди. Барчасининг орзуси битта – Хожа Орифнинг жаҳоноро жамоли ва жаҳоннамо висолига мушарраф бўлиш ҳамда бу дунё ва охират нинг саодатига эришиш эди. Бу жамоатнинг қулови га Хожа Орифнинг кароматлари ва валоятлари етган ва уларнинг ёқимли сифатлари эштилган эди. Мақомотларидан бири шу эдики, Каъба бу марди даргоҳ, ва мақбули Илоҳ зиёратига келар эди. Бу қабиладан бир жамоат Хожа Ориф ҳузурига бора ва бошқа жамоатни ҳам тарғиб қиласи эди. Баъзила ри эса, сизлар сабр қилингларки, сабр шодмонлик саройининг калити, чунончи, Расул алайҳис-салом «ас-сабру мифтоҳ ул-фараҳ» (сабр шодликлар калити) деганлар, шоядки Ҳазрати Хожа Ориф каромат нури ва валоят қуввати билан қадами муборакларини бул манзилга қўйсалар, дер эдилар.

Бу қабиланинг кўнгил орзусига мувофиқ Ҳазрати Хожа Ориф муборак қадамларни ўша манзилга қўйдилар ва ўша мазор аҳлини ёқимли юzlари билан мунаvvар қилиб, иноят офтоби билан парвариш қилдилар ҳамда марҳамат сояси билан уларнинг дилларига роҳат етқиздилар. Фирдавс мисол бўстонининг висоли билан ўшал мавзени аттор кулбасидек хушбўй қилдилар.

Муаззин аzon айтиб, «қад қомат ис-салот»га етганда, Ҳазрати Хожа намозга юз қўйдилар ва «инний важжаҳту важҳий лиллазий»ни тилга олганла рида дунёдан тамом узилдилар ва Ҳаққа пайваста

булдилар. Ул жамоат бу соҳиб валоятнинг валояти ошкор бўлишини истаганлари учун бир неча бор шиятларини изҳор қилдилар. Хожа уларнинг мақандларини билиб, муборак енглари билан ишорат қилдилар, булут пардасини офтоб юзидан кўтарди-ар ва Каъбанинг ой жамолини бу соҳиб давлатларга кўрсатдилар. Садоқат қадамига эга бўлганлар шукронга саждасига бош қўйдилар, кўнгилларига шубҳа ва гумон бўлганлари эса Ҳазрати Хожа Ориф алайхир-раҳма оёғига йиқилиб, тавба ва истиғфорга мингул бўлдилар. Уларнинг ҳар бирлари соҳиб давлат ва соҳиб валоятга айландилар. Уларнинг шаффорларидан бизларга ҳам насиб этсин!

Накъл қилинишича, Хожа Ориф қуддиса сирруҳушинг мулозаматида дўстлар ва тариқат фарзандлари нулар эди. Бир куни намоздан сўнг дўстлардан бири Хожа Маҳмуд кўнглидан ўтказдики, мен кўп муддатдан буён унинг хизматини кўнгилдагидек қилиб келман, менга унинг мақомот ва кароматидан ҳеч нарса зоҳир бўлганий йўқ, билмасманким, бу ҳол бу фахирнинг нуқсониданми ёки бундай шамойил ва фазилат Ҳазрати Эшоннинг ўзида йўқми? Хожа Ориф бу ҳолни каромат нури билан англади ва хуффони намозидан фориғ бўлганларида Хожа Ориф қуддиса сирруҳу Маҳмудга ўгирилиб: «Эй фарзанд Маҳмуд, мен сен учун ташвиш тортувчиман» — дедилар. Сўнг яна қиблага юзландилар.

Накъл қилинишича, Бухорода бир аёл бўлиб, уни Оиша девона дер эдилар. У яланғоч ҳолда юрарди. Ҳазрати Хожа Абдулхолик раҳматуллоҳи алайхининг бухорога келгани маълум бўлгач, Оиша чопиб бориб, нонвойнинг тандирига кириб одди ва нонвойга: «Тандирнинг оғзини ёп, ҳозиргина бир эркак Бухорога кириб келди!» — деди. Нонвой таажжубда қолиб:

— Бу қандай ҳол? — деди.

Менга либос бер, токи тандирдан чиқай! — деди Оиша.

Нонвой уйига бориб, кўйлак, иштон ва рўмол олиб келиди. Оиша тандир ичида уларни кийди ва тандир-

дан чиқди. Унинг бир тола мўйи ҳам нуқсон топиған эди. Нонвой Оишанинг валоятини кўриб, мига бош қўйди ва деди:

— Сени оловдан сақлаган Худо ҳақи, айт, бу кам дай ҳолат?

Заифай девона унга:

— Бухорога бир эркак келдики, уни ҳақиқити как деса бўлади, шу сабабли кийиниб олдим! Унинг олдига бориб, хизматини топай! Хоҳлашми, сени ҳам ўзим билан олиб бораман, токи сен унинг сұхбатини топ! — деди.

Нонвой ўрнидан туриб, Оиша билан бирга Бузро шахрининг дарвозаси ёнидаги Хожа Абдулхолик қуддиса сирруху тушган ҳовлига бордилар. Хожа Абдулхолик заифага таъзим қилдилар: Нонвой Хожага қўл берди ва зикри дил дарсини олди. У Абдулхоликнинг хизматида бўлиб, охират ишларини ҳаракат қилди ва тариқат йўлини тутувчилардан бирга айланди.

Масъала. Бир киши Хожаи Бузруг (Абдулхолик)нинг ҳузурига келиб:

— Намоздаги хушуъ нима? — деб сўради.

— Намоздаги хушуъ шуки, намозхонга хавф шу даражада ҳоким бўладики, агар унга ўқ отсалар, унинг хабари бўлмайди, — деб жавоб бердилар Хожа. Хожа яна унга:

— Сен учун бу сўзни тушунишга йўл йўқ, шу нинг учун ажабланмоқдасан. Бироқ бу ҳолдан по қиғ бўлганларнинг юраги қонга тўлгандир. Ҳар ким бомдодда ўрнидан турса-ю, кечга ета оладими ўқми, шубҳада бўлса, қандай қилиб ўзидан хабари бўлсин?! — дедилар.

Бу сўзлар ўша кишининг ботинига таъсир қилди, охири ўзидан кетди. Бир оздан сўнг ўзига келгач, деди

— Менга насиҳат сўзини айтсангиз, токи бу насиҳатга амал қилиб, қиёмат куни омон бўлувчилар дан бирига айланай!

Хожа Абдулхолик қуддиса сирруху дедилар:

— Уч нарса борки, ҳар ким бу учни яхши кўрса, Худодан узоқ бўлади. Бу учдан бири шуки, ҳар кимни

хуш таомлардан ейишга ҳарис бўлса, дўзах-
нироқ бўлади, дўзах эса унга яқин бўлади. Ҳар
тасис бойлар билан ўтиришни одат қилса, бош-
ни эса дабдабали либос кийишга интилса. Чунки
нарса ҳавои нафсданdir, ҳар ким ҳавои нафс-
дан юрса, дўзах унинг жойи бўлади. Бу ишлар-
ниҳор узоқ бўл, токи Қиёмат куни ночор ахвол-
га солмагайсан!

*Наш қилинишича, Ҳожа Абдулхолик раҳматуллоҳи
оидин кечада ўз мачитининг томида ибодатга
этилар. Қўшни аёл ўз эри билан жанжал
дерди:*

Саксон йилга яқин бўлибдики, мен сенинг
олмадман. Оч қолдирасанми, яланғоч қўяссанми, ба-
сабр қилдим. Иссиfu совуқдан менга нима
барчасига чидадим. Нимаки келтирсанг, кўпроқ
демадим. Сенинг иззату обрўйингни сақла-
дим, сендан бирор кимсага шикоят қилиб борма-
дим. Буларнинг ҳаммасига чидашимнинг сабаби
то сен меники бўл, мен эса сеники! Агар бошқа
ильтифот қилсанг ёхуд бошқа биронни танла-
дим, кўлим Ҳожа Абдулхоликнинг этагида бўлади,
долатта етмасам қўлимни Ҳожа Абдулхоликнинг
олмайман!

Бу заифанинг сўзларидан кўнглим хуш бўлди ва
ларимдан ёш равон бўлди. Ўзимча фикрлаб дедим:
Ҳожа Абдулхолик, бу заифа Аллоҳ маҳлуқининг му-
лакатида шундай ҳолга етибди, қанчалар меҳнатга
қилибди. Бу сўзлар тариқат йўлидагиларга са-
баби бўлиши керак. Сўнг бу сўзга Қуръондан далил
фикр қилдим ва мана бу оятни топдим. Ху-
таби таъоло буюради: «Инналлоҳа ло йағғиру ан йуш-
нига биҳи ва йағғиру мо дуна золика лиман йашоу».
Аллоҳ таъоло айтади: «Ҳақ ва ростдурки, Ҳудо-
ви таъоло сизларнинг барча гуноҳларингизни ке-
ниди, аммо кўнгил гўшасидан бошқага майл қил-
сангиз ва унга шерик қилсангиз, ҳаргиз кечирмай-
ди. Аллоҳдан паноҳ тилаймизки, агар бошқага соч
оласидек кўнгилда йўл берсанг ёки Ҳазрати Жало-

лимизга нисбатан бошқани танласанг, ҳаргиз биз нинг раҳматимизга етмагайсан! Аллоҳдан куфр ва залолатта тушиб қолишдан паноҳ тилаймиз!

Нақл қилинишича, Хожа Абдулхолик алайҳир-раҳ ма асҳоблари билан Каъбага кетаётган вақтларида йўлда ташналик асҳобларга таъсир қилиб, баоят ташна бўлдилар. Ногоҳ, бир ҷоҳга етиб келдилар, бироқ асҳобларда чеълак ва арқон йўқ эди. Хожаи Бузрукка:

— Асҳоблар ғоят ташнадурлар, бироқ чеълак билан арқон йўқдур, таҳоратга ҳам муҳтождурмиз, — дедилар.

Хожа Абдулхолик раҳматуллоҳи алайҳ;

— Ходимни чақириб келинглар, — деб буюрдилар.

Ходим келгач, унга дедилар:

— Мен қудук олдига бораман ва намоз ўқишига бошлайман, сизлар сувдан ичиб, таҳорат қилинглар.

Асҳобларнинг ҳаммаси ҳозир бўлдилар. Хожа раҳматуллоҳи алайҳ ҳам келдилар ва қудук ёнига жойнамоз солиб, намоз ўқишига киришдилар. Сув қудуқнинг қирғоғига чиқди. Барча сувдан ичиб, таҳорат қилдилар. Шу пайт дўстлардан бири кўза келтириб, кўзани сув билан тўлдирган эди, сув яна қудуқнинг тагига тушиб кетди. Хожа Абдулхолик алайҳир-раҳма:

— Эй, дўстларим, агар сизлар Худога ишонч қўйганларингизда эди, бу сув то Қиёматгача қудук тагига тушиб кетмас эди! — дедилар.

Масъала. Бир дарвиш «Таслим нимадур?» — деб сўради. Хожа Абдулхолик құддиса-сирруҳу дедилар: «Таслим шундай нарсаки, Мийсоқда нафс ва мол Худога сотилган ва жаннат харид қилинган, бугун менга таслим қилурсанки: «Инналлоҳа иштаро минал-мўъминийна анфусаҳум ва амволаҳум биана лаҳумул жанната». Нафс ва мол таслими шу важдан бўлурки, нафсини Ҳақники деб билур, бироқ Ҳақ харжи сифатида кўргай, шу туфайли мол билан ҳам, нафси билан ҳам Худонинг бандаларига яхшилик

иша олсин ва ҳеч кимга миннат қиласин, ўзини уларнинг ботинида деб билсин, молу дунёга ўз ботишидан йўл бермасин ва шунда ўзини Унинг ҳукми ва қозосига таслим қилган бўлади.

Масъала. Бир куни Ҳодим Ҳазрати Эшондан:
— Дилнинг фароғати нима? — деб сўради.

Хожа алайҳир-раҳма дедилар:

— Дил фароғати шундайки, дунё машғулотидан озод бўласан. Чунки Ҳақ таъоло олам Ҳожаси (Рагулуллоҳ)га: «Фаиза фарағта фансаб», яъни «Эй Мұхаммад, барча мавжудотдан фориғ бўл, ўшанда визнинг хизматимизга машғул бўл», — деб буюрди. Бас, Ҳудованди таъолонинг бир тоифа бандалари бордурки, уларни олди-сотди ва ҳалқ билан бўлган муомала Аллоҳ зикридан тўхтата олмайди. Мен уларни яхши кўраманки, Аллоҳ айтди: «Рижолун ло талҳихим тижоратун вало байъун ан зикриллаҳи». Агар қўлингиздан келса, сиз ҳам улардан бўлсангиз, бу сизга муборак бўлур. Агар бундай бўлолмасангиз, унда шундай одамларга молингиз билан хизмат қилинг, уларнинг хотиржамлик, дил фароғати учун тарур воситаларни мухайё қилинг, токи уларнинг давлатлари неъматидан баҳраманд бўлфайсиз. Улар омалга оширган ҳар бир тоат ва ибодат ўша сиз берган луқма орқали юз берар экан, унинг савоби луқма соҳибига ҳам етгай. Уларнинг сўзлари ва камолот даражаларининг савоби соҳиби луқманнинг амаллар девонига битилгай. Ҳар ким уларнинг хизмати ва мұхаббатини кўнглига солса, қиёмат куни унга қайтарилажакки, Ҳазрати Расул алайҳис-салом: «Алмаржиъу аҳиббун», — дебдурлар. Ўша соҳиб давлатларда баъзи вақтлар бўлурки, «ли маъаллоҳ» вақтишинг хосиятига эга бўлур, ўша пайтда Илоҳий жузъиёт тасарруфига қодир бўлурлар. Бу ҳолатда уларнинг нафслари осмон ва замин аҳлиниңг муомалаларини билурки, «Ҳаққа яқин бўлмоқ жин ва одамларнинг амалига тенгдир» сўзининг хазинаслиур. Бу соҳиб давлатларнинг ушбу ҳолидан насиба

шундай пайтда, яъни уларга хизмат қилганда ҳосил бўулурки, Машриқ ва Мағриб ахли бунинг ҳисобини қила олмаслар. Бас, ҳар ким бу дунёда арзимас нарса билан бу тоифанинг хизматини қилса ҳам Ҳақ таъоло унга қанчадан-қанча савоб ва марҳаматларни кўрсатур.

Оlam хожаси Ҳазрати Мухаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрадиларки, дунё ҳоли нарвоннинг мисолига ўхшайдики, бу нарвон билан илийинга чиқса бўлур ёки бу нарвон билан асфал ус-софилийнга кетса бўлур.

Бас, Хожа Абдулхолик раҳматуллоҳи алайҳ дедилар:

— Дунё молини ҳам жаннат даражалари ва Ҳаққа яқинлик даражасига айлантиrsa бўлур ёки дўзахни топиш ва Ҳазрати Ҳақдан узоқлашиш даражасига айлантириш ҳам мумкин. Чунончи, Худойи таъоло саодат кимиёгарлиги билан буюрдики: «Қавлуху таъоло: ваттабиъ фийма отайкаллоҳу дорал охират вала танса насибака минад-дунё», яъни «сенга дунё молу неъматларидан нимаики берган бўлсак, охиратни қидир, дунёдан нимаики насибанг бўлса, уни унутма». Бу шу нарсага ишораки, молу дунёдан сенинг насибанг шу миқдордаки, уни ҳавоий нафс йўлида сарф қилганингдан кўра Худо розилиги йўлида харж қилганинг яхшидир. Кимки молу дунёни ҳавоий нафс йўлида харж этса, Қуръондаги Худо ваъиди (огохлантириши) остида бўлади. «Иннал мубаззирина кону ихвон уш-Шайтон», яъни «Молу дунёни ўз жойига харж қилмаганлар Шайтоннинг биродарлариdir». Демак, ақлли киши ўзини Шайтонга биродар қилмайди ва бунга йўл қўймайди.

Нақл қилинишича, бир куни бир дарвиш Ҳазрати Хожа (Абдулхолик) раҳматуллоҳи алайҳ ҳузурларида:

— Агар Худойи таъоло менга жаннат билан дўзахни танлаш ихтиёрини берганда эди, мен дўзахни танлаган бўлардим, негаки мен ҳаётим давомида ҳавоий нафсим кетидан юрмадим, демак, бу ҳолда жаннат менинг муродим, дўзах Ҳақ таъолонинг муроди бўла-

ди ва мен Ҳақ таълонинг муродини ўз муродимдан устун қўйган бўламан, — деди.

Ҳазрати Хожа раҳматуллоҳи алайҳ унга:

— Бу сўз ақлга мувофиқ эмас, чунки бандада нима ихтиёр бор? Биз Ҳақ таъоло қаерга бор деса, ўша ерга борамиз, қаерда тур деса, ўша ерда турамизки, бандалик асли шудир, сен айтган нарса эмас, — дедилар.

— Ҳақ йўлида юрувчиларга Шайтон йўл топадими-йўқми? — деб сўради дарвиш.

Ҳазрати Хожа алайҳир-раҳма дедилар:

— Одам нафсини ўлдириш даражасига етмаган бўлса, у одам разабга мингандай пайтида, Шайтон унга йўл топади. Бироқ, киши нафсини ўлдириш даражасига етган бўлса, Шайтон қандай йўл топсин! Бироқ Ҳақ томон юз қўйган, Аллоҳ китобини ўнг қўли билан туттган, кеча-кундуз тариқат йўлида бўлган одамга Шайтон доимо дахл қилишда бўлади.

Нақл қилинишича, ошуро кунлари эди, кўпчилик жамоат Ҳазрат Хожа раҳматуллоҳи алайҳ ҳузурларида ўтирган эдилар ва Ҳазрати Хожа эса сўзлар өдилар. Ногоҳ хирқа кийган ва елкасига жойнамоз ташлаган зоҳид сувратидаги бир киши кириб келиб, бир четда ўтирди. Хожа унга бир лаҳза назар солдилар. Бироздан сўнг йигит ўрнидан туриб:

— Расул алайҳис-салом: «Иттакув фаросат алмўмини фаиннаҳу йанзуру би-нуриллаҳи» (яъни, мўмин одамнинг қарashiдан қўрқингларки, у Аллоҳ шури орқали қарайди), — деганлар, бу ҳадиснинг сири шимада? — деб сўради.

Ҳазрати Хожа унга:

— Бу ҳадиснинг сири шуки, зуннорингни кес ва иймон келтир, дегани! — деб жавоб бердилар.

Йигит:

— Худо асрасин, менда зуннор нима қилсин? — Леди.

Ҳазрати Хожа Ходимга ишорат қилдилар. Ходим ўрнидан туриб, унинг хирқасини ечиб олди, хирқа остида зуннор кўриниб турарди. Бу тарсо йигит зуннорини ечиб, дарҳол иймон келтириди.

Ҳазрати Хожа шунда:

— Эй, ёронлар, келинглар, шу йигитта қўшилиб, биз ҳам зуннорларни ечайлик, у зохир зуннорини еди, биз ботин зуннорини ечайлик, у гуноҳдан озод бўлди, биз ҳам озод қилинувчилардан бўлайлик! дедилар.

Ёронлар бу ҳолни қўргач, Ҳазрати Хожа оёқла-рига йиқилишиб, барчалари тавба қилдилар.

Нақл қилинишича, Ҳазрати Хожа Абдулхолик раҳматуллоҳи алайҳнинг бир муриди бўлиб, у бир неча муддат Ҳазрати Хожадан узоқлашиб қолган эди. У ҳар куни туш кўрар, тушида бир гуруҳ жамоат ке-либ, сен камолга эришдинг, дейишар, бир туюни олиб келиб, унга миндирап, сени жаннатга олиб борамиз, дейишар эди. Ҳазрати Хожанинг муриди туюга минар, чиройли ва обод, сўрилар билан безатилган, кўркам, лаззатли таомлар қўйилган, сувлари шар-қираб оқиб турган бир мавзега етиб, тонггача у ерда бўларди. Уйқудан уйғонгач, ўзини савмаъада кўрарди. Шу сабабли унга улуғ банд тушган эди.

Ҳазрати Хожа алайҳир-раҳма бир куни бу ҳолни фаросат нури билан мушоҳада қилиб, бу нодон мурид Шайтоннинг тузогига тушганини билдилар. Ҳазрати Хожа ўринларидан туриб, у ўтирган савмаъага бордилар. Бу номурод муриднинг керилиб ўтирганини кўрдилар. Ундан:

— Қандай мақомга етдинг? — деб сўрадилар.

Мурид бўлган воқеаларни Ҳазрати Хожа алайҳир-раҳмага баён қилиб, бир гуруҳ жамоат келишини, ўзини ундоғу бундоғ мавзега олиб боришлирини айтиб берди. Ҳазрати Хожа унга:

— Бу гал ўша жойга борганингда уч марта «ло ҳавла вало қуввата илла биллаҳил алиййил азийм» калимасини ўқи ва кўзингни оч, қани, нимани кўрар экансан, — дедилар.

У Ҳазрати Хожанинг сўзларини қабул қилди. Яна ўша жойга борган вақтда уч марта «ло ҳавла вало қуввата илла биллаҳил алиййил азийм» калимасини ўқиди. Ўша жамоат унинг олдидан қочишга тушди.

Күзинни очиб, ўзининг ўтирганини, олдига ўликларнинг суюклари қўйилганини кўрди ва бу Шайтоннинг хийласи эканини билди. Дарҳол бу феълидан тавба қилиб, Ҳазрати Хожа алайҳир-раҳманинг ҳузурига келди. Бундан буён Ҳазрати Хожа алайҳир-раҳманнинг хизматидан узоқлашмайман, деб аҳд қилди.

Накъ қилинишича, бир одам узоқдан Ҳазрати Хожа алайҳир-раҳманинг ҳузурига келган эди. Ногоҳ, бошта бир хушсуврат йигит ҳам кириб келиб, Ҳазрати Ҳожадан дуо қилишини сўради. Ҳазрати Хожа унинг қўцига дуо қилдилар. Йигит кўздан йўқ бўлиб кетди. Шу пайт узоқдан келган киши Ҳазрати Ҳожадан:

— Бу киши ким эди, дуо сўради, дуо қилдингиз, рўйдан йўқ бўлиб кетди? — деб сўради.

Ҳазрати Хожа:

— У йигит фаришта эди, унинг мақоми тўртинчи осмон эди, ундан бир айб содир бўлган эди ва Ҳақ таъбою уни ўша мақомдан узоқлаштириб, иккинчи осмонга юборган эди. Бошқа фаришталар унга бизнинг манзилимиздан хабар бериб, бу ерга келди ва биздан дуо қилишни сўради. Биз дуо қилдик, Ҳулоий таъбою унинг ҳақига қилган дуойимни ижобат қилди ва ўз мақомига етказди, — дедилар.

Мусоғир:

— Эй Хожа, иймонимнинг бақувват бўлиши учун менга ҳам дуо қилинг, токи Шайтоннинг домидан ион-омон қутулиб юрай! — деди.

Ҳазрати Хожа:

— Шундай ваъда борки, ҳар ким фарз намознинг адосидан сўнг дуо қилса, дуоси мустажоб бўлади. Тавбани ишга сол ва фарзнинг адосидан сўнг мени ёдга ол ва биз ҳам сени ёдга олурмиз. Шоядки, шундай ижобат нишони сенга ҳам, бизга ҳам зоҳир бўлса!

дедилар.

Накъ қилинишича, олам кўклам билан жилвагар бўлган баҳор кунларида Ҳазрати Хожа Абдулхолик ўз боғларида иш билан машғул эдилар ва тақво либоси ҳисобланган хирқаларини бир четга қўйиб қўйган эдилар. Хожа Хизр алайҳис-салом табаррук

тариқасида Хожанинг либосини олдилар ва Ҳолм ҳузурига олиб келдилар. Ҳожа Абдулхолик қуддиса сирруҳу:

— Обиҳаётни ушлаган қўлингиз билан бизнинг либосимизни ушлашингиз лойиқ эмас! — дедилар

Нақл қилинишича, Ҳазрати Ҳожа Хизр алайҳи салом Ҳожа Абдулхоликқа: — Ўзаро сухбат қуранлик, — дедилар.

Ҳожа Абдулхолик уларга:

— Сиз обиҳаёт ичиб, тирикликни қидирасиз, бин қадамимизни фано (йўқлик) оламига қўйиб, фано (йўқлик)ни қидирамиз, қандай қилиб, биз сухбат дош бўла оламиз? — деб жавоб бердилар.

Нақл қилинишича, муршиди рашид ва соҳиби тавҳид Нажмулдин Кубро қуддиса сирруҳу Чингизхон хуруж қилиб чиққан замонда, бомдоддан сўнг дўстлар унинг хизматига келишган вақтда, тафак курга чўмдилар. Сўнг бошларини кўтариб, дўстларни қараб дедилар:

— Бу диёрга бало юз тутажак ва бу диёр аҳлига бу бало етажак. Бу балони даф қила оладиган соҳиб давлат киши бизнинг биродаримиздир 'ва у султонлик салтанатининг садри Ҳожа Абдулхолик Фиждувоний қуддиса сирруҳудур!

Сўнг икки муридини Ҳазрати Ҳожа (Абдулхолик) нинг ҳузурига юбордилар ва уларга: «Биродаримиздан илтимос қилингларки, бало айёмида Ҳолиқи Зул-Жалолдан нажот оятларини ўқиб, дуо ва тазаррут юзасидан илтижо қилсинлар, токи уларнинг дуолари баракатидан мўъминлар нажот топсинлар!

Қосидлар Бухоро томон йўлга тушдилар. Йўлда бир карвонга дуч келдилар ва Ҳазрати Ҳожа раҳматуллоҳи алайҳининг аҳволи ҳақида сўрадилар. Карвондагилар:

— Ҳазрати Ҳожанинг жанозаларини ўқиб, Бухордан чиқиб келяпмиз, — дедилар.

— Бухоро халқининг аҳволи қандай бўлди? — деб сўрадилар.

Улар:

Ерг олам уларга қоронғи бўлди ва уларнинг
масида қиёмат қўпди! — деб жавоб бердилар.

Косидлар қайтдилар ва аҳволни Шайх Нажмудин Куброда маълум қилиб, улар ҳаёт уловини йўқлик
олами сари сурибдилар, деб айтдилар.

Шайх ёш тўла кўзлари билан Рабб ул-Арбоб (Аллоҳ)нинг ваъдаи савобини Китоб (Қуръон) саҳифа-
сиди: «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун» («Биз
хаммамиз Аллоҳникимиз ва ҳаммамиз Аллоҳга қай-
тичимиз») — деб ўқидилар. Сўнг дедилар:

Ҳақ таъоло бир қавм устига бирор бало ёки
житна юбормоқчи бўлса, ўша қавм орасидан ўз ва-
миини чиқаради, сўнг балони юборади. Демак, бу
бало албатта келувчи ва фитна юз берувчибур!

Нақл қилинишича, Ҳазрати Хожа Абдулхолик
алайхир-раҳма буюрдилар:

Бирор кишида беш хислат кўрмагунингча у
пилан дўстлик қиласа. Биринчиси — бойдан фақир-
ши афзал билмаса. Иккинчиси — амални илмдан аф-
зала билмаса. Учинчиси — иззатдан хорликни афзал
билмаса. Тўртинчиси — ошкоро ва пинҳоний илм-
дардан хабардор бўлмаса. Бешинчи — ўлимга тайёр
булмаса.

Нақл қилинишича, Хожа Абдулхолик қуддиса сир-
рухудан сўрадилар:

Тариқатингиз соҳибларига икки олам давлати,
абодий саодат ва Парвардигор ризоси қаердан келган?

Ҳазрати Хожа:

— Ишладик ва едик, — дедилар.

Асҳоблар:

— Бу сўзларни шарҳлаб берсангиз, — дедилар.

Хожа дедилар:

— Эй покиза қалбли дарвишлар, Пайғамбар алай-
ис-салом ҳадисига мувофиқ иш қилдик ва мўъмин
биродарлар ғамини едик. Ҳалол молдан нимаики
тотиган бўлсак, уларга нафақа қилдик. Борди-ю, сиз-
лар ҳам бу давлатга етишни хоҳласангиз, мазкур
насиҳатларга амал қилинг!

Накъ қилинишича, Хожа Бузруг (Абдулхолик) мулозаматларида асҳоблар кўп бўлиб, улар улуғ мотабаларга эришган эдилар. Улардан Хожа Сиддиқ қуддиса сирруҳу бўлиб, улуғ мақомга етган эди улуғ мақомотлар ва фавқулодда кароматлар соҳиб эди. Мақомотларида бири шундайки, бирорта му софир Хожа Абдулхолик раҳматуллоҳи алайҳи ҳузурларига келса, Хожа Сиддиқ Ҳазрати Хожанинг ишоралари билан келган мусофиirlарга кўз очиб юнгунча емиш дастурхонини ҳозир қиласа эди.

Эй одамлар, авлиёларнинг кароматини Ҳақ билинг, подшолик боргоҳининг соҳиб валоятлари мақомотларини ҳақиқий деб ҳисобланг, меҳрибонлик назарини ташувчилар деб тушунинг, суҳбатларини офтоб каби қадрланг, уларга ҳимматингизни қаратинг. Шундай қилсангиз, шояд Аллоҳнинг тағфиқи сизга рафиқ бўлиб, азизларнинг ахлоқи тарбиясидан шундай саодатга етсангиз!

Нақъ қилинишича, Ҳазрати Хожа оламдан ўтари вақтларида, агар ижозат берганларида эди, уларни муридлари Ҳазрати Хожанинг қабрларини олти билан кўтарар эдилар. Бироқ улар қабрларини иморат қилмасликни васият қилган эдилар. Уларни мунаввар қабрларини иморат қилишга ҳеч кимни ҳадди йўқ эди, шу сабабли шундайлигича қолди. Вадлоҳу аълам би-с-савоб.

* * *

«Мақомоти Ҳазрати Хожа Абдулхолик» («Ҳазрати Хожа Абдулхолик Фиждувонийнинг мақомоти») номли бу китоб якшанба куни, сафар ойининг (хайрият ва зафар билан тугасин) ўн саккизинчи куни 1233 санада (1817 й.) бандаларнинг ҳақирроғи наосийларнинг бахтсизроғи Мир Сайид Мухаммад Кори ибн Миракхўжа Бухорий қўли билан ёзиб туғалланди.

ТОҲИР ЭШОННИНГ «ТАЗКИРАИ НАҚШБАНДИЯ» АСАРИДА ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ ЗИКРИ

Тоҳир Эшоннинг «Тазкираи нақшбандия» асарини тасаввуф тарихини ўрганишда муҳим манбаларни ҳисобланади. Унда 300 дан ортиқ шайхларнинг оржимай ҳоллари баён қилинган. Тазкиранинг бошса монбалардан фарқи шуки, унда муаллиф шу соғина оид жуда кўп асарлардан фойдаланган.

Тоҳир Эшон хожагон тариқати асосчилари ҳақида муҳим маълумотларни келтиради. У асарида айниқса Абдулхолик Фиждувонийга кенг жой ажратиб, ундан шайхга ўзининг катта ҳурматини изҳор қиласа. Фиждувонийга бағищланган бўлимда шайхнинг орти ва фаолиятини мукаммал ёритади. Айниқса, хожагон тариқатида муҳим бўлган 11 та қоида асарни ўз аксини топган. Фиждувонийнинг бу борадаги фикрлари ҳам тўлиғича келтирилган.

Тоҳир Эшон Фиждувоний ҳақида ажойиб байтларни иншо қилган. Чунончи, у ёзади:

Дар шариат фариди вақту замон,
Дар тариқат ваҳиди қутби жаҳон.
(Шариатда вақт ва замоннинг ягонаси,
Тариқатда жаҳон қутбларининг яккаю ёлғизи).

Тазкирада Фиждувонийнинг шеърларидан ҳам айни номуналар келтирилган.

Тоҳир Эшон рисолада ўзининг Фиждувонийга бўлган ҳурмат ва эҳтиромини қуидагича баён қиласа. «Эмди бу рисолани ўқугувчи ёр ва биродарларни умид улдурким, ҳар вақт ушбу китобни мутолаа бўлиб, Ҳазрати Ҳожаи Жаҳон Ҳожа Абдулхолик Фиждувоний алайҳир-раҳманинг баёнига етишур фисолар, керакдурким, ул жанобнинг руҳи шарифига бир мартаба сурай Фотиҳа ва уч мартаба сурай Иллас ва уч навбат салавоти шариф ўқиб баҳш қиласа.

гайлар. Ва муроду мақсадларин ул жанобнинг ри
ниятидин талаб этгайлар».

Тоҳир Эшоннинг «Тазкираси» форс тилида
ган, кейинчалик эски ўзбек тилига таржима
ган. Қўйида ана шу таржимадан Фиждувоний
ги маълумотларнинг табдили берилмоқда.

БАЁНИ СИЛСИЛАИ ХОЖАГОНИ НАҚШБАНДИ *қаддасаллоҳу арвоҳаҳум¹*

Эмди арбоби биниш ва асҳоби дониш биро
ларнинг замири мунийр ва шафқати таҳмириро
махфий ва пушида бўлмасунким, Ҳазрати Хожа
олийшаш қаддасаллоҳу арвоҳаҳумларнинг силса
баёнига шуруъ қилурмиз. Иншоаллоҳу таъло
явмина ҳазо то аввалидин бошлаб ахийриғача иш
сор тариқида ала қадрит-тоқат ажзу инкисорли
миз бирла баён қилгумиздур, то инки бу бузругш
ларни эшитгувчилар файз топиб баҳраманд бўлга
лар, валлоҳу-л-ҳодий ила-с-сиротил мустақни
би-авниҳи ва иноятиҳи (Аллоҳ, ўзининг қўмаги
инояти билан тўғри йўлга бошловчиdir).

БУ ФАСЛ ҲАЗРАТИ ХОЖАИ ЖАҲОН ШАЙХ
АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ
ҚУДДИСА СИРРУҲУ-Л-ОЛИЙ БАЁНИ

Ул ноиби Ҳазрати Ҳақ ва халифаи барҳақ ва қуто
л-машойих инда-л-Ҳақ ва-л-халқ ва убур кунандо
олами улуҳиййат ва рабубиййат, күшойандай Ади
жаннат, муқарраби даргоҳи Яздоний, баргузидаи Ила
ди Субҳоний, соқийи чашмаи ҳайвоний ва сұхбатдо
ри соҳиби он зиндагоний, аъно Ҳазрати Шайх Хожа
Абдулхолик Фиждувоний раҳматуллоҳи алайҳдур.

Ул жаноб Ҳазрати Хожа Юсуф Ҳамадоний алай
ҳир-раҳманинг тўртинчи халифаси эрдиким, бир
неча байтлар ул маънийдин хабар берур. Маснавии

¹ Табдил тарих фанлари номзоди М. Рассоқова билан бирга
амалга оширилган.

Ваъд аз он шоҳи хожаҳо омад,
Кутб ба иршоду раҳнамо омад.
Дар шариат фариди вақту замон,
Дар тариқат ваҳиди қутби жаҳон.
Дар раҳи фақр ҳамчун шоҳ омад,
Бар дарааш чун гадойи моҳ омад.
Шуд жаҳон бар вужуд хушиуд,
Ҳама обид шудан бар маъбуд.
Маҳрамаш Хизру ҳамдами пир аст,
Ки ба дасташ ҳамиша тадбир аст.
Ҳар касе чун жамоли у мединид,
Нури Ҳақ аз жамоли у мечинид.
Чун касе бар дарааш гадо омад,
Жумла шоҳон ба у гадо омад.
Гар мубаййин шавам ба таърифаши,
Нашавад ҳеч кам зи тавсифаш.
Марқадаш гарчи Фиждувон омад,
Маржиъаш мулки жовидон омад.
Номи эшон Хизр алайҳис салом,
Абдулхолик бимонда уро ном.
Нақлу у Ҳазрат чу Хожай Жаҳон,
Шашсаду ҳафдаҳ баъд аз ҳижрат дон.

Мазмани:

Уидан сўнг хожалар шоҳи дунёга келди,
Иршод ва раҳнамолик қутби дунёга келди.
У шариатда даврнинг дурданаси,
Тариқатда жаҳон қутбларининг ягонаси эди.
Фақрлик йўлида шоҳ, каби эди,
Эшигига ой ҳам гадо каби келди.
Унинг келишидан жаҳон шод бўлди,
Маъбуд учун барча обидга айланди.
Хизр унинг маҳрами, пир эса ҳамдами эди.
Қўлида ҳамиша чора-тадбир эди.
Ҳар ким унинг жамолини кўрса,
Гўё унинг жамолидан Аллоҳ нурини йигиб оларди.
Кимки унинг эшигига гадо бўлиб келса,
Бу гадога жумла жаҳон гадо бўларди.
Унинг тавсифини қанчалик қилмай,
Тавсифи ҳеч кам бўлмайди.
Қабри гарчи Фиждувонда бўлса ҳам,
Қайтиш жойи боқий мамлакат (жаннат) эди.
Хизр алайҳис-салом унга,
Абдулхолик деб ном қўйган эди.
Хожай Жаҳон бўлмиш Ҳазратнинг вафоти,
Ҳижратдан олти юз ўн етти йил ўтганда деб билгин.

Ойтурларким, ул жаноб ҳам ҳазрати хожагони олийшаънларнинг сарвари ва сардафтари эрди. Таваллуд топган ва ҳам мадфун бўлғон ери Бухорои шарифнинг қарйаларидин Фиждувон отлиф мавзе эрди. Фиждувон била Бухоро қалъасининг ўртаси оли фарсахлик йўлдур. Ул жанобнинг отасининг оти Имом Абдулжамил эрди ва Имом Моликнинг авлодларининг жумласидин эрди. Ва Имом Молик муқтадойи вақт, олим ба улуми зоҳир ва ботин ва Молотийаи Румнинг сокинидин эрди. Ва Ҳожа Абдулхолик, Фиждувоний алайҳир-раҳманинг онаси Рум подшоҳининг авлодларидин эрди. Ва Ҳазрати Хизр алайҳис-салом анга Ҳожа Абдулхоликнинг вужудига келуридин башорат бериб, Абдулхолик от қўйуб, таъйин қилғон эрди.

Ондин сўнг ул жанобнинг отоси Абдулжамил ҳаводисоти айём сабабли Бухоро тавобиъндағи Фиждувон отлиф қарйага қадам келтуруб, онда маскан тутди. Ва Ҳазрати Ҳожанинг таваллуди ул мавзеда воқеъ бўлди. Ондин сўнг ул Ҳазрат камол сарҳаддига етиб, ибтидои ҳолда бир неча йил улуми зоҳирийға иштиғоли тамом кўргузди. Бир куни эрдиким, Ҳазрати Ҳожа Абдулхолик ўзининг устозиким, Имом Садруддин эрди ҳамиша тафсир китобин мутолаа қилур эрди. Чун Ҳазрати Ҳожаи Жаҳоннинг сабақи бу оятга етишди: «Аъувзу биллаҳи мин аш-Шайтонир ражийм. Удъу Раббакум тазарруъан ва хуфйатан иннаҳу ло юҳибб ул-мўътадиий». Устозидин сўрдиким, хуфийа нинг ҳақиқати недур? Агар зикр қилур одам боланд ўқир бўлса ва ё зикр қилур аснода аъзоси ҳара кат қилур эрса, ўзга одам огоҳ, бўлур. Ва агар кўнгўл бирла зикрга машғул бўлур эрса, «Аш-Шайтону йажри мажрад-дами фи уруқи ибни Адам» деган ҳадис нинг ҳукми била Шайтон огоҳ, бўлуб, аъзолариниш тамурида қон юргандек юруб, васваса қилур. Ҳазрати устоз ойтти: «Бу илми ладуннийдур, агар Ҳазрати Ҳақ субҳонаху ва таъоло хоҳласа, аҳлуллоҳ жамоаси бир бузруги азиз сизга зикри хуфийани таълим берур».

Ондин сўнг Ҳожа Абдулхолик алайҳир-раҳма шу тариқа зикрни таълим олмоқ учун мунтазир бўлған

юрур эрди. То вақтиким, Хожа Хизр алайҳис-салом онинг ёнига келиб, зикри хафийни анга таълим бериб, Хожа Хизр алайҳис-салом они фарзандликка қабул этиб, амр қилди: «Эй, Абдулхолик, эмди ҳавзга кириб, сув тагида нафийу исбот калимасиким, «ло плоха иллаллоҳу Мұхаммадун Расуллаллоҳ» дур, анга шуруть қилиб, қалбинг бирла ойтғил». Хожа Абдулхолик Хизр алайҳис-саломнинг амрини бажо келтуруб, ул сабақни таълим олғондин сүнгра, үз ишига машғул бўлди, чунончи, бир неча файзу футух ҳосил қилди. Ондин сүнгра Хожа Юсуф Ҳамадоний алайҳир-раҳманинг сұхбатига дохил бўлуб, муриди бўлди, чунончи, толиби содиқ соликларнинг ароларида маълум эрди.

Ҳадисда келубдурки: «Қолай Набийу саллаллоҳу алайҳи васаллам: Ман аҳабба ан йартаға фи риёзил ғашнати фаліукассир зикрulloҳи таъоло. Ва қолай Набийу саллаллоҳу алайҳи васаллам. Йуғзалуз зикрүл хафийиу ала зикрил лази йасмаъухул ҳафзату ғағыйиңиңа зиъфан». Ушбу ҳадислар Имом Мұхаммад Газолий раҳматуллоҳи алайҳининг «Усули дин» отлиғи китобида мазкур бўлғондур. Таржимаи ҳадиси Пайтамбар саллаллоҳу алайҳи васалламда дебдурким, яр одамиким, жаннатнинг бўстонида ором олмоқчи хоҳлар эрса, бас ул одамга керакким, Аллоҳ таълонининг зикрига мудовамат кўргузгай. Ва дағи пайтамбар алайҳис-салом дебдурким, фазилатлироқдур зикри хафийким, ҳафаза огоҳ бўлғон зикрдин етмиш чандон, яъни ҳафаза огоҳ бўлғон зикрдин ҳафаза огоҳ бўлмағон зикрнинг Аллоҳ таълонининг наздида етмиш чандон тафзийли бордур, деган бўлур.

Хожа Мұхаммад Порсо құддиса сирруҳунинг «Фасл ул-хитоб» отлиғ китобида мазкур бўлибдурған, Ҳазрати Хожа Абдулхолик Фиждувоний құддиса сирруҳунинг тариқат бобида равиши ва тартиб боби сұхбат бўлуб, ҳаммаларига мақбул ва марғуб борди. Ул Ҳазрат алад-давом сидқу сафо била Пайтамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сұннати сағиғналари мутобаъатида пайравлик қилиб, жиғди сомон кўргузур эрдилар, валекин зоҳирда ҳаво ва сағиғнат ва мухолиф амрларига кўшиш этуб, одамлар-

дин йирөк бўлур эрдилар. Ва ўзининг пок равишини ағёрларнинг назарларидин пўшида тутуб, ўз мараш нобнинг валойат мартабаси ул жойга етушдиким, ҳади кун бир вақт намозин хонаи Каъбада ўқуб келди эрди. Ул Ҳазратнинг Шом билодларинда муридлари ҳаддин ортиқ кўб бўлуб, ул жойда хонақоҳ пайло ва ҳидойатига машғул бўлуб, неча толиби солиҳларни тариқи Ҳақға далолат қилдилар. Ва ўзларининг фарзанди маънавийси Хожа Авлиёйи Кабир учун тириқатнинг одоб ва шароитлари ҳаққида васийатни этиб, «Васийятнома» битдиларким, ҳамма соликларга лозим бўлуб, бир неча фойдаларга муштамиш бўлғон эрди. Они бу тариқада табаррук расмида ту туб баён қилурмиз.

ВАСИЙЯТНОМАИ ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ, ФИЖДУВОНИЙ АЛАЙҲИР-РАҲМА

Ҳазрати Хожа Абдулхолик алайҳир-раҳма фарзандига хитоб этуб, оиди: «Эй ўғлум, санга васийатни қилурманким, ҳамма аҳволда илму адаб ва тақво юзухд бирла бўлғайсан. Ўтган азизлар тариқат йўли да юргандек, аларга табъийатлиғ кўргузуб, аҳли суннат ва-л-жамоатларга пайравлик этуб, илми фил ва илми ҳадис ва илми ахлоқни таълим олгайсан. Жоҳилю нодон сўфийлардин қочиб, ҳамиша намозни жамоат била ўқифайсан. Ҳаргиз имом ва муаззинни бўлуб, шуҳратни ихтиёр этмагайсан, яъни имом ва муаззин бўлмағайсан, нединки шуҳрат оғатини боисидур. Ва мансаб ихтиёр этмагайсан, ўзининг йўқнинг қаторида тутуб, хатларда ёзмағайсан ва қало (қозилик) маҳкамасига бормағайсан. Одамлар ва подшоҳ ва подшоҳзодалар била сухбат қилмағайсан. Хонақоҳга борур бўлсанг, онда симоъни кўб қилмағайсанким, симоъга кўб шуғл этмоқ кўнгулни ўлтурур ва нифоқнинг боиси бўлур. Валекин симоъни мункир бўлмағайсанким, асҳоби симоъ кўбдур. Ни камсўз, камхўр, камхоб бўлғайсан. Одамлардин

жондердин қочфондек қочфойсан ва хилват жойни
шашер этуб, бесоқолу хотинлар ва аҳли бидъату нам-
нам бирла суҳбат қилмағайсан. Шубҳалиф нарсалар-
ни пархез қилғайсан. Агар қўлингдин келса хотин
матилким, дунё талабининг боиси бўлур. Ва кўб
шада қилмағилким, қаҳ-қаҳа бирла кулмаклиф
шашлини ўлтирур. Ва ҳеч одамга ҳақорат кўзи била
трамагил, балки шафқату марҳамат назаринг бирла
трамагил, бағдайсан. Ва зоҳирингға оро бермағайсанким, бо-
нишнинг хароблифиқа боис бўлғусидур. Ва ҳалқ бир-
ни мужодала қилмағайсан ва ҳеч бир нимарсани са-
ништа қилмағайсан. Ва бир одамга хизмат буюрмажай-
сан. Машойихларга жону дил бирла хизмат қилиб,
таришнинг феъллариға инкор қилмағайсанким, алар-
ни инкор этган одам ҳаргиз халослиқ топмағай.
Тарзининг ҳамиша охират фамидин маҳзун бўлуб, ба-
нишнинг бемор, кўзинг гирён бўлуб, дунёға ва дунё-
ништа аҳлиға машғул бўлмағайсан.

«Й фарзанд, этган амалинг холис ва дуонг зору
тоторуъ бирла бўлсин. Кийган тўнинг кўхна ва ра-
тионинг дарвеш ва сармоянг фақирлиф ва ўлтуур
масжид бўлсин. Ва мунисинг Ҳазрати Борий
тавоғи бўлуб, онинг зикру саносидин бирдан ғофил
бўлмағайсан. Ва шул насиҳатларни қилиб, саъю
тумшиш қилур бўлсанг, икки дунёда Аллоҳу тавоғи
тариш ва мададкоринг бўлғусидур». Эмди насиҳат-
нинг тамом бўлди.

Ва дағи ул жанобнинг калимоти құдсийаларидин
жонибиз иборат бордурким, хожагони олийشاъннинг
тариқатларини биноси ул иборатларга эрди. Ул сак-
иғи иборат будур: ҳуш *дар дам*, назар *дар қадам*, са-
ффор *дар ватан*, хилват *дар анжуман*, ёскарғ, боз-
гашт, нигаҳдошт ва ёддошт. Пушида бўлмасунким,
ул тоифаи олийқадрларнинг урфу истилоҳларидин
шаша уч калимаи дигар бордур. Ул уч калима, вуқуфи
шашошний, вуқуфи ададий ва вуқуфи қалбийдур.

Куй, қўшиқ ва мусиқа эшитиб, зикрга тушиш

Чун Ҳазрати Хожа Абдулхолик құддиса сирруғында хожагони олийшаънларнинг сарҳалқаси эрди, би ғашыр зарур бу мақомда ул жанобнинг истилоҳ қилған лафзларини билмак бу азизларнинг тариқи эрди, то толиби соликлардан огоҳлиғ ва содиқлиғ бўлсун деб, ул иборатларни ёзулғусидур, то ижмол юзидин билгани тафсили била мұяссар бўлғай.

«Фастақим камо умирта» ойаи каримасининг маънуни била шариат ва тариқат амларидин маъмур бўлғон ишларнинг ҳақида риёзат ва мужоҳада бирла саъти тамом кўргузуб, ахлоқи замималарини йўлга этиб, ахлоқи ҳамидаларини қўлиға келмагида одобришадиган томом била ғофил бўлмағайлар. Байт:

Ҳар чиз талаб куни биёби,
Ру аз талабаш агар натоби.

Мазмуни:
Агар қидиришдан юз ўтирумасанг,
Ниманики қидирсанг, топасан.

Байт:

Ғофил машав, ки мойаи зулумот ғофилий,
Бо ёди дўст бош, ки қалбат жалий кунад.
Ҳангоми фурсатат ба ғанимат шумор чун,
Умрат чу барқ мегузарад ожилий кунад.

Мазмуни:
Ғофил бўлмагинки, ғофиллик зулматнинг моясиdir,
Дўст ёри билан бўл, қалбингни нурли қилади.
Фурсатни доимо ғанимат деб билгинки,
Умр чакиндек ўтиб, шошқалоқлик қилади.

Ҳуш дар дам иборатининг маънисида бу тариқа дебдурларким, ҳар нафасиким, ичкаридан чиқса, ул нафаснинг ҳузур ва огоҳлиқ бирла бўлмоқи керакдур. Мавлоно Саъдуддин Кошғарий құддиса сирруғу дебдур: «Ҳуш дар дам, яъни бир нафасдин яна бир нафасга ўтмаги гафлат юзидин бўлмайин, балки огоҳлиқ била бўлуб, ҳар нафас олурда Ҳазрати субҳонаҳу ва таъолодин ғофил бўлмагай».

Ҳазрати Хожа Аҳрор раҳматуллоҳи алайҳ дебдурким, нафасинг риояси муҳофазати ҳамма ҳолда

арурий ва лозимдур ва тамоми нафасларнинг бирор ўткармайин хузур ва огоҳлиқ била тутгай. Ва агар бир одам нафасини мухофазат қила олмаса, оитурларким, ул одам нафасин гўм қилуб, ўз саъий-нисбатин йўқ этди деб (оитурлар)».

Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд құддиса сирруху дебдурки, бу йўлда бинойи корни нафасга имоқ лозимки, нафасни зое қилмагай, нафаснинг ахули ва хуружида икки нафаснинг аросин сақлаюқ, керакдурким, бу иккисининг ароси огоҳлиқ била бўлуб, ғафлатға қолмагай.

Махфий қолмасунки, бу мазкур бўлган ўн бир галимаким, «Рашаҳот» китобида тафсили била баён тилган эрди, бу факирнинг рисоласи аларнинг тафсили била шарҳ, этмакка вақт топмади, бу важҳдин яномол тариқи била кўшиш қилиб, онча лозим бўлганмарни, агар Аллоҳ таълононинг авну инояти бўлса, баён қилки била ёзфумдур. Валлоҳу таъоло ал-муваффик.

Назар дар қадам иборатининг маъниси улдурким, соликнинг шаҳарда ва саҳрода ва бозорда, юрмакда ва ўлтурмакда ва ҳамма жойларда назари обёқининг орқасида бўлмоқи керакдур. То анинг назари пароканда ва лозим эрмас жойда тушмагай. На Ҳазрати Мавлавий Абдураҳмон Жомий құддиса сирруху «Тухфат ул-аҳрор» китобида Ҳазрати Баҳоуд-Ҳақ ва-д-Дин алайҳир раҳманинг маноқибида бу мазмун бирла адо этубдур. Байт:

Кам зада беҳамдамийи ҳуш дам,
В-ар нагузашта назар дар қадам.
Бас, ки зи худ карда басуръат сафар,
Боз намонда қадамаш аз назар.

М а з м у н и :

Ҳушёрликсиз бирор нафас ҳам олмаган,
Назари қадамидан ўзга ерда бўлмаган.
У ўзлигидан суръат билан сафарга, яъни узоққа кетган,
Ҳар бир қадами назардан холий бўлмаган.

Сафар дар ватан иборатининг маъниси улдурким, солик жамоаси табиати башарийда сафар қилур, яъни сифоти башарий сифоти малакийга ва сифоти

замималардин сифоти ҳамидаларга ўтар. Ва Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Кошфарий дебдурким, хабири сифат одамлар ҳар жойга борсалар, палидликни хабислик сифати ондин зойил бўлмағусидур. Ондо киши ул сифатларни тарқ этуб, ахлоқи ҳамида бормоғи лозимдур.

Пушида бўлмасунким, тариқат машойихларини ахволлари сафар қилмоқ ва иқомат этмакни ихтиёр қилмоқда бир неча важҳ била бўлғондур. Чунончи баъзилар ибтидода сафар қилуб, ахийрида иқомат этубдурлар. Ва баъзилар ибтидода муқим бўлуб, ахийрида сафар этубдур. Баъзилари аввалда ва охирда сафар этубдур. Ва иқомат қилмайдур. Ва ҳар тоифа нинг сафар ва иқомат қилмоғида ниййати содиқаси ва барази саҳиҳаси керакдур. Казо фи-л-«Авориф».

Аммо хожагон қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳум ларнинг тариқлари сафарда ва иқоматда улдурким, ибтидиои ҳолда сафар ихтиёр этуб, ўзларин бир азиз нинг хизматига еткуруб, ул азизнинг хизматида бўлур эрдилар. Агар ўз диёrlарида андоқ азиз бўлур эрса, аниг мулозаматига шитобон бўлуб, огоҳлиқ ҳосил этмакнинг ҳақида саъий тамом қўргузгайлар. Аммо сифати башарийятким, мазмума эрди, ондин халос топгандин эса сафар қилмоқ ва иқомат этмак бу иқиси баробардур.

Ҳазрати Хожа Аҳрор қуддиса сирруҳу дебдурким, ибтидода сулук этгувчи одам сафар қилур бўлса, кўнгул паришонлигидин ўзга ҳеч нима нарса ҳосил бўлмасдур. Вақтики, толиби солик бир азизнинг сухбатига етишур бўлса, ўлтуруб тамкин сифатин ҳосил қилмоқи керакдур. Ва хожагонларнинг нисбати қувватин қўлига келтуруб, нафсин камолотға еткурмак лозимдур. Ондин сўнг ҳар жойга борур эрса ҳеч монеъ йўқдур. Байт:

Ё Раб, чи хуш аст бедаҳон ҳандидан,
Бевоситай чашм жаҳонро дидан.
Биншину сафар куп, ки бафоят хуб аст,
Безаҳмати по гирди жаҳон гардидан.

Мазмуни:

Дүй парвардигор, оғиз бўлатуриб, оғизсиз кулмоқ,
Кўзсиз бутун жаҳонни кўриб турмоқ қандай соз!
Бир жойда ўтириб, сафар қилиб, жаҳои атрофини,
Оёққа заҳмат етказмай сайр этиш нақадар яхши!

Хилват дар анжуман, бу иборатнинг маънисин
Баҳо ул-Ҳақ, ва -д-Дин алайҳир-раҳмадин
диларким, сизларнинг тариқингизнинг биноси
шо шимарсагадур? Ул Ҳазрат ойтибдурлар: «Хил-
ват дар анжумандур, яъни зоҳирда халқ бирла, бо-
нида Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бирла бўлмоқдур».
Байт:

Лаз дарун шав ошинову в-аз берун бегонаваш,
Инчунин зебо равиш кам мешавад андар жаҳон.

Мазмуни:

Ботинда ошино бўл, зоҳирда — бегона,
Жаҳонда бундай чиройли йўл камдир.

Рижколун ло талҳиҳим тижоратун вало байъун ъян
покриллаҳи» ояи каримаси бу мақомда ушбу маъни-
и широратдур.

Ва дағи Хожа Баҳоуддин құддиса сирруҳу ойди:
Ушбу тариқда нисбати ботиний андоғдурким, дил-
шинг жамълиги анжуманда (мажлисда)дур ва таф-
риқа сурати хилватдаги ҳолатдин зиёддур ва биз-
арнинг тариқимиз сухбатдур. Ва хилватда шуҳрат
булур, шуҳрат оғатнинг боиси бўлур. Хайрийат
жамъийятда, жамъийят сухбатда бўлур. Аммо бу
шарт била мосивони нафй этмак керакдур. Валлоҳу
шамъам.

Ёдкард — зикри лисоний ва ё зикри қалбийдин
шоворатдур. Ҳазрати Мавлоно Саъдуллун Кошфарий
роҳматуллоҳи алайҳ, дебдурки, нафийу исбот зикри-
шинг таълимни тариқаси улдурким, шайх таълим бе-
рур бўлса, аввал ўзи «ло илоҳа иллаллоҳ» калимаси-
ши айтиб, муридга дағи таълим берур. Мурид одам
қалбин ҳозир тутуб, шайх қалбининг тақобулида ту-
тир, кўзин юмуб, тилин танлайига ёпиштуруб, тиши-
ларин бир-бирига банд этмак била оғзин дағи юмуб,

ондин сўнг шайхфа таъзиму қувват била мувоғини
этуб, нафасни сақламоқ бирла зикри Аллоҳга ман
фул бўлур кўнгул бирла, тил бирла эрмасдур. Он
сўнг «Аъувзу биллаҳ» ва «Бисмиллаҳ»ни ойтуб, на
фасни қуввати тамом бирла бир тортуб, боз юни
риб, ондин сўнг икки мартаба астағфируллоҳ, да
нафасни ичига қуввати тамом тортуб, нафасни
юбормай, маҳкам тутуб, «ло» калимасин зикри поғи
дин зикри султонга боргунча чекар. Иллаллоҳ, кали
масин рост тарафдағи руҳға урар. Иллаллоҳ, кали
син зикри руҳдин бошлаб, дикқати тамом бирла
ри қалбға ургайким, зикрнинг ҳаловатининг асари
дилға етушгай ва жамиъи аъзога таъсири зоҳир
бўлгай. Бир нафасда уч, ё беш, ё тўққиз ала ҳозил
л-қиёс ба қадри мо тайассаруллоҳ, тоқ-тоқ этуб, он
гай. Ва дағи ло илоҳа тарафида тамоми мавжудоти
ларни нафий этгай. Ва исбот тарафида, яъни иллал
лоҳ тарафида Ҳақ субҳонаҳу таъолонинг вужуди
боқийлик ва мақсадлиқ назари била мулоҳаза қилас
фай. Ва бу зикрда уч вуқуф маръий бўлур: вуқуф
қалбий ва вуқуфи ададий ва вуқуфи замоний. Ани
илоҳа иллаллоҳнинг маънисидин бўлғон огоҳлиқи
вуқуфи қалбий деюлур. Вуқуфи ададий тоқ-тоқ он
тулурким, мазкур бўлди. Вуқуфи замоний деб уч зарби
била зикрларнинг жойига дикқати тамом юргон за
монни ойтулур. Алғараз ло илоҳа бирла нафий мо
сиво қилғай. Иллаллоҳ била исботи Парвардигор
қилиб, жамиъи вақтларда нафасин бу зикри шарифи
ғарқ ва мустағрақ этмакни лозим тутуб, ўзга нимар
саларға шуға қилмай, ул қалиманинг такрорининг
василаси била тавҳиднинг сурати таъсири дилдо
қарор топуб, зикр қилмоқда дил зикрдин ҳаргина
жудо бўлолмағай.

Ҳазрати қутб ут-тариқат ғавс ул-ҳақиқат Амир
Али Азизон Самарқандий раҳматуллоҳи алайҳининг
сулукининг ҳақида бўлғон рисоласида бу тариқа би
тубдурким, агар зикрнинг асари ондоғ зоҳир бўлур
эрса, дилға қабзу баст пайдо бўлур. ОНИНГ аломати
улдурким, зикрни нафасға едуруб, нафасни ошоқға
майл қилдурмоқ керакдур. Агар шўриши ва бемаза-
гий зоҳир бўлур эрса, зикрни меъдага едуур. Ва

шўриш ва ҳузур дилға зоҳир бўлур эрса, чунинг дилға ҳузур ва осойиш пайдо бўлур. Онинг улдурким, зикр қалбда қарор топуб, сулутнинг писбати дилнинг уйида мутамаккин ва барор ойланур. Ба агар шўриш изтироб ва қулқ била бўлуб, дил бекарорлиқ қилса, онинг аломати мурким, жазба тариқи била бир ҳол соликнинг ҳалика йўл топар. Амир Али Азизоннинг каломи яхон бўлди.

Шаъна бири бозгашт иборати эрди. Онинг маъниси улдурким, зикр қилғувчи одам тил ва дил бир-и калимаи тайибани ҳар бори ойтур ва тили бирорким, эй Худовандо, менинг муродим ва мақбум сендуурсан. Нединким, бозгашт калимаси соликнинг хотирифа хайру шарр хутур қилур эрса, калимасин йўқ, эттувчидур то онинг зикри холис айниб, мосиволлоҳдин фориф бўлғай. Ба агар солик бозгашт калимаси зикрининг ибтидосида ростлиқтаги гонимас эрса, керакдурким, зикрни тарқ қилмаси то даража-бадаража ростлиқнинг асари зухурга келгай.

Ва яна бир калимаси нигахдоштдур. Онинг маъниси хотирининг муроқабаси ва дилнинг ҳузуридур. Чунончи, бир дамда калимаи тайибани бир неча мартаба ойтур. Ва хотирининг огоҳлиқидин ташқари майл қилмагай.

Ва яна бириси ёддошт калимасидур. Онинг маъниси улдурким, солик завқу шавқ била ала-д-давом таъюлодин огоҳ, бўлуб, фаромуш қилмагай. Ва байзилар дебдурким, онинг маъниси ҳузури дилдур. Шайбат ва ғафлат бўлмагай. Ва аҳли таҳқиқ уламолари дебдурларким, ёддошт калимасининг маъниси улдурким, муҳаббати зотийнинг воситалиги бир-и дилға Ҳақ таълононинг ҳузурининг ғалабасидур.

Хожа Аҳрор қуддиса сирруҳу дебдурларким, ултурт калимаки, мазкур бўлди, бириси ёдкард эрди, онинг маъноси—зикр айтувчи одам зикрида такаллуф қилмоқдур. Ва яна бириси бозгаштдур, онинг маъноси солики зокир Ҳақ таънолога ружуъ қилғай, ондоқким, ҳар марта ба калимаи тайибани ойтур эрса, сўнггидин дил била андиша қилмоғи керакдур:

«Худовандо, менинг мақсудим бу зикрдин Сандаусан», — деб. Ва яна бириси нигаҳдошт калимаси эрди ва олинг маъниси мазкур бўлғон ружуъни тилди ёдида сақламоқдур. Ва яна бири ёдошт калимаси дур ва олинг маъниси ружуъни мұжозафат қилмоқ да сабит қадам бўлмоқдур. Хожай мазкурнинг калими тамом бўлди.

Ва яна сўнгги уч калима бор эрди, олинг бириси вуқуфи замоний эрди. Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳу бу тариқа дебдурким, ул калиманинг маъноси улдурким, банда ўз аҳволидин огоҳ бўлурки, ҳар замон олинг ҳол ва сифати нечукдур: оё шукр боиси бўлурми ё узр боиси бўлурми? Агар шукрнинг боиси бўлса, шукр қилмоқ лозимдур. Ва агар узр ва маъзаратнинг боиси бўлса, тақсирида узр қилмоқ керақдур. Мавлоно Яъқуб Чархий раҳматуллоҳи алайҳ дебдурким, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин алайҳир-раҳма манга ҳолати қабзда истиғфор қилмоқға, баст ва күшодалиқ ҳолатда шукр қилмоқла ишорат қилиб ойди. Ушбу икки ҳолнинг риоясит тутмоқ «вуқуфи замоний»дур. Тамма каломуҳу.

Ва яна бириси вуқуфи *агадий* калимасидур. Ва олинг маъноси зикрда ададни риоя қилмоқдур. Чунончи, зикр қилғувчи одам керақдурким, бир нағасда уч мартаба, ё беш мартаба, ё етти мартаба, ё тўйқиз мартаба нафасини сақламоқға қудрати етган андозада неча мартабага борса-борсун, масалан, йигирма бир мартаба ё йигирма беш мартаба, ададни тоқ, айтуб, зикр қилғай.

Ҳазрати Хожа Алоуддин Аттор қуддиса сирруҳу дебдурким, зикрни кўп ойтмоқ шарт эрмасдур, балким шарт улдурким, ҳар зикрни ойттур эрса ҳузур ва огоҳдиқ юзидин бўлғай, токим олинг таъсири ва фойдаси зоҳир бўлгай. Вақтиким, зикри қалбийнинг йигирма бир мартабадин ўтуб, асари зоҳир бўлмаса, зикрни беҳосил ва бефойда эрканига далилдур. Зикрнинг асари ул бўлурким, калимаи «ло»ни айтғон замонида башариятнинг вужуди йўқ бўлур ва исбот, яъни «иллаллоҳ» калимасин айтғон вақтда жа заботи улуҳийятнинг тасарруф осорларидин бир асарни мутолаа қилғай. Валлоҳу аъلام.

Ин ул сўзиким, Ҳазрати Ҳожа Баҳоуддин алайҳ-
роҳма ойтубдурким, вуқуфи ададий илми ладун-
нинг аввалги мартабасидурки, ул мартабанинг
жазаботи Илоҳийнинг тасарруфлари асар-
ни мутолаа қилғайким, Ҳазрати Ҳожа Алоуддин
вулдиса сирруҳу-л-асрор дебдур: «Вуқуфи ададий
кайфийят ва ҳолатдурким, курб мартабасига
макшулай, илми ладунний ул мартабада макшуф
булай. Аммо вуқуфи ададийким, илми ладуннийнинг
мартабаси эрди, аҳли ниҳойат бўлғон солик-
ларга нисбати улдурким, зикр қилғувчи солик кали-
ни тайибани бир нафасда неча адад ҳисоби мар-
табаларида мудовамат этиб, баданиға таъсиридин
гулули сараёнинг сирриға огоҳ бўлғай. Байт:

Эъододи кавн суврати касрат намойишист,
Фа-л-куллу воҳидун йатажалло би-кулли шаъни.

Мазмуни:

Дунёдаги нарсалар кўплик шаклларда кўринади,
Улар аслида битта бўлиб, барчаси ҳар хил кўринишида жил-
ни қиласди.

Уламои муҳаққийндин бу тариқа мазкур бўлуб-
дур. Байт:

Касрат чу неку бад нигари айни ваҳдат аст,
Моро шаки намонд туро агар дарин шакист.
Дар ҳар адад, ки бингари аз рўйи эътибор,
Гар сувраташ бабини дар моддааш якист.

Мазмуни:

Яхши-ёмонга боқсанг, кўп бўлса-да, асли ягонадур,
Агар сенда шак бўлса, бизда асло шак йўқ.
Ҳар бир ёлғизга эътибор юзидан боқсанг,
Сен кўрган шаклнинг аслида моддаси биттадир.

Рубоий:

Дар мазҳаби аҳли кашфу арбоби хирад,
Сорист аҳад ҳама афроди адад.
Зероки адад гарчи берун аст зи ҳад,
Ҳам суврати моддааш ҳаст аҳад.

Мазмуни:

Каромат аҳли ва ақл арбоблари мазҳабида,
Барча нарсалар ададига ягоналик ҳокимдир.
Гарчи адад (сон) ҳисобдан ташқари бўлса-да,
Бироқ аслида моддаси ягонадир.

Дарҳақиқат, бу мазмун илми ладуннийнинг мартабай увлоси бўлғон вуқуфдур. Валлоҳу аълам би-савоб.

Махфий қолмасунким, илми ладунний илмедур ким, аҳли тақаррубларга таълими Илоҳий ва тафхими Раббоний била маълум ва мағҳум бўлур эрди далили ақлий ва шоҳиди нақлийлар бирла эрмас эрди Чунончи, Хизр алайҳис саломнинг ҳақида Қуръони карим ва таълими Илоҳий била маълум бўлуб «...алламаноҳу мин ладунно илман» ояи каримаси ўз мазмунга долл бўлғусидур. Аммо илми йақийн била илми ладуннийнинг орасида фарқ үлдурким, илми йақийн Аллоҳу таълонинг зотий ва сифотий нури ни идрок қилмоқдур. Ва илми ладунний Ҳазрати Ҳоди субҳонаҳу ва таъолодин файз ва илҳом тариқи била маъоний ва калимотни билмак ва фаҳм қилмоқдур

Ва яна бири вуқуфи қалбийдурким, ул икки маънийда бўлур. Бириси үлдурким, зикр қилғувчиши қалби Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин воқиф ва оғоз бўлур. Ва ушбу маънийси ёддошт жумласидин бўлғусидир. Ҳазрати Ҳожа Аҳрор құддиса сирруҳу ўзининг баъзи калимоти құдсиййасида ойтибдурини вуқуфи қалбий дилнинг Ҳақ таъолодин огоҳ ва ҳошни бўлмоқидин иборатдур. Аммо ул ҳозир ва огоҳ, бузурида, керакдурким, мосиволлоҳ, яъни Аллоҳу таълоғодин ғайри мавжудотнинг тарафига майл ва ишлени фоти бўлмагай. Ва яна бир жойда дебдурким, бу тариқа зикрда Аллоҳу таъолодин огоҳлик шарт узун ул огоҳликфа шуҳуду вусул ва вужуду вуқуф дерланади. Ва иккинчи маънийси вуқуфи қалбийнинг үлдурким зикр қилғувчи одам ўз дилидин огоҳ, бўлур, зикрга машғул бўлғон аснода санубар сувратан гўштпорага мутаважжих бўлурким, анга мажозан ишлана ва қалб дерлар. Ул гўштпора чап эмчагининг шунга бармоқ муқдор тагида воқеъдур, они зикрга гўё тушади.

шикрдин ва зикрнинг мағұхумидин зарраи ғоғыл қил-
насдуру.

Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд құдиса сир-
руқу-л-олий дебдурким, зикр асносида нафасни ҳібс
імак ва ададни риоя қыммоқ лозим ва шарт қатори-
ни шумор қымасликдур. Аммо вуқуфи қалбийким,
шеки маънийда ойтулур эрди, ани лозим дебдур,
опиш учунким, зикр қыммоқдин мақсуд бўлғон нарса
гулоса ва зудаси вуқуфи қалбийдур. Аммо юқори-
и ғодкарднинг баёнида ло илоҳа иллаллоҳ, калимаси-
ни нафасни сақлаб тоқ-тоқ, айтур, деб зикр этдик,
нафасни сақлағон миқдорида неча мартаба ло илоҳа
иллаллоҳни ойтса, нафаси танг бўлуб, раҳо қилурда
Мұхаммадун Расулуллоҳ демаги керакдур. Мұхаб-
батта иртиботи тамом беруб, ондин нафасин раҳо
нелай ва ойғай: «Илоҳо, бу зикрдин мурод ва мақ-
дим Сандурссан» деб, уч мартаба астағфируллоҳ деб,
шакипчи нафасни боғлағони ҳам шул тариқа бўлғу-
шур. Валлоҳу аълам би-с-савоб.

Маснавий:

Монанди мурғи бош ҳон,
Бар байзаи дил посбон.
К-аз байзаи дил зоядат,
Мастио завқу қаҳқаҳа.

Мазмуни:

Дил тухуми устида худди қүшлардек посбон бўл,
Шунда дил тухумидан мастилик, завқ ва қаҳ-қаҳа туғилади.

Пушидга бўлмасунким, Хожагони олийшашын алай-
ш-р-раҳманинг тариқаларида бино топғон ўн бир
жылма алҳамдуиллаҳи ва-л-минна фи-л-жумла баён
идди. Раббано отино мин ладунка раҳматан ва
шакипчи лано мин амрино рушдан, субҳона Роббика
шакипчи-л-иззати аммо ясиғун ва саломун ала-л-мур-
шаша ва-л-ҳамду лиллаҳи раббил-л-оламийн.

Омди бу рисолани ўқиғувчи ёрон ва биродарлар-
ни умид улдурким, ҳар вақт ушбу китобни мутолаа
шакипчи, Ҳазрати Хожаи Жаҳон Хожа Абдулхолиқ Фиж-
зиний алайҳир-раҳманинг баёнига етишур эрса-
шур, керакдурким, ул жанобнинг руҳи шарифига бир

мартаба сураи Фотиҳа ва уч мартаба сураи Ихлос ва уч навбат саловоти шариф ўқуб бахш қилғайлар. Ва муроду мақсадларин ул жанобнинг руҳониййатидин талаб этгайлар, то ул муҳлисларнинг икки дунёдаги ҳожатлари иншоаллоҳу таъоло ҳосил бўлғай. Бул каминаи бебизоати қалил ул-иститоат Муҳаммад Тоҳир ибн Мавлоно Ҷайиб ибн Мавлоно Муҳаммад Бокий ибн Мавлоно Дўстшоҳ, ибн Ҳазрати Мавлоно Заҳроб ал-Хоразмий раҳматуллоҳи алайҳим ажмаъ ийнни дуои хайр била ёд этгайларким, ул ғариб қаю хоки мазаллат остидадур ва дуои хайрға қаттиқ мунтазирдур, то дўстлар они дуоларидин маҳрум қилмайлар. Умид этарманким, Ҳазрати борий таъоло аларни азизу мукаррам қилғай. Омин, ё Рабб ул-оламийш.

Байт:

Чу ман ҳастам ба қабрам дар ғариби,
Дуои дарфурустанд анқариби.
Ки ҳар кас бишнавад ин гуфтаҳоро,
Дариг аз ман нагардонад дуоро.
Агар созанд дуои аз карамишон,
Худо бидҳад ба эшон ивазишон.
Дуюи кардаам ман низ омийш,
Надорам ман ба ҳеч кас кийнаву кийн.

Мазмуни:

Мен қабримда ғариб ҳолда,
Дуо юборишиларига муштоқман.
Кимки бу сўзларни эшитса,
Мендан дуони дариг тутмасин.
Лутфу карам қилиб дуо юборсалар,
Худойи таъоло уларга эвазини берсин.
Мен ҳам уларга омин дейман,
Мен ҳеч кимсага нисбатан гина
ва кудуратга эга эмасман.

Пушида қолмасунким, Ҳазрати Ҳожаи Жаҳон Абдулхолик Фиждувоний қуддиса сирруҳу-л-олии нинг бузругворлиғидин Ҳазрати Мавлоно Абдурраҳмон Жомий қўддиса сирруҳи ўз китоби «Нафас» ул-унс»да бир кароматни битибдурким, бир куни он мусоғир одам узоқ йўлдин Ҳазрати Ҳожаи Жаҳон хизматига келуб ўтиргон ҳолда, (бошқа) бир жавони

хўбсуватт Хожанинг хизматига ҳозир бўлуб салом берганда, Ҳазрати Хожай Жаҳон саломига жавоб бергандин сўнг, ул навжувон йигит дуо талаб бўлғон ҳолда, Хожай Жаҳон унинг ҳаққига қилғон дуоларидин сўнгра, ул йигит кўздин фойиб кетубдур. Ул мусофири одам Ҳазрати Хожай Жаҳондин савол этуб-лурким, эй Хожай Бузругвор, ул йигит ким эрди, деб. Ҳазрати Хожа дебдурким, ул йигит тўртламчи қат осмоннинг фаришталарининг жумласидин эрдиким, онинг бир кўтоҳлиги сабабли ўз мақомидин йироқ тушуб, бу дунё осмоннинг фаришталарининг қаторига келуб, аларға ўз кўтоҳлигин баён этуб, дебдурким, не илож қилурманким, яна аввалги мақомимра отишфайман? Фаришталар анга бу жойни нишон берубурлар. Ул фаришта менинг ёнимга келуб, дуо талаб этди. Ман анга дуо этдим, то манинг дуойим онинг ҳақида мақбул бўлуб, ул фаришта аввалги мақомига уруж этди.

Ва даги бу байт Ҳазрати Хожай Жаҳондиндур.

Рубоий:

Эй Хожа, туро ғами жамолу жоҳ аст,
Андишаи боғу роғу хирмангоҳ аст.
Мо сухтагони оташи тажридим,
Моро ғами ло илоҳа иллаллоҳ аст.

Мазмуни:

Эй хожа, сенда жамолу улуғликнинг,
Боғу роғу хирмоннинг ғами бор.
Биз ёлғизлик оловининг куйганларимиз,
Бизда ло илоҳа иллаллоҳ ғами бор.

Рубоий:

Мулки, ки заминаш ҳама анбарсорост,
На мамлакати Хусраву Кайхусраву Дорост.
Се бор бигаштим ҳама рўйи замиро,
Мулки, ки латифасту шарифаст Бухорост.

Мазмуни:

Заминидан анбар ҳиди анқиб турган бир мамлакат бор,
Вундай мамлакат на Хисрав, на Кайхусрав ва на Дорода бор.

Ер юзини уч марта айланиб чиқиб, билдимки,
Энг шариф ва латиф мамлакат Бухоро экан.

Ва яна бир азиз дебдур:

Ҳар кас ба диёри Фиждувон меояд,
Гўйиё ба биҳишти жовидон меояд.
Бўйи шарафи Мадинаи Пайғамбар,
Аз равзай Хожай Жаҳон меояд.

Мазмуни:

Кимки Фиждувон диёрига келса,
Боқий жанинат сари келган бўлади.
Хожай Жаҳон (Абдулхолик) қабридан,
Пайғамбар Мадинасининг ҳиди келади.

Рубоийи дигар (бошқа рубоий):

Ҳар кас ба диёри Фиждувон хок шавад,
Монанди қамар ба сари афлок шавад.
В-аз ҳиммати Хожай Жаҳон охири кор,
Монандаи тифл аз гунаҳ пок шавад.

Мазмуни:

Ҳар ким Фиждувон диёри учун хок бўлса,
У осмонлар қошида Ой каби бўлади.
Хожай Жаҳон ҳиммати билан охири,
Гуноҳлардан гўдак каби пок бўлади.

Ҳазрати Хожай Жаҳон алайҳир-раҳманинг фавти тарихида дебдурлар:

Хожай хожаҳову шайхи кибор,
Онки у буд қутб ул-ақтоби.
Гар ту таърихи фавту у талабий,
Кун таважжух, ба «Хожа» то ёби.

Мазмуни:

Хожаларнинг хожаси ва улуғ шайх,
Қайсики, қутбларнинг қутби эди,
Унинг вафоти таърихини қидирсанг,
Уни топиш учун «Хожа» сўзига диққат қил.

Яъни 617 йили асносида дори фонийдин дори боқийға риҳлат этубдурлар, раҳматуллоҳи алайҳ, ва ало асҳобиҳи ва ало абавайҳи ажмаъийн (унга, дўстларига, ота-оналарининг барчасига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин).



Хожа
АБДУЛХОЛИК
ФИЖДУВОНИЙ
ТАСНИФОТЛАРИДАН





«ОДОБИ ТАРИҚАТ» (**«ТАРИҚАТ ОДОБЛАРИ»**) РИСОЛАСИ ҲАҚИДА

«Одоби тариқат» ёки бошқача «Рисолай васоёй» (**«Насиҳатлар рисоласи»**) деб номланган бу насиҳатлар түплами Хожа Абдулхолик Фиждувонийнинг иккинчи халифаси (ўринбосари) Хожа Авлиёйи Кабир (ёки Калон)га бағишиланган эди. Рисоланинг турли қўлёзма ва босма нусхалари бизгача етиб келган бўлиб, деярли барча нусхаларда фарқлар кўзга ташланади. У қисқартирилган шаклда Фахруддин Али Сафийнинг «Рашаҳот» китобида, тўлиқроқ шаклда Тоҳир Эшоннинг «Тазқираи Нақшбандия» асарида мавжуд.

Рисола Хожа Авлиёйи Кабирга бағишиланган экан, бу зот ким эди, деган савол туғилади. Насиҳатлар одатда «ё бунайя» (эй, ўғилгинам) сўзлари билан бошлангани учун баъзилар бу зотни, Абдулхолик Фиждувонийнинг ўғли, деб ўйладилар. Ваҳоланки, Хожа Авлиёйи Кабир Абдулхолик Фиждувонийнинг тариқат йўлидаги ўғли ёки маънавий ўфиллари эди. Биз буни «Рашаҳот»дан ўқиганимизда тўлик ишонч ҳосил қиласиз.

«Рашаҳот»да ёзилишича, Хожа Авлиёйи Кабир асли бухоролик бўлиб, йигитлик даврида Бухоро олимларидан бирининг қўлида илм таҳсили билан машғул бўлган. Бир куни у Абдулхолик Фиждувоний билан учрашиб қолади. Абдулхолик Фиждувоний қассобдан гўшт олиб, уйига олиб кетаётганда Авлиёйи Кабир келиб қолиб, гўштни уларнинг уйига элтиб берай, деб ялиниб-ёлворади. Уйга етишгач, Абдулхолик Фиждувоний: «Бирор соатдан кейин келинг, бирга таом еймиз», дейди.

Авлиёйи Кабир мадрасага келиб, дарс ўқиёлмайди, кўнгли Ҳазрати Хожанинг суҳбатига мойил бўлиб, бир соатдан сўнг қайтиб боради. Натижада тариқатга кириб, фарзандлик қабулига мушарраф бўлади. Авли-

ёйи Кабирнинг муаллими уни бу йўлдан қайтармоқчи бўлса-да, бунга муваффақ бўломмайди. Шундан сўнг, уни қаерда кўрса, таъна ва маломатларга кўмиб, ҳақорат қила бошлайди.

«Ҳикоя қилишларича, — деб ёзади Али Сафий «Рашаҳот»да, — бир куни кечаси ўша муаллимнинг ёмон ва хунук феъли ва фоҳиша билан машғуллиги Авлиёйи Кабирга каромат йўли билан маълум бўлди. Бомдодда улар яна учрашиб қолганларида муаллим таъна ва ҳақоратга оғиз очди. Шунда Авлиёйи Кабир: «Эй устод, ўзинг кечаси фоҳишабозлик билан машғул бўлиб, яна мени Ҳақ йўлдан чалғитишга уялмайсанми», — дейди. Устод хижолат ва шарманда бўлиб, Абдулхолиқ Фиждувоний қўлида Авлиёйи Кабир шу дараҷага етганини билди. Ўша онда Ҳазрати Хожанинг ҳузурларига бориб, тавба қилди, қўл бериб, тариқатта кирди ва мақбуллар қаторидан ўрин олди».

«Рашаҳот»да Хожа Авлиёйи Кабирнинг баъзи хислатлари ҳақида ҳам нақлар келтирилган.

Демак, «Одоби тариқат» рисоласидаги насиҳатлар Хожа Авлиёйи Кабирнинг янги тариқатга кирган ёшлик даврида айтилган, деган холоса чиқариш мумкин. Рисола ҳажм жиҳатидан жуда кичик бўлсада, бироқ Хожагон тариқатига янги қадам қўйган солик (мурид)нинг амал қилиши зарур бўлган барча масалаларни ўз ичига олади ва бу насиҳатлар, шубҳасиз, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг издошлари учун ҳам қўлланма вазифасини бажарган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, рисоладаги насиҳатлар тариқат йўлидаги кишиларга нисбатан айтилган бўлиб, улардаги айрим насиҳатлар ҳозирги кунда қиммати ва аҳамиятини йўқотган. Бироқ рисола Хожагон тариқати тарихини ўрганишда ўзига хос аҳамиятга эга бўлгани учун тўлиқ таржима қилинди.

«Рашаҳот»да ёзилишича, Хожа Авлиёйи Кабирнинг муборак қабрлари Бухорода Буржи Иёр яқинидаги Ҳисор тагидадир. Авлиёйи Кабир ҳам кўплаб шогирдлар етиштирган бўлиб, уларнинг зикрлари «Рашаҳот»да тўлиқ келтирилган. Қуйида рисоланинг таржимаси билан танишасиз¹.

¹ Фиждувоний таснифотлари таржимасида Г. Музффар қизи иштирок этган.

ОДОБИ ТАРИҚАТ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳиим

Алҳамду лиллаҳи роббил оламиин вад-оибату лилмуттакаин вассалоту вассалому ало расулихин Мұхаммадин ва олихи ажмаъйн¹.

Аммо баъд (шундан сүнг) билгинки, бу тариқат одоблари ҳақидағи рисола бўлиб, бу жаомонъ ул-калимни шайхлар шайхи, машойихлар султони, авлиёлар қутби, олий мақомат(даража)лар, етук кароматлар, файбий ишоратлар ва қудсий (пок) илҳомлар соҳиби ҳазрати Хожа Абдулхолик Фиждувиий — Аллоҳ, уларнинг азиз руҳларини муқаддас қиласин — соликлардан бўлмиш бир соликка амал қилиш учун буюрган эдилар. Айтган эдиларки, бу тариқат солики Хожа авлиёйи Калон бўлиб — уларга Аллоҳ нинг раҳмати бўлсин — тариқат йўлининг етук зотларидан эди. Солик киши бундай мақомфа етгач, бу нозик сирлар моҳиятидан огоҳлик топгач ва Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таълонинг маърифат чашмасидан бир томчиси жон томогига томгач, Ҳазрати Аҳадия (Аллоҳ) муҳаббатига фарқ бўлади. Барча ҳушёр кишилар бу мастликнинг орзусидадирлар. Илоҳо, покиза зотларнинг жонларига солган сирасорлардан бирор қатрани бизга ҳам насиб этгайсан!

Ҳазрати Хожа Абдулхолик — сирлари муқаддас бўлсин — тариқат соликини аввало тақво (парҳезгарлик)ка буюриб, айтадиларки: «Эй, менинг ўғилгинам, сенга насиҳат қиласин, тақво (парҳезгарлик)ни ўзингга шиор қилиб ол, ибодат вазифаларини доимо бажар. Ўз ҳолатингни доимо кузатувчи бўл, Ҳақ таълодан доим қўркувда бўл. Худойи таълони, Расуллурроҳни, ота-онани ва барча машойихлар-

¹. Оламларнинг парвардигори бўлган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, тақво эгаларининг оқибати соз бўлсин, унинг расули Мұхаммадга ва аҳли оиласининг барчасига салавот ва саломлар бўлсин.

нинг ҳақ-хуқуқларини адо қилувчи бўлки, бу хислатлар билан Ҳақ таълонинг розилиғига мушарраф бўлурсан ва Ҳақ таълонинг фармонини адо қилган бўлурсан, бу билан эса мазкур ҳақ-хуқуқлар сени ҳам омонлиқда юришингга сабаб бўлгай.

Хоҳ ошкора бўлсин, хоҳ пинҳона бўлсин, хоҳ Куръонга қараб бўлсин, хоҳ ёддан бўлсин Куръон ўқишини асло тарк қилма. Куръонни фикр билан, кўркув ва йиги билан ўқи. Барча ишларда Куръонга ружуъ қилгилки, Куръон халқ учун Ҳақ таълонинг ҳужжатидир.

Илм қидиришдан бир қадам ҳам узоклашма, фиқҳ илми ва ҳадис илмини ўрган. Тақлидчи сўфийлардан узоқ бўлгинки, улар дин йўлининг ўғриларидир ва мусулмонларни йўлдан урувчиidlар.

Сен ҳамиша суннатга амал қил, ўтмишдаги улуғ уламоларнинг мазҳаб (йўллар)идан юргилки, ҳар қандай бидъят макруҳдир. Ёшлар ва аёллар билан доимий суҳбатда бўлма, бидъатчилар ва бойлар билан улфат бўлмагинки, улар сени диндан айирадилар. Суҳбат қурсанг фақирлар билан қур, ўз юкингни ўзинг кўтар, ҳалол егинки, ҳалоллик яхшиликларнинг қалитидир. Ҳаромдан қочгилки, акс ҳолда Ҳақ таъолодан узоклашасан. Агар шундай қилсанг, тонгла дўзах оловида куймайсан. Ҳалолеғилки, бундан ибодатнинг ҳаловатини топасан, доимо Ҳақ таълонинг азобидан хавфда бўл. Ёдингда сақлагинки, Қиёмат куни ҳисоб-китобга тутилгувчиidlарсан. Ке-чаю кундуз кўп ибодат қил, жамоатни асло тарк қилма, бироқ имом ёки муаззин бўлмагин. Ҳужжатларга номингни ёзма ва қозилар маҳкамасида ҳозир бўлма.

Тариқатсиз кишилар билан ўтирма, одамларга насиҳат қилма, тариқатсиз кишилардан шердан қочгандек қоч. Яхши номга эга бўлай десанг, ном чиқарма. Нафсинг хор бўлиши учун кўп сафар қил. Машойихларнинг ҳурматини жойига қўй. Хонақоҳ қурма ва хонақоҳда ўтирма. Бирорнинг мақтовига учма. Бирор ёмонласа хафа бўлма, халқнинг мақта-

ши ёки ёмоналаши сен учун бефарқ бўлсин. Ҳалб билан чиройли муомала қил. Доимо алаболи бўл. Борча ҳолатда яхшига ҳам, ёмонга ҳам лутифу марказиг билан муомала қил. Қаҳ-қаҳ уриб кулматини, қаҳқаҳа фафлат белгисидир ва у дилини ўлдириш. Мустафо алайҳиссалом: «Қиёматнинг шиддатлари тоқурқинчлари ҳақида мен билганча билганингизда бўлмоуз кулиб, кўп йиглардингиз», — деб буюрадилар.

Ҳақ таълонинг азобидан озодман, деб ўйлама ва айни пайтда унинг раҳматидан ноумид бўлма. Қўрқинч ва умид ўртасида бўлгинки, солик учун гоҳо хавф бўлса, гоҳо умид бўлади».

Хожа Абдулхолиқ — Аллоҳ уларнинг руҳини мұқаддас қылсинг — такрор айтардилар ва дердиларки: «Ё бунайя, яъни эй, ўғилгинам, пирнинг таъзири шафқатдир, шайх мурид учун ота ўрнидадир, балки отадан ҳам меҳрибонроқдирки, у муридни Ҳақقا яқинлаштиради».

Яна буюрадиларки: «Агар иложи бўлса уйланмагинки, дунё талабгори бўласан ва динингни барбод қиласан. Доимо охиратнинг ғамида бўл, ўлимни кўп ёдла. Нафсинг иштиёқ пайдо қилса, рўза тут. Амалга интилмагинки, кимки амалпаст бўлса, тариқат йўлига лойиқ эмас. Доимо нафсингни қийна, фақр йўлида маҳкам тур. Бойликка интилма, диёнатли ва тақволи, олим ва парҳезгар бўл. Худойи таълонинг йўлида событқадам бўл, нодон сўфийларга яқинлашма. Машойихларга ҳам танинг билан, ҳам молинг билан, ҳам жонинг билан хизмат қил. Машойихларнинг кўнгилларини авайла, уларга эргаш ва сайру сулукини маҳкам тут. Агар улардан нимаики содир бўлса, бордию шариатга зид бўлмаса, инкор қила кўрма. Агар инкор қилсанг, машойихлардан ҳеч қачон фойда кўрмайсан.

Одамлардан нарса сўрама, эртанг учун ҳеч нарсани ғамлама ва Ҳаққа ўзингни топшир. Ҳақ таъоло буюради: «Эй, Одам фарзанди, мен ҳар куни сенинг ризқингни етқизиб тураман». Сен ўзингни қийнама ва таваккул йўлига қадам қўйгинки, Ҳақ таъоло бу-

юради: «Кимки Аллоҳга таваккул қилса, бас, у сақловчи дидир». Билгинки, ризқ тақсимланган дидир. Олийхиммат бўл, Худойи таъоло сенга нимаики берган бўлса, Худонинг халқига нисор эт. Бахиллик ва ҳасаддан йироқ бўлгинки, баҳил ва ҳасадчи Қиёмат куни дўзах оловида бўлади. Ташқи кўринишингга оро бермагинки, ташқи кўринишигга оро бериш ички оламнинг хароблигидан далолат беради. Ҳақнинг ваъдасига ишонгин ва барча одамлардан ноумид бўл. Халойик билан суҳбатда умрингни беҳуда ўтказмагинки, акс ҳолда Ҳақ таълодан узоқлашасан.

Сен доимо нафсингга эътибор бер, унинг қадрини бил. Қўлингдан келмаган нарса ҳақида гапирма, доимо халққа насиҳат қил. Кам ичиб, кам е, кам ухлаб, кам гапир. Таомга муҳтоҷ бўлмагунингча, ҳеч нарса ема. Сўзни зарур бўлганда гапир, уйқу ғалаба қилмагунча ухлама. Оз ухла. Кеча ва кундузлари намозни кўп ўқи. Симоъ мажлисида кўп ўтиргани, симоъдан нифоқ туғилади. Симоъни кўп эшитиш дилни ўддиради. Симоъни инкор ҳам қилмагинки, симоънинг тарафдорлари кўпдир. Симоъни дили уйгоқ, тани ўлган кишиларгина эшитиши мумкин. Кимки бу даражага етмаган бўлса, рўза тутиб, намозга машғул бўлиши аълороқдир.

Сен доимо ғамли бўл, баданинг бемор, амалинг холис бўлсин. Тилагинг қатъий, либосинг кўхна, дўстларинг эса дарвешлар бўлсин. Уйинг масжид, молинг нафақа, безагинг зуҳд, улфатинг Калом бўлсин. Ҳар кимда беш хислатни кўрмагунингча уни биродарликка қабул қилма. Биринчиси — фақирликни бойлиқдан устун қўйган бўлсин. Иккинчиси — илмни дунё ишларидан устун қўйган бўлсин. Учинчиси — хорликни иззатдан юқори қўйсин. Тўртинчиси — зоҳир ва ботин амалларини яхши билувчи бўлсин. Бешинчиси — ўлимга тайёр бўлсин».

Хожа яна дедилар: «Эй, ўғилгинам, дунё ва унинг гўзаллиги сени мағрур қилмасин, кечаю кундуз дунёдан охиратга сафар қилишга ҳозир бўл. Хилватда ёлғиз ўтири, Ҳақ таълонинг хавфидан доимо дилши-

каста бўл. Дунёда мусофиридек яшаган юнга даромади софиридек кет».

Яна Ҳазрати Хожа буюрдилар: «Эй фарзандон, мен ўз шайхим — Аллоҳ уларнинг азиз руҳларини муқаддас қиласин — қилган васиятларига амал қилинганим каби, сен ҳам менинг васиятларимни ёдингдо сақла ва унга амал қил. Худойи таъоло дунё ва охијатда сенинг сақловчинг бўлғусидир».

Бу зикр қилганларимизни тариқат йўлининг соликларидан бирор киши ёдда тутиб амал қиласа, шайхлик мартабаси унга мусассар бўлғусидир. Кимки уни ўзига қўлланма қиласа, у кишини мақсад ва мақсадига етқизгусидир. Бу мартаба ҳар кимга ҳам мусассар бўлавермайди.

Хожа Абдулхолиқ Фиждувонийнинг — Аллоҳ уларнинг азиз руҳларини муқаддас қиласин — қилган насиҳатлари шулардан иборат эди.

(Хожа Авлиёйи Кабир айтади:) «Улар бу насиҳатларни айтиётган пайтларида менинг қўлимни ушлаб турган ва кафти менинг кафтимда эди. Сўзларини тутатгандан сўнг, сўзни шундай якунлаб дедилар: «То тирик экансан, то аниқ бир узр сабабчи бўлмаса доимо менинг масжидимда бўл, бу сен учун Қиёмат куни ҳужжат бўлғусидир».

Илоҳо, барчани бу ёқимли хислатлар ва чиройли сифатларга мушарраф қилгайсан, покиза инсонларнинг жонларига нисор этган сирлардан бизга ҳам бир қатра насиб этгайсан ва қалбимиз саҳнини бу сирлар олган маконга айлантиргайсан. Ё Илоҳ, алоламийн, ё хайр ан-носирийн ва саллаллоҳу ало Мұхаммадин ва олиҳи ажмаъийн, би раҳматика ё арҳамар роҳимийн.

ХОЖА ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ МАҚОМОТИ

Хожа Абдулхолиқ Фиждувонийнинг ўз қаламига мансуб бўлган асарларидан бири «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний» деб аталади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Фиждувонийнинг пири Хожа Юсуф Ҳамадоний эди. Хожа Юсуф Ҳамадоний Эронга қарашли Ҳамадон шахридан бўлиб, у ўз даврининг йирик олими ва шайхи эди. Юсуф Ҳамадоний ўн саккиз ёшда Бағдодга бориб, фиқҳ, илмини ўрганади. Исфаҳон, Бухоро ва Хоразмда бўлади.

Манбалардан маълум бўлишича, Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг минглаб муридлари бўлган. Шулардан тўрттасини ўзига халифа (ўринбосар) қилиб тайинлаган эди. Булар — Хожа Абдуллоҳ, Баррақий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний эдилар.

Абдулхолиқ Фиждувоний ўз устозининг шарафига мазкур мақомотни тасниф этади. «Мақомот»да у ўз пирининг барча хислатларини мукаммал баён этган ҳамда ўзининг таржимаи ҳоли ва пири билан учрашган вақтларини баён қилиб берган. Қуйида мазкур «Мақомот»дан танлаб олинган айрим парчаларнинг таржимаси келтирилмоқда.

«МАҚОМОТИ ХОЖА ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ»ДАН

Беш юз ўн тўртинчи (милодий 1120 й.) йил, зулқаъда ойининг йигирма саккизинчисида сешанба куни кирганда Шайхимизнинг умрларидан минг тўққиз ою, йигирма олти кун ўтган эди.¹ Шайхимизнинг туғилган кунлари сафар ойининг иккинчи куни,

¹ Хожа Юсуф Ҳамадоний 535/1140 йилда вафот этган.

душанбада юз берган эди. Ўттиз саккиз марта пиёда ҳаж қилган эдилар. Қуръонни минг марта қироати билан ўқиган эдилар. Тафсир, ҳадис, фиқх, усул, фуруй ва қалом китобларидан етти юз жузъ ёдлаган эдилар. Икки юз ўн учта машойих билан учрашган эдилар. Қўпинча рўзада бўлар эдилар. Тунлари Худойи таъолога бандалик қилиш билан машғул бўлар эдилар. Саккиз мингта бутпарастни мусулмон қилган эдилар. Гуноҳдан тавба қилдириб, Ҳақ йўлга киргизган кишиларининг сон-санофи йўқ эди. Муборак юзларида чечакдан қолган доғлар бор эди. Муборак соқоллари узун эди. Қизил юзли, баданлари ўта озғин эди. Кимни кўрсалар «хожа» деб мурожаат қиласар эдилар. Кўп сафар қиласар эдилар. Либослари жундан эди. Емишлари арпа ва жўхоридан ҳамда ўсимлик мойи эди. Қирқ кеча-кундузда бир марта товуқ гўшти ердилар. Туя ва қўй гўштидан гоҳ-гоҳ, истеъмол қиласар эдилар. Этик тикар ва деҳқончилик қиласар эдилар. Худойи таъоло нимаики берса, камбағаллар, бевалар, етимлар, мусоғирлар, bemорлар, болачаси кўп кишиларга берардилар. Умрлари давомида ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамас эдилар. Дунё иморатига машғул бўлмас эдилар. Бордию бошқа киши машғул бўлса, уни бундан қайтарар эдилар. Ҳар йили қирқ кун давомида эҳтисоб (дин тарғиби) учун чиқардилар ва подшоҳлар, зодагонларнинг уйларига борар эдилар. Етмиш беш йил давомида уйланмаган эдилар. Кўзларининг бир четида белгилари бор эди. Вафотларидан сўнг бу белги ҳақида ихтилоф пайдо бўлиб, баъзилар ўнг томонда, баъзилар чап томонда, дер эдилар. Кўзларида барқарорлик бўлиб, ўз ихтиёрлари билан ҳаргиз номаҳрам аёлларга ва йигитларга қарамас эдилар.

Шайхимиз ражаб ойининг ўнинчисида Ҳожа Хизр алайҳис-саломнинг изнлари билан Самарқандга келдилар. Овозлари ёқимли, бўйлари ўртача, муборак бармоқлари узун эди. Турк тилини билмас эдилар. Қўпинча ёғоч ковуш кийиб юрар эдилар. Умрлари давомида оёқларини узатиб ўтиргмаган эдилар. Та-

бассум қилиб сўзлардилар. Очлик ва қаттиқ риёзатдан муборак беллари хам бўлган эди. «Зикри-алонийя» айтмас эдилар, кўп мурид олардилар. Уларнинг даврида «зикриalonийя» йўқ эди. Туғилган ерлари ҲамадоннингҒанимийя деган маҳалласи эди. Пиёда йўл юрардилар. Жума ва пайшанба кечалари ҳамда ҳайит оқшомларида тирик бузрукворларни зиёрат қиласр эдилар. Муборак баданларида нафасни ичга ютиб қилинган зикр туфайли доимо тер бўлар эди. Ҳар бир фарз намозидан сўнг, вазифаларидан ташқари, бир пора Қуръон ўқирдилар. Ўзлари яшаб турган Фонфур маҳалласида Жомеъ масжидигача Қуръонни ўқиб, хатм қиласрдилар. Масжидан Хожа Ҳасан Андоқий ва Хожа Аҳмад Яссавийнинг уйигача «Бақара» сурасини хатм қиласрдилар. Гоҳ-гоҳ, юзларини Ҳамадон томонга қаратиб, узоқ йиглардилар ва Худойи таъолодан ўғил бола тилардилар. Уйғоқ қалбларнинг хожаси Хожа Хизр билан сухбатдош эдилар. Қабрларни кўп зиёрат этардилар. Қабр аҳлига салом қиласрдилар. Ояту дуолар ўқир эдилар. Нон билан сиркани кўп ердилар. «Дуоий сайфий», «Қасидайи бурда», «Чил исми аъзам»ни ва Қуръон оятларини кўп ўқир эдилар. Қабр азобини, Мункар ва Накир саволини ҳақ дердилар. Тирикларнинг дуосидан ўлганларга наф бор, дердилар. Таом ейишини бошлаганларида «бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» деб, тутатганларида эса «алҳамду лилаҳи роббил оламийн», дердилар.

«Ҳуш дар дам дорид (ҳар бир нафасда ҳушёр бўлинг), назар дар қадам дорид (ҳар бир қадамнингизга қараб юринг), сафар дар ватан дорид (ватан ичра сафар қилинг), хилват дар анжуман дорид (анжуманда хилватда бўлинг)», — дердилар.

Хеч кимга лаънат ўқимас эдилар. Чингизни ҳам дуоий бад қилмас эдилар. Дўстларни кўп гўшт ейишдан ва кўп гапиришдан қайтарар эдилар. Ўзлари кўп гапирмас эдилар. Ҳужраларида бўйра, қигиз, обдаста, кўрпа ва икки болищдан бошқа нарса бўлмас эди. Томир очириб, қон олдирадилар, дори ичардилар.

Мактаб очиб, дарс айттардилар. Бетақрат жөнде жа бетақрат овқат емасдилар. Ершаларга күр үнделәж жойни ифлос қымасликка буюрарданлар. Ишкеларни азиз тутардилар.

Улар билан бирга Ҳамадондан ўн бир күннө сыйган эди. Биринчиси — Абу Мағрибий Ҳодим, иеттинчиши — бандай заиф Абдулхолик, учинчи — Имом Яхё Фонфурий, түртингчи — Ҳожа Исҳок, бешинчи — Ҳожа Работ, олтинчи — Ҳожа Закариё Варахсийнинг жияни, еттинчи — Ҳожа Одам Шоддорий, саккизинчи — Ҳожа Ҳаким Балхий, түккизинчи — Ҳожа Мұхаммад Жаҳла, ўнинчи — Ҳожа Қурайш, ўн биринчи — Бобо Сулаймон Орифи бузрук.

Йигирма икки ёшга етганимда, Ҳазрат Ҳожа Хизр алайхис салом мени Шайх (Юсуф Ҳамадоний) ҳузурларига олиб бордилар. Бузруквор Шайх Ҳожа Хизр олдиларида менга зикр айтишни таълим бердилар. Ҳожа Ҳасан Андоқий ва Ҳожа Аҳмад Яссавий Шайх ҳузурига келдилар, уларга ҳам зикр айтишни таълим бердилар. Түккиз ойдан сўнг Ҳожа Абдуллоҳ Баррақий келдилар ва мурид бўлдилар. Самарқанд бу азизларнинг вақтида обод бўлди ва Амударё қирғозидан тортиб, то Хоразм ва Бадаҳшон вилоятигача бирорта бидъатчи қолмади.

Ҳазрати Шайхимизнинг вафотлари йигирма саккизинчи муҳаррам, пайшанба кунида юз берди. Бу куни пешин намозини ўқидилар, орқалари билан меҳробга суюниб ёронларга: «Сув иситинглар», — дедилар. Ёронлар йиглашга тушдилар, сўнг юзларини Ҳожа Абдуллоҳ Баррақий, Ҳожа Ҳасан Андоқий ва Ҳожа Аҳмад Яссавий, бу бандайи заиф ва бошқа ёронларга қаратдилар ва сўзга оғиз очиб: «Биз ўз ўрнимизга Ҳожа Абдуллоҳ Баррақийни қолдирдик, сизлар измида бўлиб, унга хилоф иш тутманлар», — дедилар. Сўнг Абдуллоҳ Баррақийга қаратса: «Халифалик сизга етгач, яхши муомалада бўлинг, ёронларга буюрингки, дил зикрини баланд овозда айтмасинлар». Шундан сўнг юзларини Ҳожа Аҳмад Яссавийга қаратиб: «Фотир», «Ёсин» ва «Ван-Нозиъот»

сураларини ўқинг», — дедилар. Суралар ўқиб бўлингач, ёронлардан фифон кўтарилиди. Шундан сўнг: «Худонинг шундай бандалари борки, уларнинг жон беришини Худодан ўзга ҳеч ким билмайди», — дедилар ва қуийдаги байтни ўқидилар:

Дар куйи ту ошиқон, чунон жон бидҳаңд,
К-онжо Малак ул-мавт нағанжад ҳаргиз.

Мазмуни:

Сенинг куйингда ошиқлар шундай жон берадиларки,
Орага Малак ул-мавт (Азроил) сиғмайди.

Шундан сўнг Бузруквор Шайхимизнинг муборак чехраларида ўзгариш пайдо бўлди. Хожа Абдуллоҳ Баракий ёронларга қараб: «Сизлар чиқиб туринглар», — дедилар. Сўнг Шайх: «Мени фалон жойга дафн қилинглар, жанозамни Жомеъ масжидида ўқинглар, қизимни Саййид Шарафуддиннинг ўғлига беринглар», — дедилар. Бундан қирқ кун аввал Ҳазрати Хожанинг аёллари оламдан ўтган эди. Шайх дедилар: «Мени Хожа Абдуллоҳ Баракий ювсин, Хожа Ҳасан Андоқий қабрга қўйисин». Шу сўзларни айтиб турган пайтларида Хожа Хизр, Хожа Илёс Абдол, Favc ва Қутб кириб келдилар. Бу мардонлардан ҳар бири Ҳазрат Шайхимиз билан видолащдилар. Шундан сўнг Хожа Хизр Ҳазрати Шайхимизга бир оқ олма бердилар. Шайхимиз олмани ҳидлаб, Favcга узатдилар. Favc ҳам ҳидладилар. Шайхимиз: «Эй ёронлар, доим намозда бўлинглар. Худо халқига доимо меҳрибон бўлинглар. Favcни менинг ёнимга дафн этинглар», — дедилар.

Шундан сўнг, васиятларини тамом қилишлари биланоқ, Шайхимизнинг руҳоният қушлари юқори оламга парвоз қилди. Favc ҳам Шайхимизга эргашган ҳолда жонини Ҳаққа топширди. Шундан сўнг Самарқанд улуғлари ҳозир бўлдилар. Шайхимизнинг васиятларини бажо келтирдик. Жаноза ўқилиб, қабрга қўйилди. Ҳазрати Favcни Хожа билан битта хонага дафн қилдик, у хонани очиб ташладик ва суппа бино қилдик.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ ФИЖДУВОНИЙ БИЛАН РУҲАН УЧРАШУВИ

Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг тариқатини мұккамал баён қилювчи асарлардан бири Мұхаммад Боқирнинг «Мақомоти Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд» («Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги мақомот») китобидир. Бу асар бир муқаддима ва уч бобдан иборат бўлиб, Ҳожа Баҳоуддиннинг туғилгандан то вафот қилгунча олиб борган ишлари ўз ифодасини топган¹.

Маълумки, Баҳоуддин Нақшбанд ўз тариқатига Абдулхолиқ Фиждувонийнинг фикрларини асос қилиб олган ва ривожлантирган эди. Баҳоуддин Нақшбанд Абдулхолиқ Фиждувоний билан учрашганми, деган савол туғилади. Саволга жавобни мазкур «Мақомот» дан топамиз. Ҳожа Баҳоуддин Абдулхолиқ Фиждувоний билан руҳан учрашади. Бу учрашувда Абдулхолиқ Фиждувоний ўзининг йўл-йўриклари ҳақида Ҳожа Баҳоуддинга сўзлаб беради ва шу йўлдан юришга даъват этади. Мана шу учрашув ҳақидаги тафсилот «Мақомот» китобидан олиниб, қуйида тўлигича келтирилмоқда.

Нақл қилинишича, Ҳазрати Ҳожамиз айтган эканлар: «Аҳволнинг аввалида жазаба ғалабаси ва бекарорликда Бухорода тунлари кезиб юрадим. Тунларнинг бирида табаррук мазорлардан бир мазорнинг бошига бордим. Қайси мазорга бормай, ўша мазорда ёниб турган бир чирони кўрардим. Чиронданда ёғ ва пилик тайёр ва муҳайё бўларди. Бироқ пиликни бироз ҳаракатга келтириш лозим бўлиб, у ёғдан чиқар ва янгидан ёна бошлар эди.

Тунда табаъа тобиъинлардан² бўлган ва уларнинг Мовароуннаҳрга келганликлари ишончли нақл би-

¹ Қаранг: Мұхаммад Боқир. Мақомоти Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд (Баҳоуддин Балогардон). Таржимон, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент, 1993.

² Табаъа тобиъин — саҳобаларни кўрганлар тобиъин, тобиъинларни кўрганлар эса табаъа тобиъин дейилади.

лан исботланган Хожа Мұхаммад Восиъ қуддиса сиррухунинг мазорлари бошига келдим. Хожа Аҳмад Ажфарнуй (уни ҳозирда Хожа Ажундий дейишади) мазорига боришга ишорат бўлди. Мазкур мазорга етганимда икки киши етиб келишди. Белларига иккита қилич осиб олган эдилар. Мени бир уловга миндиришди ва уловнинг бошини Муздохун мазори томон буришди. Муздохун мазорига етганимда чироғдон ва пиликни юқорида айтилган ҳолда кўрдим. Қиблага юзланиб ўтиридим. Шу онда бехудлик юз берди ва қарасам қибла девори ёрилиб, бир катта тахт пайдо бўлди. Тахт олдига яшил парда тортилган эдилар. Уларнинг орасидан Хожа Мұхаммад Бобони танидим. Бу одамлар дунёдан ўтган одамлар эканини билдим.

Жамоат ичидан бир киши менга: «Тахтдаги Хожа Абдулхолик Фиждувоний қуддиса сиррухудир ва бу жамоат эса уларнинг халифалариdir», — деди. Сўнг ҳар бирига ишорат қилиб, мана бу Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёйи Калон, Хожа Орифи Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний қаддасаллоҳу арвоҳаҳум¹, деб таништирди. Хожа Мұхаммад Бобога етгач деди: «Уларни сен ҳаётлик чоғида топгансан, Шайх сенга бир кулоҳ берган ва сенга каромат қилиб, тушаётган бало сенинг баракатинг туфайли даф бўлади, деган эдилар».

Шунда жамоат: «Қулоқ сол ва яхшилаб эшишт, Ҳазрати Хожаи Бузруг сенга сўз айтадиларки, Ҳақ йўлида юришда бунга амал қилмай иложинг йўқ!» — дейишди. Шунда жамоатдан Хожаи Жаҳонга салом бериш ва уларнинг муборак жамолларига назар солишга рухсат сўрадим. Пардани кўтардилар. Нуроний бир пирни кўрдим ва салом бердим. Саломга жавоб бердилар. Сўнг сулукнинг² бошланиши, ўргаси

¹ Қаддасаллоҳу арвоҳаҳум — уларнинг руҳларини Аллоҳ муқаддас қиссин.

² Сулук — тариқат йўли.

ва охири ҳақида баён қилдилар ва дедилар: «Сенга чироқларнинг юқоридаги кайфиятда кўрсатилиши сенинг бу йўлдаги истеъдод ва қобилиятишга ишо-
рат ва башоратдур, аммо истеъдод пилигини ҳара-
катга келтирмоқ лозим, токи равshan бўлсин ва сир-
лар зуҳурга келсин». Сўнг буюрдилар: «Барча ҳолатда
ҳам қадаминг амру наҳий қўчасида бўлсин, суннат-
ни ҳамиша жойига қўйишга интил, бидъатлардан узок,
бўл. Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг
ҳадисларини ўзингга пешво қилиб ол, Расулуллоҳ сал-
лаллоҳу алайҳи васаллам¹ ва унинг улуғ саҳобалари
ризвонуллоҳи алайҳим ажмаъян² асрлари ва хабар-
ларини изловчи ва ўрганувчи бўл!»

Бу сўзлардан сўнг мазкур жамоат менга дедилар:
«Сен кўраётган бул ҳолатнинг тўғрилигига далил
шуки, сен эрталаб Мавлоно Шамсуддин Олбашка-
навий олдига борасан ва Турк билан Саққо орасида
муомалада бўлиб, Сиз Саққо тарафидасиз, аммо Турк
ҳақлидир, деб айтасан. Агар Саққо сенга қўполлик
қиласа, эй Саққойи ташна, дейсан, у бу сўзнинг си-
рини билади. Иккинчи далил шуки, у бир аёл билан
ҳаром иш қилган ва бундан натижа ҳам ҳосил бўлган.
У аёлга бола туширишни буюрган ва фалон жойдаги
токнинг тагига кўмган».

Улар яна буюриб дедилар: «Бу элчиликни Мавло-
но Шамсуддинга еткизганингдан сўнг, эртасига уч-
дона майиз олиб, Реги Мурда (ўлик қум) орқали тез-
да Насафга Сайийд Амир Кулол хизматига равона
бўласан. Пуштаи Қарохун (Қарохун тепалиги)га ет-
ганингда сенга бир қария ҳамроҳ бўлади. Қария сенга
битта иссиқ нон ҳадя қиласди ва сен нонни қабул
қиласан. У билан асло сўзлашмайсан. Ундан ўтгач,
бир карвонга дуч келасан. Карвондан ўтгач, бир от-
лиққа дуч келасан ва унга насиҳат қиласан. У эса
сенинг қўлингда тавба қиласди. Сўнг Азизоннинг ку-
лоҳини Сайийд Амир Кулолга етказасан».

¹ Унга Аллоҳнинг дуою саломи бўлсин.

² Уларнинг ҳаммасига Аллоҳнинг ризолиги бўлсин.

Шундан сўнг бу жамоат мени ҳаракатга солиб, ўзимга келтирилар. Шу куни тонгда зудлик билан Ревартун тарафига равона бўлдим. Алоқаси бор кишилардан қулоҳ ҳақида суриштирдим. Айтдилар: «Бир неча муддатдан буён фалон жойдадир». Азиzonнинг қулоҳларини кўриб, аҳволим ўзгарди, узоқ йиғладим. Ва дил шикаста йўлга тушдим. Мавлоно Шамсуддин масжида бомдод намозини ўтадим. Намоздан сўнг туриб: «Элчиликка буюрилганман», — дедим ва қиссани Мавлоно Шамсуддинга айтдим. Мавлоно ҳайрон бўлиб қолдилар. Саққо ҳам ҳозир эди. Туркнинг ҳақ эканини инкор қилди. Саққога дедим: «Менинг далилим шуки, сенда илмдан насиба йўқдир». У жим бўлиб қолди. «Менинг яна бошқа далилим шуки, сен бирор билан фасод иш қилгансан ва ундан натижа ҳосил бўлган. Уни туширтириб, фалон жойдаги токнинг тагига кўмдиргансан!» Саққо буни ҳам инкор қилди.

Мавлоно халқ билан бирга ўша жойга бориб, текшириб кўрдилар ва болани топдилар. Саққо узр айтишга тушди. Мавлоно ҳамда у билан келган жамоат йиғлашга тушдилар.

Бир кун ҳам ўтди. Эртасига қуёш чиққан вақтида буюрилган иш тақозоси бўйича, уч дона майиз олиб, Реги Мурда йўли орқали Насафга отландим. Менинг жўнатаётганимдан хабар топган Мавлоно ҳузурига йўқлатди ва илтифотлар кўрсатиб деди: «Сенда бир дард пайдо бўлибди, унинг давоси бизнинг қўнимизда; бу ерда тур, то сенинг тарбиятингни бажо келтирайлик». Жавобига дедим: «Мен ўзгаларнинг фарзандиман, агар сиз менинг оғзимга кўкрак солсангиз, кўкрак учини тишлаб олишим мумкин». Мавлоно жим бўлиб қолдилар. Сўнг кетишга рухсат бердилар.

Шу куни куннинг аввалида белни маҳкам боғладим ва икки кишига белбоғимдан икки томонидан тортишни буюриб, шиддат билан йўлга тушдим. Пуштаи Қарохунга етганимда бир қарияга дуч келдим, битта иссиқ нон берди. Нонни олиб, унга ҳеч нарса демадим. Анча юргач, бир карвонга дуч келдим. Кар-

вондагилар мендан: «Қаердан келапсан!» — деб сўрашди. Мен жой номини айтдим. «У ердан ўзиги чиқсан эдинг?» — деб сўрашди. «Қуёш кутарилган вақтда», — дедим. Мен буларнинг олдига келганимдан туш пайти эди. Улар: «Бу киши жинними, у қишлоғдан то бу ергача тўрт фарсанг-ку, биз туннинг аввалида у ердан чиқсан эдик, энди шу ерга етиб келдик», — дейишди.

Карвондан ўтдим ва ўша айтилган отлиқقا дуч келдим. Яқинига бориб, салом қилдим. Отлик: «Сен кимсан, мен сендан хафаман!» — деди. «Мен сени тавбага етқазадиган кишиман», — дедим. У сакраб отдан тушди, юкини тушириб, шаробларини тўқди ва тавба қилди.

Бу ердан ҳам ўтиб, Насаф чегарасига етиб келдим. Ҳазрати Сайид Амир Кулол яшайдиган қишлоқقا кирдим. Уларни топиб, хизматларига мушарраф бўлдим. Азизоннинг муборак кулоҳларини уларнинг олдиларга қўйдим. Ҳазрати Сайид Амир Кулол бир муддат жим қолдилар. Узоқ жимлиқдан сўнг: «Бу кулоҳни икки парда орасида сақлашга сен учун ишора бўлди», — дедилар. Мен ўрнимдан туриб, қабул қилдим ва кулоҳни олдим.

Шундан сўнг Ҳазрати Амир менга сабоқ бердилар ва овоз чиқармай хуфя айтиладиган нафий ва исботга¹ машғул қилдилар. Бир неча муддат бу усулага амал қилдим. Ўша зикр қилинган бехудлиқда Хожагонлар, қаддасаллоҳу арвоҳаҳум, томонидан буюрилганига мувофиқ зикриalonиййага² амал қилмадим ваalonиййани бутунлай тарк қилдим.

¹ Нафий ва исбот — «ло илоҳа иллаллоҳ» калимаси бўлиб, мурид тариқатга киргач маълум муддат уни такрорлаши шартдир.

² Зикриalonиййа — Аллоҳ, номини овоз чиқариб такрорлаш, зикри хуфя бунинг акси бўлиб, овоз чиқармай, дилда айтилади.

ФИЖДУВОНИЙНИНГ АЙТГАНЛАРИ ҲАҚИДА КИТОБ

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўёзмалар хазинасида «Аз гуфтори Хожа Абдулхолик Фиждувоний» («Хожа Абдулхолик Фиждувонийнинг айтганларидан») рисоласи сакланмоқда. Рисоланинг муаллифи номаълум. У саволжавоб тарзида тузилган бўлиб, ўн учта бобни ўз ичига олади. Ҳар бир бобда тасаввуфга оид ҳар хил масалалар баён қилинган. Саволлар «Сўрадилар» деган сўз билан бошланади. Ҳар бир саволга Шайх, яъни Абдулхолик Фиждувоний жавоб берган.

Мазкур рисола Хожагон сулукининг сарҳалқаларидан бири бўлган Абдулхолик Фиждувонийнинг тасаввуф борасидаги фикрларини ўрганишда, айни пайтда Нақшбандия тариқатининг асосларини тадқиқ қилишда катта аҳамиятга эга. Зотан, нақшбандия тариқати Абдулхолик Фиждувонийнинг кўрсатмалири ва айтган фикрларига асослангандир.

Мазкур тўпламда юқорида тилга олинган китобдаги боблардан айрим намуналар таржима қилиб берилган.

Хожа Абдулхолик Фиждувонийнинг айтганларидан

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

ТАВБА ВА УНИНГ ШАРОИЛЛАРИ ҲАҚИДА (Биринчи бобдан)

Билгинки, йўлнинг боши тавбадир. Тавбанинг маъноси Худойи таъолонинг ризолигига хилоф бўлган ҳар қандай сўз ва феълдан қайтишдир. Чунончи, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло Қуръони каримда буюради: «Йа

аййұхал лазина оманув тувбу илаллақи тавбатан на-
суха». (Эй, иймон келтирган зотлар. Аллоқта тавбаи
насух, бирлан тавба қилинглар). Расууллоҳ саллал-
лоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ат тоибу мин аз-
занби ка-ман ло занба лаҳу». (Гуноҳдан тавба қилувчи
гуноҳ қилмаган киши кабидир).

Ҳар ким оят ва ҳадиснинг мазмунига мувофиқ
амал қылса, Худойи таъоло унинг гуноҳини кечади,
киром ул-котибин унинг номайи аъмол китобини
очиб, ёмон ишларини ўчиради ва ёмон ишлари ўрнига
яхши ишларни ёзди. Чунончи, Ҳақ таъоло буюра-
ди: «Кимки тавба қылса, иймон келтирса, яхши амал-
ларни қылса, бас, Аллоҳ уларнинг ёмонликларини
яхшиликларга айлантиради». Расууллоҳ саллаллоҳу
алайҳи васаллам айтдилар: «Ан-надаму тавбатун»
(Пушаймонлик тавбадир).

Масъала. Сўрадиларки, тавбаи насух нимадир?
Шайх — Аллоҳ, уларнинг руҳини муборак қылсин,
руҳлари муқаддас бўлсин — айтдилар: «Тавбаи на-
сухнинг учта белгиси бор: биринчиси шуки, нимаи-
ки Аллоҳнинг ризолигига хилоф бўлса, дарҳол ун-
дан қайтишдир. (Ат-тавбату қатъун фи-л-ҳоли). Ик-
кинчиси шуки, ғафлат билан, бефармонлик билан
ўтган ва бежуда зое бўлган вақтларига доимо пушай-
мон бўлишдир. (Аннадаму ало мо мазо). Учинчиси
шуки, қайта гуноҳ қилмасликка азм ва жазм қилиш-
дир. (Ал-азму ан ло аъуда илайҳи абада).

ИРОДАТ ВА МУРИДНИНГ СИФАТЛАРИ ҲАҚИДА

(Иккинчи бобдан)

Билгинки, иродат бирор кишига нисбатан пайдо
бўладиган кўнгил истагидир. Бу иродат улуғ давлат-
дир ва барча саодатларнинг қалитидир.

Шайх — Аллоҳ, уларнинг руҳларини муқаддас қил-
син — буюрадилар: «Мурид ўз Шайхининг талаби
билан машғул бўлиши, бу азизнинг хизматида маҳ-
кам туриши, унинг тасарруфига ўзини таслим қили-

ши зарур». Муридда пирнинг ризолигига қарши заррача ҳаракат содир бўлмаслиги шарт. Агар пирнинг кўнгли заррача озор топса, муриднинг барча риёзатлари йўққа чиқади. Шайх — Аллоҳ, уларнинг руҳларини муқаддас қилсин — буюрадилар: «Ҳар муридким Шайхнинг назаридан қолса, унинг ишлари шундай бузиладики, бошқа ҳеч қандай шайх унинг ишини созлай олмайди, у гўёки палағда бўлган тухумга ўхшаб қолади. Агар оламнинг барча товуқлари тўпланиб бу тухумни созламоқчи бўлсалар ҳам, созлай олмайдилар ва ундан ҳеч қандай жўжа чиқмайди».

МУРИДНИНГ ШАЙХГА МУҲТОЖЛИГИ ҲАҚИДА

(Учинчи бобдан)

Билгинки, муриднинг шайхга муҳтожлиги кўпdir ва ҳеч мурид шайхсиз бу йўлдан юролмайди. Чунончи, Мусо алайҳис салом пайғамбарлигига қарамасдан, ўн йил давомида Шуъайб алайҳис саломнинг хизматларини қилдилар. Шундагина Ҳақ билан сўзлашиш шарафига ноил бўлдилар.

Шайх — Аллоҳ, уларнинг руҳларини муқаддас қилсин — буюрадилар: «Муриднинг комилу мукаммал шайхга эҳтиёжи кўпdir». Бу йўlda манзиллар ва шубҳали ишлар кўп ва довонлар сон-саноқсизdir. Кимки бу йўлга мушкулотларни ҳал қилувчи ва шубҳаларни дафъ этувчи шайхсиз қадам қўйса, шубҳалар тўрига илиниб, ҳалокатга маҳкум бўлади.

ЗИКР ТАЪЛИМИ ВА УНИНГ ОДОБЛАРИ ҲАҚИДА

(Тўртинчи бобдан)

Билгинки, зикр (ёдлаш) банданинг Ҳақ таъолога муҳаббатидир. Ҳар банда Худони яхши кўрса, уни кўпроқ зикр қиласди. Чунончи, Расул алайҳис салом: «Кимки бирор нарсани яхши кўрса, унинг зикрини

кўпроқ қилади», — деган эдилар. Худойи таъоло Қуръони каримнинг кўп жойида: «Йа аййуҳал лази на оману-зкурруллоҳа зикран қасирон» («Эй иймон келтирган зотлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар»), дейди.

Шайх — Аллоҳ уларнинг руҳларини муқаддас қилсин — буюрадилар: «Кўп зикр шундай зикрки, у узилишсиз пайдар-пай бўлади. Зикрда ҳеч қачон ғафлатга йўл қўйилмаслиги керак. Пайғамбар алайҳис салом: «Зикрларнинг афзали «ло илоҳа иллаллоҳ», — деган эдилар. Ҳожагон — Аллоҳ уларнинг руҳларини муқаддас қилсан — дил зикрини тавсия қилганлар. Бу зикр Абу Бакр Сиддиқдан — Аллоҳ ундан рози бўлсан — асрлар оша Ҳожаи Бузрук — Ҳожа Абдулхолиқ Гиждувонийга етиб келди, бу давлат улардан бизга етди ва у то Қиёмат боқий қолади».

Расул алайҳис салом буюрадилар: «Ҳар бир нарсага сайқал берувчи бор, қалбнинг сайқалловчиси эса Аллоҳнинг зикридир».

Шайх — Аллоҳ уларнинг руҳларини муқаддас қилсин — буюрадилар: «Дил зикрининг тўртта шарти бор: биринчиси шуки, шайх қайси тартибда ўргатган бўлса, зикрни шу тартибда айтади, натижада «аз-куркум» (Сизларни ёдлайман) сўзининг гулидан мева ҳосил бўлади. Иккинчиси шуки, луқмада эҳтиёт бўлади, шубҳали луқма дилни қорайтиради, қорайган дилдан эса зикр ҳосили чиқмайди»¹.

ШАЙХНИНГ МАРТАБАЛАРИ ВА СИФАТЛАРИ ҲАҚИДА

(Бешинчи бобдан)

Билгинки, бу йўлнинг ҳар бир йўловчисига — Аллоҳ уларга муваффақиятлар ато қилсан — ҳақиқий йўлбошчига эргашмай чора йўқ, чунки бу йўлнинг манзилу мақомларида довону қийинчиликлар кўпдир. Йўлни билувчи шайхсиз бу йўлдан юриб бўлмайди. Ҳақ таъоло Хизр алайҳис саломни шайх мақомида,

¹ Кўлёзмада қолган иккита шарт келтирилмаган.

Мусо алайхис саломни эса муридлик мақомида тутиб, илми ладунний таълимини берди.

Расууллоҳ, айтадилар: «Аш-шайху фи-қавмихи к-аннабий фи умматиҳи» («Ўз қавми ичидаги шайх уммат ичидаги пайғамбар кабидир»). Шайх — Аллоҳ, уларнинг руҳларини муқаддас қилсин — айтадилар: «Расууллоҳнинг ҳадисларига мувофиқ, мурид барча ҳолатда ҳам пирга муҳтождир».

ДАРВЕШЛИК ЙЎЛИНИНГ ОДОБЛАРИ ҲАҚИДА

(Олтинчи бобдан)

Билгинки, дарвеш одобларидан бири шуки, шайхнинг хизмати учун қаттиқ саъю-ҳаракат қилиши, токи шайх хизматининг ҳуқуқларини бирор дақиқа ҳам зое қилмаслиги керак, агар у хизматда нуқсонга йўл қўйса ва бундан пир кўнглига заррача губор қўнса, мурид йўли бутунлай бекилади. Яна бири шуки, кўз очиб юмгунча вақтда ҳам силоҳсиз бўлмаслиги керакки, Расул алайхис салом айтадилар: «Ал-вузуу силоҳ, ул-мўъминина», яъни таҳорат мўъминларнинг силоҳи (яъни, қуроли) ва шайтоннинг душманидир. Инсу жинлардан ниҳоний душманлар жуда кўпдир. Қуролли бўлинг, токи ўзингизни ҳалокатга ташламанг». Демак, доимо таҳоратли бўлмоқ бу йўлнинг зарурий ишлари жумласидандир. Яна бири шуки, таҳорат қилгач, икки ракъат «шукри вузув» (таҳорат шукри) намозини ўташ зарур.

ЗУҲД ВА ТАҚВО ҲАҚИДА

(Еттинчи бобдан)

Билгинки, бу йўлнинг юрувчиси бу дунёнинг ишларидан юз ўгириши, охират ишлари билан бутунлай машғул бўлиши лозим. Чунончи, Ҳақ таъоло буюради: «Кимки охиратни хоҳласа, бас, у зуҳду тақвога амал қилсин». Расууллоҳ айтадилар: «Аз

зоҳидуна мулук ул-охирати», яъни зоҳидлар охиратнинг подшоҳлариурлар.

Масъала. Сўрадиларки, зуҳд нимадир? Шайх — Аллоҳ уларнинг руҳларини муқаддас қиласин—буорадилар: «Зуҳд уч ҳарфдан иборат бўлиб, ҳар бир ҳарфи бир маънога эгадир. «З»ни дунё зийнатидан, «Ҳ»ни ҳаво (бехуда эҳтирос)дан, «Д»ни дунёдан олганлар. Демак, мурид дунё зийнатларидан бутунлай юз ўгириши, ҳавони ўз қадамлари остида топташи, дунёдан эса бутунлай қўл ювиши керак. Аслида зуҳд шундайки, дунёнинг тамоми моли унинг қўлида бўлса ҳам, дилида бу молу дунёга заррача меҳр қўймайди. Бундай киши етук кишидир. Унинг моли диндор.

ФИКРЛАРНИ ТАНИШ ВА УНИНГ ОДОБЛАРИ ҲАҚИДА

(Саккизинчи бобдан)

Билгинки, хавотир (фикрлар) деб ҳар хил ўйхәёлларнинг одамнинг кўнглидан ўтишига айтилади. Бу тўрт қисм бўлади: раҳмоний (илоҳий), малаконий (фаришталарга хос), нафсоний (жонга хос) ва шайтоний. Раҳмоний хотирнинг аломати фафлатдан огоҳлик топишдир, малаконий хотирнинг белгиси тоатга тарғиб этишдир. Нафсоний хотирнинг аломати шахватга берилишдир, шайтоний хотирнинг аломати маъсият билан безанишдир. Демак, хавотирни таниш саодатга етиш сабабидир.

Масъала. Сўрадиларки, хавотирни таниш нима билан ҳосил бўлади? Шайх — Аллоҳ уларнинг руҳларини муқаддас қиласин — буорадилар: «Биринчи-си шуки, таниш юз бериши учун таҳоратли бўлиш лозим. Ботин таҳорати, яъни кўнгил поклигининг шартлари кўпдир. Чунончи, ҳаром қилинган нарсаларни кўришдан кўз пок бўлиши, фийбатларни ва ёлғонларни гапиришдан тил пок бўлиши, ҳаром овозларни эштишидан қулоқ пок бўлиши, шариатда ушлаш мумкин бўлмаган нарсаларни ушлашдан қўл пок бўлиши, бориш мумкин бўлмаган жойга боришдан

Қадам пок бўлиши. Бу беш таҳорат юзага келса, демак, ботин таҳорати мукаммал бўлган бўлади.

Бу шартлардан яна бири шуки, ҳалол луқма ейиш, озгина ейиш, аммо Ҳақ ёди билан ейиш. Бошқаси эса Қуръонни тафаккур билан ўқиши, кечаси туриш, саҳарда зорланиш ва кундузи яхши киппилар билан сұхбат қуришдир.

ДИЛНИНГ САЛОМАТ БЎЛИШИ ҲАҚИДА

(Тўққизинчи бобдан)

Билгинки, дилнинг саломат бўлиши Ҳақ таъоло рози бўлмаган нарсалардан узоқ бўлишки, эртага соғлом дилдан ўзга ҳеч нарса ёрдам бермайди. Расулуллоҳ айтадилар: «Инсон жасадида бир парча гўшт бор, агар у саломат бўлса, бошқа аъзолар ҳам саломат бўлади, агар у бузилса, бошқа аъзолар ҳам бузилади. Огоҳ бўлингки, бу дилдир».

Масъала. Сўрадиларки, бемор дилнинг давоси нима? Шайх — Аллоҳ уларнинг руҳларини муқаддас қилсин — буюрадиларки: «Унинг давоси шуки, уламоларнинг сұхбатига интилади. Уларнинг хизматида туради. Уларнинг айтганини қабул қилиб, машойихлар ҳузурида бўлади. Шундагина унинг дилидан дунёга бўлган муҳаббат кетади. Расулуллоҳ айтадилар: «Ўлим келмасидан аввал унга тайёргарлик қўринглар».

САБР ВА РИЗО ҲАҚИДА

(Ўнинчи бобдан)

Билгинки, сабр нафс (жон)ни ҳавоий (яъни эҳтирос)лардан тиймоқдир. Чунончи, Худойи таъоло буюради: «Пайғамбарлардан бўлган азм эгалари сабр қилгани каби сабр қилгин». Пайғамбарлар балоларга сабр қилганлар.

Масъала. Сўрадиларки, сабрли банданинг аломатлари қандай? Шайх — Аллоҳ уларнинг руҳини муқаддас қилсин — буюрадилар: «Аломати учтадир.

Бириңчиси халқдан унга заҳмат етса, бунга эътибор қилмайди, ҳеч кимга айтмайди, чунки айтиш Ҳақ таъолодан шикоят қилишдир. Иккинчиси, кўнгилда ҳам эътиroz қилмайди. Учинчиси, бадавлат киши моли билан қандай фахрланса, у бошига келган ба-лога шундай фахрланади».

Расууллоҳ, буюрадилар: «Ал мавту тухфат ул-мўъминин», яъни ўлим мўъминнинг тухфасидир. У дунё бу дунёдан яхшироқдир. Демак, нечун мен у дунёдан қочайин?»

Шайх — Аллоҳ, уларнинг руҳларини муқаддас қилсин — буюрадилар: «Ризо бу — шодикдир, яъни Ҳақ таъоло томонидан балолар ва кулфатлардан ни-маики етса, бунга хушнуд бўлади. Ва кўнглимиз бу балоларга қарши эътиroz қилмайди, чунки, балолар дўстдан келгандир».

МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ҲАҚИДА

(Ўн биринчи бобдан)

Билгинки, дил ибодати муҳаббатдир. Чунончи, Ҳақ таъоло буюради: «Агар сизлар Аллоҳни севсаларингиз, бас, менга тобеъ бўлинглар, шунда Аллоҳ ҳам сизларни севади».

Расууллоҳ, айтадилар: «Кимки Аллоҳнинг Расу-лини севса, Аллоҳ ҳам уни севади».

Үйқу Аллоҳ, дўстларига ҳаромдир.

Байт:

Ҳаббаба лил-муҳибби кайфа яном,
Кулла навмин ала-л-муҳибби ҳаром.

Таржимаси:

Аллоҳни севган киши қандай ухлаши мумкин,
Севувчи учун ҳар қандай уйқу ҳаромдур.

Масъала. Сўрадиларки, муҳаббатнинг асл ҳақи-кати нимадир? Шайх — Аллоҳ, уларнинг руҳларини муқаддас қилсин — буюрадилар: «Муҳаббатнинг ҳақиқати шундаки, маҳбубнинг муҳаббати муҳибга

нисбатан шу даражада ғалаба қиласы, унинг барча сифатлари маҳбубнинг мушоҳадасида бутунлай фоний бўлади ва муҳиб учун ўзининг сифатларидан ҳеч бир хабар қолмайди. Маҳбубдан муҳибга етган ҳар қандай аламу заҳмат унинг учун улуф тухфага айланади».

ТАФВИЗ ВА ТАСЛИМ ҲАҚИДА

(Ўн иккинчи бобдан)

Билгинки, тафвиз ўз ишини Ҳаққа топширишдир. Чунончи, Ҳақ таъоло буюради: «Ва уфаввизу амри иллаллоҳи инналлоҳа басийрун би-л-ибод», яъни ўз ишларимни Аллоҳга топширдим, Аллоҳ, ўз бандаларини кўриб турувчиdir.

Масъала. Сўрадиларки, тафвиз ва таслим нимадир? Шайх — Аллоҳ, руҳларини муқаддас қилсин — буюрадилар: келмаган нарсага чора кўришни танлашдир, яъни қазо келмасдан бурун рози бўлиб туришдир. Таслим эса, ҳали келмаган нарсага эътиroz билдиришдан қўл тортишдир, яъни бандага келган ҳар қандай ҳукм ва қазога на зоҳирда ва на ботинда эътиroz билдирмайди.

ШУКР ВА ТАВАККУЛ ҲАҚИДА

(Ўн учинчи бобдан)

Билгинки, неъматларнинг шукри шундайки, бу неъматлар учун Аллоҳнинг фармонларига амал қилишда осий бўлмайди.

Масъала. Сўрадиларки, таваккул нимадир? Шайх — Аллоҳ, уларнинг руҳларини муқаддас қилсин — буюрадилар: «Таваккул шундайки, барча ишлардан банда чораю тадбирни тарк қиласи, ўз ишларининг чорасини Аллоҳга топширади: «Ман ятаваккалу алаллоҳи фаҳува ҳасбуҳу», яъни кимки Аллоҳга таваккул қиласа, бас, Аллоҳ уни ҳимоя қилувчиdir».

Хожа Абдулхоликнинг вафотлари яқинлашганда ўз яқинларидан тўрт кишини ўз ишини давом этти-

ришга лойик деб топдики, улар халқни Ҳаққа даъват этиш билан машғул бўлдилар. Ҳазрати Ҳожанинг вафотлари олти юз ўн етти милодийда юз берди.

ЛУФАТ ВА ИЗОҲЛАР

А

Ави — кўмак, ёрдам
Алад-давом — доимий, бардавом
Алайҳир-раҳма — унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин
Ала қадр ит-тоқат — куч етган миқдорда
Ала ҳоза-л-қиёс — шунга қиёсан
Анола руҳаҳу-р-ризвон — Аллоҳ, руҳини жаннатга
ноил этсин
Асфал ус-софилийн — чуқурларнинг чуқури, яъни
дўзах
Ахлоқи замима — ёмон хулқлар
Ахлоқи ҳамида — яхши хулқлар
Аҳли тақарруб — Аллоҳга яқин кишилар

Б

Баргузида — танланган
Ба қадри мо тайассаруллоҳ — Аллоҳ, мұяссар
қилган миқдорда
Баҳо ул-Ҳақ ва-д-Дин — Баҳоуддин Нақшбанд
Бебизоат — камбағал
Билод — мамлакатлар, шаҳарлар

В

Валлоҳу аълам би-с-савоб — Аллоҳ, тўғрилигини
билиувчироқ

Д

Даргоҳи Яздоний — Илоҳий даргоҳ
Дари жаннат — жаннат эшиги
Дигар — бошқа
Долл — далолат қилувчи
Дори фоний — ўткинчи дунё

Дори боқий — абадий дунё
Духул ва хуруж — кириш ва чиқиш

Ж

Жавомиъ ул-калим — барча маъноларни ўзида
мужассамлаштирган китоб ёки ибора

З

Зикри алониййа — зикрни овоз чиқариб айтиш

Зикри лисоний — тил билан айтиладиган зикр

Зикри хафий ёки хуфия — зикрни махфий айт-
тиш

Зикри қалбий — зикрни қалбда айтиш

Замири мунир — равшан қалб

И

Ибтидои ҳол — ботин, авлиёлик илмининг бош-
ланиш даври

Ижмол — қисқача, муҳтасар

Изади Субҳоний — пок Парвардигор

Ила йавмина ҳозо — ҳозирги бизнинг кунгача

Илийийин — энг олий жаннат

Илми ладунний — Аллоҳ, томонидан устозсиз бе-
риладиган илм

Инда-л-Ҳақ, ва-л-ҳалқ — Аллоҳ, ва ҳалқ олдида

Инкисор — эзилиш, руҳан тушиш

Иртибот — алоқа

Иститоат — куч, қувват

Иштиғол — машғул бўлиш

Иқомат этмак — бир ерда муқим турмоқ, яша-
моқ

К

Казо фи-л-Авориф — «Авориф» китобида шун-
дай (ёзилган)

Килк — қалам

Кушоянда — очувчи

М

Мазмум — ёмон, ёқимсиз нарса

Макшуф бўлмоқ — кашф бўлмоқ, ошкор бўлмоқ
Мафҳум — фаҳмланган
Маъзарат — узр сўраш
Муваффик — муваффақиятга етказувчи
Мудовамат — бир ишни давомли қилиш
Мужодала — жанжал, тортишув
Мулозамат қилмоқ — бирор кишининг хизматида бўлмоқ.

Муршиди рашид — ҳақиқий пир
Мутаважжиҳ бўлмоқ — дикқатини қаратмоқ, бир ишга юзланмоқ

Мутобаъат — тобеълик
Муштамил бўлмоқ — ўз ичига олмоқ
Муқарраб — яқин
Муқтадойи вақт — давр пешвоси
Муҳаққиқлар бурҳони — ҳақиқатга етганларнинг ҳужжати
Мухофазат — асрар, сақлаш

Н

Наммом — чақимчи
Нафасни сақламоқ — нафасни ичга ютмоқ
Нафийу исбот — ло илоҳа иллаллоҳ, калимасини тақрорлаш
Ниййати содиқа — тўғри ниййат

О

Осор — таъсирлар
Ошуро — мұхаррам ойи, Имом Хусайннинг ўлдирилиши муносабати билан ўтадиган таъзия кунлари

П

Пушида — яширилган, ёпилган

Р

Равваҳаллоҳу руҳаҳу — Аллоҳ, унинг руҳини шод қиласин

Раҳимаҳумуллоҳ — Аллоҳ, унга раҳм қиласин

Раҳматуллоҳи алайҳ — унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин

Раҳматуллоҳи алайҳим ажмаъин — уларнинг ҳаммасига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин

Раҳо қилмоқ — бўшатмоқ, қўйиб юбормоқ
Рубубийят — илоҳийлик

C

Савмаъа — масжид

Саллаллоҳу алайҳи васаллам — Унга Аллоҳнинг дуюю саломлари бўлсин

Симоъ — куй, ашула ва мусиқа эшитиш билан ўтадиган зикр

Сифоти башарий — одамлик сифатлари

Сифоти замима — ёқимсиз сифатлар

Сифоти малакий — фаришталик сифатлари

Сифоти ҳамида — ёқимли сифатлар

Солик — тариқат йўлида юрувчи

T

Табъийят — тобеълик

Тамма қаломуҳу — унинг сўзи тугади

Тамкин бўлмоқ — бир ерда қарор топмоқ, кўнгилни тиндиromoқ

Тафзийл — устун бўлиш

Тафсил — тўлиқ, мукаммал

Тафҳим — тушунтириш

Тақобул — муқобил, қарама-қарши

Тақсир — қусур, нуқсон

У

Убур кунанда — ўтувчи

Улуми зоҳир ва ботин — дунёвий ҳамда тариқат илмлари

Улуҳийят — илоҳийлик

Усул ва фурӯъ — фикҳ (ҳуқуқ) шуносликнинг соҳалари

Ф

Фарзанди маънавий — тариқат йўлидаги фарзанд

Фарсах — масофа ўлчови, бир фарсах 6—7 км.га тенг

Фиқҳ — ислом ҳуқуқшунослиги

X

Хайру шарр — яхши ва ёмон

Хоки мазаллат — хорлик тупроғи

III

Шайхи кибор — улуг шайх

Шитобон — шошган ҳолда

K

Қаддасаллоҳу арвоҳаҳум — Аллоҳ уларнинг рухларини муқаддас қилсин

Қаддасаллоҳу таъоло руҳаҳу — Аллоҳ таъоло унинг руҳини муқаддас қилсин

Қаддасаллоҳу таъоло руҳаҳу-л-азиз — Аллоҳ таъоло унинг азиз руҳини муқаддас қилсин

Қазо — қозилик

Қалил — оз

Қарйа — қишлоқ

Қуддиса сирруҳу — унинг сири муқаддас бўлсин

Қуддиса сирруҳ-л-олий — унинг олий сири муқаддас бўлсин

Құдсий қашфлар — муқаддас кароматлар

Қурб — яқинлик

F

Ғайбат — фойибда бўлиш, ўздан кетиш, ҳушини йўқотиш

Ғарази саҳиҳа — тўғри, ҳақиқий мақсад

X

Ҳаводисот — ҳодисалар

Ҳафаза — амалларни ёзувчи икки фаришта

Ҳол илми — ботин, авлиёлик илми

МУНДАРИЖА

Миллий қадриятларимизни тиклаш йўлида (М. М. Хайруллаев)	3
Хожа Абдулхолик Фиждувоний (М.Ҳасаний, М.Раззоқова) ..	5
Хожа Абдулхолик Фиждувоний ҳақида маноқиб, мақомот, тазкира	13
Хожа Абдулхолик Фиждувоний таснифотларидан	93
Лугат ва изоҳлар	122



ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ

Рассом У. Солиҳов
Техник муҳаррир Т. Харитонова
Мусаҳҳих Ш. Мақсудова

Теришга берилди 28.03.03. Босишга рухсат этилди 23.05.03. Қоғоз формати $84 \times 108^1/_{32}$. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма т. 6,72. Нашр т. 4,8. Тиражи 3000. Буюртма № 31. Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Навоий, 30. Нашр №39-2003.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент китобжурнал фабрикасида чоп этилди. 700194, Юнус-Обод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-й.

